

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

***ИЖТИМОИЙ ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ***

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси

ИСМАЙЛОВ К.С., УТЕМУРАТОВ А.Б.

**«МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ»**

фанидан

**маъруза матни**

Олий таълимнинг 5340900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит  
йўналиши учун

**НУКУС - 2011**

## **МУНДАРИЖА**

<b>№</b>	<b>Мавзулар</b>	<b>бет</b>
1.	Бухгалтерия ҳисобининг Фани ва усуллари	3
2.	Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби	13
3.	Мажбуриятлар (туланадиган счёtlар) буйича ҳисоблашишларнинг ҳисобини юритиш	28
4.	Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби	60
5.	Материаллар ҳисоби	67
6.	Молиявий қўйилмалар ҳисоби	78
7.	Асосий воситалар ҳисоби	80
8.	Номоддий активлар ҳисоби	100
9.	Маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш ҳисоби	119
10.	Капитал, фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби	130
11.	Молиявий ҳисобот	145
	Фойдаланилган адабиётлар	156

# **1-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ-1 ФАНИ ВА УСУЛЛАРИ**

## **режа**

1. Хўжалик ҳисоби ҳақида умумий тушунча
2. Хўжалик ҳисобининг турлари
3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг яратилиш тарихи ҳақида
4. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари
5. Бухгалтерия ҳисобининг предмети

### **1. Хўжалик ҳисоби ҳақида умумий тушунча**

Корхона хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ва унинг устидан назорат ишларини олиб бориш учун раҳбарлик керакли маълумотлар билан таъминланиши зарур. Бунинг учун корхонанинг хўжалик фаолияти узлуксиз кузатиб борилади. Кузатиш йўли билан олинган маълумотлар маълум миқдор кўрсаткичларида ифодаланиб, исталган вақтда фойдалана олиш учун улар ўзига хос тартибда рўйхат қилиб борилади. Корхона хўжалик фаолиятида юз берадиган айrim ҳодисаларни кузатиш, ўлчаш ва рўйхат қилиш унинг фаолиятини микдорларда акс эттиришдан иборатдир. Бу нарса хўжалик ҳисобининг асосий мазмунини ташкил қиласди. Лекин хўжалик ҳисобининг мазмунни ва мақсади ҳамма ижтимоий-иктисодий босқичларда ҳам бир хил бўлган эмас, улар ҳар бир янги ижтимоий тузум талабларига бўйсундирилиши натижасида доимо ўзгариб келган.

Маълумки, ишлар чиқариш усулининг ўзгариши жамият тузумининг ўзгаришига сабаб бўлган. Бу эса, ўз навбатида хўжаликка раҳбарлик ва назорат қилиш усулини ўзгартиришга, шунингдек, хўжалик ҳисобининг ўзгаришига ҳам олиб келгакн. Ҳар бир ижтимоий тузумда хўжалик ҳисоби ўзининг мақсади, вазифалари ва ташкил қилиш шаклларига эга. Шундай қилиб, кишилик жамиятининг ривожланиши хўжалик ҳисбининг ўзгариши ва мазмунини белгилайди. Унинг мазмуни, у қандай ижтимоий тузумда кўлланилаётлан бўлса, ўша тузум хусусиятларидан келиб чиқади.

Айтилглардан шундай хулосага келиш мумкинки, хўжалик ҳисоби ёрдамида хўжаликда юз берадиган айrim ҳодисалар фақат миқдор жиҳатидн эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ифодаланади. Демак, хўжалик ҳисоби корхона, муассаса, ташкилот хўжалик фаолиятига раҳбарлик, бу фаолият устидан назорат килиш максадида хўжаликда юз берадиган ўзгаришларни микдорларда акс эттириш ва сифат жиҳатидан тавсифлашдан иборатдир.

Кишилик жамиятининг ривожлана бориш жараёнида хўжалик ҳисоби янги ижтимоий-иктисодий тузум талабларига мувофиқ такомиллашади. Биз ҳозирда иттифоқ тугатилиб, қатор мустақил давлатлар вужудга келган бир пайтда яшаяпмиз. Бундай шароитда мустақил давлатлар парламенти ишлаб чиқсан ва тасдиқлаган иктисодий қонунлар амал қила бошлайди. Республикамиз 1991 йил 31 августда мустақилликни қўлга киритди ва ҳар йили 1 сентябр Мустақиллик куни сифатида нишонланиши маълум қилинди. МДҲда халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва иктисодий таназзулдан чиқишининг бирдан-бир йўли – бозор иктисодиётига ўтиш деб ҳисбланилди.

Бозор иктисодиёти бу товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иктисодий қонунлар асосида бошқариладиган иктисод бўлиб, мустақилликка эришган республикамизда у инсон манфаатларидан келиб чиқади. Бозор иктисодиётига ўтишдан мақсад, ишлаб чиқаришни замонавий техника билан қуроллантириш асосида ривожлантириб, кишилар яшаш шароитини яхшилаш, тақчиллик, қимматчиликни тугатиш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасида кишилар иктисодий эркинлигини таъминлаш, бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлиқ усулига барҳам бериш, иш юритишдаги ишбилармонлик ва уддабуронлик имкониятларининг кенг кўламдаги фаолиятини таъминлашдир.

Хўжалик ҳисоби корхоналарга биркитилган моддий ва молиявий ресурсларнинг ҳаракати ва ҳолатини акс эттириш билан бирга улардан оқилона, самарали фойдаланиш

устидан назорат олиб боради, шунингдек, республиканинг миллий бойлигини сақлаш ҳамда кўпайтиришга ҳисса қўшади.

Халқ хўжалигини бошқаришда ҳисобдан муваффақиятли фойдаланиш учун маълум талабларга риоя қилиш керак. Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

1. **Ҳисоб ва режа кўрсаткичларининг бирлиги.** Бу бирлик режа кўрсаткичларини ҳисоб кўрсаткичлари билан солиштириш ва режа топшириқларининг бажарилиш даражасини аниқлаш учун зарурдир. Ундан ташқари, ҳисоб маълумотларидан режа тузишда фойдаланилар экан, бу ўз навбатида ҳисоб ва режа кўрсаткичларининг бирлигини ҳам тақозо қиласди.

2. **Ҳисобнинг аниқ ва тўғрилиги.** Бу талаб шуни билдирадики, ҳисоб маълумотлари тўғри бўлиши, ҳақиқатни тўғри ва аниқ акс эттириши керак. У факат хўжаликдаги ютукларнигина эмас, балки камчиликларни ҳам акс эттириши лозим.

3. **Ҳисобнинг оддий ва тушунарли бўлиши.** Ҳисоб кўрсаткичлари оддий ва кўпчилик учун тушунарли бўлиши керак, бу эса хўжаликни бошқаришда ҳар бир ходимга ҳисоб маълумотларидан фойдалана олиш имкониятини беради.

4. **Ҳисобнинг тежамкорлиги.** Ҳисоб олдига қўйилган бу талабга ҳисоб ишларини узлуксиз такомиллаштириш ва соддалаштириш, ҳисоб олиб боришнинг янги, оқилона ва арzon усусларини жорий қилиш ҳамда бошқарма аппаратини қисқартириш йўли билан эришиш мумкин.

5. **Ҳисоб ишларини ўз вақтида амалга ошириш.** Ҳисоб хўжалик фаолияти ишлари тўғрисидаги керакли маълумотлар билан раҳбарлик ва корхона маъмуриятини ўз вақтида хабардор қилиб туриши керак. Шундай қилингандагина корхона фаолиятида рўй берган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилиш ва шу фаолиятни яхшилаш учун зарур бўлган чора-тадбирларни амалга ошириш имконияти туғилади. Акс ҳолда унинг корхона оператив раҳбарлик қилишдаги ва режа топшириқларининг бажарилиши устидан назорат қилишдаги аҳамияти йўқолади.

Хўжалик ишларига раҳбарлик ва назорат олиб бориш учун зарур бўлган ҳисоб маълумотлари сон кўрсаткичларида ифодаланади. Хўжалик ҳисобини юритишида натура, шартли натура, пул ва меҳнат ўлчовларидан фойдаланилади (гр., кг, тонна ва x..).

**Натура ўлчови** ҳисобга олинаётган нарсанинг ҳаракатини, масалан, материал, маҳсулот ва бошқаларни натура ҳолида ифодалаш учун хизмат қиласди. Турли хил хўжалик маблағларини кўшишда натура ўлчовидан фойдаланилмайди.

Пул ўлчови ёрдамида хўжаликдаги маблағлар ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳақида умумлашган маълумотлар олиш, корхона хўжалик фаолияти натижасини аниқлаш, ишлаб чиқаришга сарфланган ҳамма харажатларни ҳисоблаш, маҳсулот таннархини аниқлаш мумкин.

**Мехнат ўлчови** маълум маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки бошқа бирон ишни бажариш учун сарфланган иш вақтини аниқлаш учун хизмат қиласи. Бу ўлчовга мисол қилиб **киши-кун ва киши-соатни** келтириш мумкин.

## 2. Хўжалик ҳисобининг турлари

Ҳисобнинг оператив, статистик ва бухгалтерия ҳисоби сингари турлари мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўз аниқ обьектлари, вазифалари ва хусусиятларига эга.

**Оператив ҳисоб** – маълум хўжалик жараёни ва операцияларини улар юз берган жойнинг ўзида кечиктирмай назорат қилиб боради. Хўжалик операцияларини амалга оширишда бу ҳисоб ёрдамида режалаштирилган кўрсаткичлар ҳақиқатда эришилган кўрсаткичлар билан ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан солиштирилади, олинган маълумотлардан корхона, айrim цех ёки ишлаб чиқариш участкаси фаолиятини бошқаришда фойдаланилади.

Оператив ҳисобнинг хусусиятларидан бири шундаки, унинг ёрдамида хўжаликнинг ҳамма томони эмас, балки баъзи бир кўрсаткичларигина назорат қилиб борилади. Иккинчи муҳим хусусияти эса – бу ҳисоб маълумотлари хўжалик фаолияти ва операцияларини қузатиш натижасида олинади. Уларни маҳсус хужжатларда қайда қилиш шарт бўлмай, оғзаки, телефон орқали берилиши ҳам мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг кундалик сарфи, мол етказиб берувчи корхона ва харидорлар билан тузилган шартнома шартларига риоя қилиниши тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар шу ҳисоб ёрдамида олинади. Шундай қилиб, хўжаликда асосан оператив режалаштириш, айrim цех, участка ва бригадалар ишига раҳбарлик қилишда оператив ҳисоб маълумотларидан фойдаланилади.

**Статистик ҳисоб** – оммавий-ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш ва назорат қилиш тизимидан иборатdir.

Статистика ижтимоий ҳаётда рўй берадиган оммавий ва айrim типик ҳодисаларни миқдор ҳамда сифат жиҳатидан акс эттиради. У фақат хўжалик жараёнларинигина эмас, балки жамият ҳаётидаги маданий ва сиёсий ҳодисаларни ўрганиш, уларнинг ривожланиш қонуниятларини ҳам ўз ичига олади. Статистик кўрсаткичлар ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини миқдор ва сифат жиҳатидан ифодалайди. Масалан, статистик ҳисоб саноат корхоналарида товар маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори, меҳнат ва иш ҳақи, меҳнат воситаларидан фойдаланиш, ишчиларнинг тоифаси, касблари бўйича сони ҳамда бошқа маълумотларни миқдор, сифат жиҳатидан ўрганади. Шунингдек, унинг ёрдамида аҳоли сони, таркиби ҳамда моддий ва маънавий савиясининг ўсиши ҳақидаги маълумотлар ҳам олинади.

Статистик ҳисоб ўрганилаётган ҳодисаларнинг хусусиятига қараб миқдор, пул, меҳнат ўлчовларида акс эттирилади. Бошлангич маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашда ҳисобнинг бу тури ўзига хос маҳсус усувларга эга. Масалан, статистик қузатиш, бу

кузатишдан олинган маълумотларни кэйта ишлаш, гурухлаш, ўртача миқдорни аниқлаш ва бошқалар. Статистика хўжалик фаолияти ҳақидаги дастлабки маълумотларни мустақил ташкил қилинидиган бошланғич хужжатлар асосида олади.

Бундан ташқари, у маълумотларни яна бухгалтерия ва оператив-техника ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш йўли билан ҳам олади. Статистик ҳисобнинг асосий манбаи ҳисобот маълумотлари ҳисобланади.

Статистик ҳисоб ҳисобнинг бошқа турлари каби ҳалқ хўжалик ҳисоби тизимида муҳим ўрин тутади. Ундан ҳисобнинг бошқа турлари сингари ҳалқ хўжалик режаларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар олинибгина қолмасдан, балки ҳалқ хўжалиги режасини тузишда, режа топшириқларини ошириб бажариш, ички резервларни аниқлаш ва ишга ҳам фойдаланилади.

**Бухгалтерия ҳисоби** – бу кундалик ва умумий маълумотлар олиш мақсадида айрим корхона, акциядорлик жамияти, муассаса, ташкилот ва бошқаларнинг хўжалик фаолиятини узлусиз равишда кузатиш ва назорат қилиш тизимидан иборатdir.

Корхонадаги маблағларнинг умумий миқдори, ушбу корхонанинг бошқа корхона ва муассасалар билан ҳисоб-китоб ишларининг ҳолати, хўжаликда бўлган моддий бойликларнинг ҳар хил турлари ва пул маблағларининг миқдори тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар бухгалтерия ҳисоби ёрдамида олинади. Булардан ташқари, ҳисобнинг бу тури ёрдамида сотиб олинган ва тайёрланган материал, ёқилғининг ҳамда ишлаб чиқариладиган ва сотилган тайёр маҳсулотларнинг ҳажми ва таннархи, корхона молия-хўжалик фаолиятининг натижаси аниқланади.

Бухгалтерия ҳисобини қўпчилик ҳолларда «бизнес алифбоси» деб аташади. Чунки бухгалтерия баланси, молиявий натижалар ва уларнинг сарфланиши ҳақидаги ҳисобот, йиллик ҳисботтага тушунтириш хати каби бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан бизнесда кенг фойдаланилади.

Инвестор (маблағ қўювчи)лар, мол етказиб берувчилар, кредиторлар, банклар, буюртмачилар қонун чиқарувчи ва қонунни бажарувчи хукумат органлари молия ҳисботи маълумотларидан фойдаланувчилар бўлиб ҳисобланади. Инвесторлар ва уларнинг маслаҳатчиларини кўпроқ корхонанинг молиявий барқарорлигини тавсифлайдиган, унинг келгусида ривожланишини таъминлайдиган, эълон қилинган дивидендларни тўлаш қобилиятига доир маълумотлар кўпроқ қизиқтиради. Мол етказиб берувчилар, кредиторлар ва банкларни, асосан, корхона тўлов қобилиятига доир маълумотлар, масалан, пул маблағлари ҳолати, тайёр маҳсулот захиралари, дебиторлик қарзлари ҳолати ва бошқа маълумотлар кўпроқ қизиқтиради. Давлат органларини эса хўжалик субъекти фаолиятини тартибга солиш, солиқ сиёсатини ишлаб чиқиши, ижтимоий масалаларни ҳал қилишга оид маълумотлар қизиқтиради.

Бухгалтерия ҳисобида ҳамма ҳисоб ўлчовлари қўлланилади, аммо пул ўлчови бу ўринда алоҳида аҳамиятга эга. Унинг ёрдамида корхона, ҳиссадорлик жамияти, уюшма, концерн маблағларининг умумий миқдори, ишлаб чиқариш харажатларининг умумий суммаси каби умумлашган кўрсаткичлар аниқланади. Бухгалтерия ҳисобнинг муҳим ва ҳисобнинг бошқа турларидан фарқлантирувчи хусусиятларидан бири шундан иборатки, унда корхона хўжалик фаолиятининг ҳамма томони акс эттирилади. Хўжаликда рўй берадиган бирор ўзгариш (пул ўлчовида акс эттириш мумкин бўлган) унда ўз аксини топмай қолмайди. Чунки бухгалтерия ҳисоби ёрдамида корхона хўжалик фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот олинади.

Бухгалтерия ҳисобида хўжалик операцияларини биринчи бор рўйхатга олиш хужжатлар ёрдамида амалга оширилади. Ҳамма хўжалик операцияларини ўз ичига олган хужжатларнинг бўлиши бухгалтерия ҳисобига корхона хўжалик фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар олиш имконини беради.

Хужжат тузиш корхона, уюшма, концерн, муассаса тезкор ходимлари зиммасига юклатилади. Хужжатлаштирилган маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш эса ҳисоб ходимлари томонидан олиб борилади.

Демак, бухгалтерия ҳисоби корхоналарда содир бўлаётган хўжалик жараёни ва операцияларини пул ифодасида ёппасига, узлуксиз, ўзаро боғланган, хужжат билан асосланган ҳолда акс эттиришни таъминлайди. Ҳисобнинг бу тури оператив ҳисобдан фарқ қилиб, айрим хўжалик операциялари ёки жараёнларини эмас, балки корхона хўжалик фаолиятининг ҳамма томонини қамраб олгани учун статистик ҳисоб каби мустақил иқтисодий фан ҳисобланади.

Ҳисобнинг юқорида қайд этилган бу ич тури бир-бири билан ўзора боғланган бўлиб, ягона халқ хўжалиги ҳисоби тизимини ташкил қиласди.

### **3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг яратилиши тарихи ҳақида**

Бухгалтерия ҳисоби – бу гуманитар тва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фандир. Бухгалтерия ҳисобининг фан сифатида яратилиш тарихи кишилик жамиятининг ривожланиш тарихи билан узвий боғланган. Бундан бир неча минг йиллар аввал маълум бўлган бухгалтерия тушунчаси ва бухгалтерия ҳисоби бўйича ёзилган китоблар қатор саволларга жавоб бериши мумкин. Масалан, биз нимага пул сарфляпмиз, қарзни қандай қайтарамиз, ўз бюджетимизни қандай бошқарамиз ва ҳ.к.

Молия операцияларини рўйхатга олишнинг биринчи ёзувлари бундан 4000 йил аввал содир этилганлиги бизга маълум. Жумладан, Египет ер эгалари дон билан тўланган солиқнинг, ерларни суғориш учун сувдан фойдаланганлик солиғининг ҳисобини юритганлар. Ҳисоб тизимининг ривожланиши биздан аввалги эранинг 2000 йилида Хитойда, иккиёклама бухгалтерия элементлари Римда маълум бўлган. Олимларнинг таъкидлашича, римликларга «амортизация» тушунчаси ҳам маълум бўлган.

Бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари ким томонидан яратилганлиги борасида кўп фикрлар мавжуд. Шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, иккиёклама ёзув тизимидан Шимолий Италиянинг айрим савдо марказларида XIII-XIV асрларда фойдалана бошланган. Биринчи маротаба бухгалтерия ҳисобини бир тизимга солиш Францисканка монахи Лука Пачоли томонидан олиб борилган. У ёзган китоб «Арифметика суммаси, геометрия, пропорция ва муносабатлар ҳақидаги таълимот» деб номланди. Ушбу китоб асосан математикага бағишлиган бўлиб, 1494 йилда нашр қилинди. Математика фанига бағишлиган бўлишига қарамасдан, китобнинг бир қисми «Счёtlар ва ёзувлар ҳақидаги трактлар» деб номланди. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби фани тарихини яратувчилар, бу китоб бухгалтерия ҳисобининг яратилишига сабаб бўлди, деб таъкидлашади.

Китобда биринчи маротаба ҳисобиларнинг вазифалари, савдогар ва бухгалтерларга кўйиладиган талаблар, иккиёклама бухгалтериянинг асосий ғояси ёритилган, бухгалтерия балансига тушунча берилган. Лука Пачоли трактининг хизмати шундаки, унда биринчи маротаба бухгалтерия ҳисобига ёндашиш баён этилган.

«Бухгалтер» сўзи 13 феврал 1498 йилда, яъни Лука Пачоли китоби чиққандан 4 йил ўтиб, Германияда кўлланила бошланди. Бунга Рим императори иш юритувчини бухгалтер деб аташ ҳақида буйруқ чиқарганлиги сабаб бўлди.

Иккиёклама ёзув тизими пайдо бўлгандан кейин узоқ муддат бухгалтерия ҳисоби назарияси ривожланишдан тўхтаб қолди, бу аввалимбор, Италия шаҳарларида иқтисоднинг орқага кетиши билан боғлиқ эди. Бухгалтерия ҳисоби ривожланишининг кейинги босқичи XIX аср охири – XX аср бошлари деб ҳисобланади. Бу вақтга келиб

Америка Кўшма Штатлари ва Англияда саноат ишлаб чиқаришининг ривожи, акционерлик капиталининг вужудга келиши, капитал қўйилмаларнинг ўсиши – буларнинг ҳаммаси айрим бухгалтерия ва молия категорияларини гурухлаш ва аниқлаш заруриятини келтириб чиқарди. Масалан, капитал қўйилмаларнинг ўсиши «амортизация» тушунчасидан фойдаланишни, ишлаб чиқариш харажатлари ҳақидаги маълумотларга бошқарма эҳтиёжи таннарх ҳисоблаш усулини ўйлаб топишни тақозо этди. Мулкдор ва бошқарувчи функцияларининг бўлиниши ҳисботни нафакат бошқарувчига, балки инвесторлар, кредиторлар ва давлат органларига ҳам тақдим этилишини тақозо қилди.

Шундай қилиб, саноат ривожлана бошлиши билан ҳисоб билан шуғулланувчи ходимлар алоҳида касб категорияси бўлиб ажralиб чиқа бошладилар. 1773 йил Эдинбург шаҳар справочнигида ҳаммаси бўлиб 7 та бухгалтер борлиги таъкидланган. XIX аср охирига келиб Эдинбургда «Бухгалтерлар жамияти» тузилганлиги ва актив ишлаётгани қайд этилган. 1880 йилда Қиролича Виктория Англия ва Шотландияда бухгалтерлар институти ташкил қилинишини маъкуллаган. Шу даврдан бошлаб бухгалтерлик касби давлат аҳамиятидаги касбга айланган.

Молия ҳисботларини ташкил фойдаланувчиларга тақдим этиш заруриятининг пайдо бўлиши мустақил аудиторлик текширишларини ўтказишга сабаб бўлди.

«Аудит» сўзи «у эшитади», «эшитувчи» деган маънони билдиради. Биринчи мустақил аудиторлар Европанинг акционерлик компанияларида XIX асрдаёқ пайдо бўлган.

Буюк Британияда биринчи аудиторлар XIX аср ўрталарида пайдо бўлган. 1862 йилда қабул қилинган Британия компаниялари ҳақидаги қонун бухгалтерия ҳисоби ва молия назорати бўйича мутахассислар камидан бир йилда бир марта компаниялар счёtlарини мажбурий текшириши зарурлигини қайд этган. Тахминан худди шу даврга келиб, аудиторлар касби бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам пайдо бўла бошлади. Жумладан, Францияда акционерлик жамиятлари балансини баҳолаш ва мажбурий текшириш ҳақида қонун қабул қилинган. Конунда текшириш «счёtlар бўйича комиссарлар» деб номланувчи ревизорлар томонидан ўтказилиши қайд этилган.

Ҳозирги вақтда аудит касби олдига қўйиладиган талабни такомиллаштириш борасида халқаро майдонда кураш давом этмоқда.

Бу масала билан 1977 йилда ташкил қилинган Халқаро бухгалтерлар федерацияси ва бошқа ташкилотлар шуғулланади. Халқаро бухгалтерлар федерацияси қошида доимий автоном қўмита ҳукуқида ҳаракат қилувчи аудиторлик амалиёти бўйича Халқаро комитет ташкил бўлди.

Ўзбекистонда аудиторлик касби 1990 йиллардан бошлаб ривожлана бошлади. Бозор муносабатларининг ривожланишида бозор инфраструктураси унинг ажралмас элементи сифатида вужудга келди. Ҳозир бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистонда аудит дейилганда, ташкилот молия ҳисботини назорат қилишнинг маҳсус ташкилий шакли тушунилади. Бошқача сўз билан айтганда, аудит – бухгалтерия (молия) ҳисботининг аниқлилиги даражаси ҳақида фикр ифода қилиш максадида бу ҳисботни мустақил текширишdir.

Аудиторлик амалиёти бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ўзининг хусусиятларига эга. У ҳар бир мамлакат хусусиятларини, унинг давлат тузилиши тизими, иқтисодий ривожланиш даражаси ва бошқаларни ўзида акс эттиради.

Ҳозирги кунга келиб бизда бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолияти бўйича қатор стандартлар мавжуд: Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандарти (БХМС) ва Аудиторлик Фаолияти Миллий Стандарти (АФМС).

#### 4. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари

Корхона, акциядорлик жамияти, муассаса ва ташкилотларда юритиладиган бугалтерия ҳисобининг муҳим вазифаларидан бири режа топшириқларининг бажарлиши устидан назорат ўрнатишdir. Корхоналар ва уларнинг айрим қисимлари фаолияти учун

белгиланган режа топшириқларининг бажарлиши устидан назорат бухгалтерия ҳисоби маълуматлари асосида олиб борилиб, унинг ёрдамида ҳисоб кўрсаткичлари узлуксиз режа кўрсаткичлари билан таққосланади ва ўртадаги фарқ, унинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади.

Республикамиз беҳисоб бойликларга эга. Аммо хўжалик юритишнинг янги тизими шароитида моддий бойликларни сақлаш ва улардан тўғри фойдаланиш устидан назорат ўрнатишда ҳисоб ҳамда назоратнинг аҳамияти янада ошади. Мулкчилик шаклларини ривожлантириш ва қўриқлашда бухгалтерия ҳисоби муҳим рол ўйнайди. Унинг ёрдамида хўжаликдаги моддий ва пул маблағларининг ҳаракати назорат қилиб борилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг асосий қисми ўз фаолиятини тўла хўжалик ҳисоби асосида амалга оширади. Хўжалик ҳисоби маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлик бўлган харажатларни, хўжалик фаолияти натижаларини пул шаклида ифодалаш ҳамдакорхона ва муассаса харажатларини уларнинг ўз даромадлари ҳисобидан қоплаш ва ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлашга асосланган. Тўла хўжалик ҳисобини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида корхоналар мустақиллигини таъминлаш, уларнинг қабул қилган мажбуриятларини бажаришда моддий жавобгарликни кучайтириш, ходимларнинг факат ўз топшириқларини бажаришлангина эмас, балки корхонанинг умумий иш натижаларини яхшилашдан моддий манфаатдорликларини ошириш лозимдир. Бу тадбирларни амалга оширишда бухгалтерия ҳисоби муҳим рол ўйнаб, унинг ёрамида харажатларнинг ҳақиқий баҳоси режада кўрсатилган баҳоси ўртасидаги фарқи, чиқимларни камайтириш имкониятлари ўз вақтида аниқланади ҳамда хўжалик молия натижалари ҳақидаги маълумотлар олинади.

**Иқтисод қилиш тартиби** хўжаликни юритишнинг асосий усули ҳисобланади. У халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида моддий ва пул маблағларини, иш вақтини тежашдан иборатдир.

Бухгалтерия ҳисоби ёрдамида маблағларнинг тўғри сарфланиши устидан назорат олиб борилади ҳамда хўжаликда рўй берадиган ҳар қандай ортиқча сарфлашлар тўғрисида ўз вақтида корхона раҳбарлиги ва маъмуриятга маълумот бериб турилади. Ҳисоб

маълумотлари асосида материалларни сарфлаш меъёрига риоя қилиниши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг тўғри олиб борилиши ва бошқалар аниқланади.

Демак, ҳар бир корхонада иқтисод қилиш тартибини амалга оширишда бухгалтерия ҳисоби муҳим восита ҳисобланади. Булардан ташқари, ҳисобчилар режалаштириш идораларини, маъмуриятни зарур бўладиган кўшимча иқтисодий маълумотлардан ҳам воқиф этиб боришлари зарур.

Режалаштириш ва иқтисодий рағбарлантиришни янада такомиллаштириш учун корхоналар, цехлар ва бошқа ишлаб чиқариш участкалари харажатлари тўғрисида батафсил маълумотлар зарур бўлади. Уларсиз цехлар, участкалар ҳамда айрим ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ва моддий жавобгарлигининг ўзаро боғланган ягона тизимини амалга ошириш мумкин эмас.

## 5. Бухгалтерия ҳисобининг предмети

Бухгалтерия ҳисоби, асосан, корхона, уюшма, концерн, акциядорлик жамият, муассаса, ташкилотларда юритилади ва шу хўжаликлар фаолиятини кузатиб бориш ҳамда назорат қилиш мақсадига хизмат қиласди. Корхоналар хўжалик фаолиятининг асосий мазмуни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришдан бошқа соҳада эса ижтимоий маҳсулотни тақсимлаш ва истеъмол қилишдан иборат.

Ишлаб чиқариш соҳасига ҳалқ хўжалигининг саноат, қишлоқ хўжалиги, курилиш, савдо, моддий-техника таъминоти ва бошқа тармоқлари киради. Уларда ижтимоий маҳсулотни тақрор ишлаб чиқариш фондларининг айланиши тарзида амалга оширилади. Корхона фондлари ишлаб чиқариш, тақсимлаш, муомала ва истеъмол қилиш жараёнларига хизмат қилиб, тўхтовсиз айланишда бўлиб туради. Бухгалтерия ҳисоби айланиш жараёнида ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишини ва уларнинг ҳолатини акс эттиради.

Ноишлаб чиқариш соҳасига ўқув, илмий, ахолига маданий-маиший хизмат қўрсатувчи муассасалар, давлатни бошқариш ва мудофаа қилиш органлари киради. Бундай муассасалар ва ташкилотлар ўз вазифаларини бажаришлари учун давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади. Шундай қилиб, ноишлаб чиқариш соҳасида моддий ишлаб чиқариш жараёнида яратилган ижтимоий маҳсулот тақсимланади ва истеъмол қилинади, бухгалтерия ҳисоби бундай муассаса ва ташкилотларда улар учун ажратилган маблағнинг тўғри сарфланишини назорат қилиб туради. Ижтимоий маҳсулотни тақрор ишлаб чиқаришдан ташқари, бухгалтерия ҳисоби иш кучи ва ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади. Бундай вактда унинг роли ишчи кучи тайёрлаш билан боғлиқ ҳар хил харажатларни акс эттириш ва назорат қилиб боришдан иборат.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисобининг предмети ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш жараёнида айрим корхона, уюшма, концерн, муассаса, ташкилот, биржа маблағларининг ҳолати ва улардан фойдаланишини акс эттиришдан иборатdir.

Бухгалтерия ҳисоби предметининг мазмуни турли ижтимоий-иктисодий босқичда бир хил бўлган эмас. Унинг ўзгариши бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишда мулкчилик шаклининг ўзгариши билан тавсифланади. Ибтидоий жамоа тузумида ҳам ҳисоб предмети бўлиб, у жамоа маблағлари ва улардан фойдаланиш билан боғлик операцияларни ҳал қилган. Қулдорлик жамияти ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқариш воситаларига қулдорларнинг мулкчилиги асосида тузилган. Бу жамиятда факат қулдорларнинг маблағларнгина эмас, балки қуллар ҳам ҳисоб предмети сифатида ҳисобга олинган. Феодал жамиятида бухгалтерия ҳисобини хукмрон синф мулки ва крепостой деҳқонлар, капитализмда эса хусусий капиталнинг айланиши ташкил қилган. Социализмда бухгалтерия ҳисоби предметининг хусусиятлари социалистик мулкчиликнинг ижтимоий характеристики билан боғланган. Демак, ҳисоб предметининг мазмуни у ёки бу ижтимоий босқични тавсифловчи мулкчилик шакли билан аниқланади.

**Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат мулки хусусийлаштирилиб борилади, чунки иқтисодиётни эркинлаштириш давлат мулки хукмронлигини тугатишни тақозо этади. Давлат мулки жамоа мулкига, фуқаролар мулкига ва хусусий мулкка айлантирилади, айрим ҳолларда давлат мулки фойдаланиш учун ижарага берилади. Республикаиз юқори хукумат органи бозор иқтисолиётининг хуқуқийасосларини мустаҳкамлааб берадиган қатор қонунлар ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Буларга «Корхонлар туғрисида», «Тадбиркорлар туғрисида», «Ер туғрисида»ги ва бошқа Қонунларни мисол қўилиб келтириш мумкин. Уларда мустақил республикаизда қандай мулк шакллария амал қилиши лозимлиги тасдиқланган.**

**Бозор – бу маълум қонун-қоидалар асосида маҳсулотларни сотиш, сотиб олиш, истеъмол қилиш, тақсимлаш жараёнлари натижасида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатлардир. Энг муҳими шуки, бу жараён эркин амалга ошади, яъни маҳсулотга нарх эркин қўйилади. Бозорга маҳсулотни сотиш учун олиб чиқсан сотувчи ўз меҳнати самарасидан манфаатдор бўлиши лозим. Шундагина унда янада кўпроқ ва сифатлироқ маҳсулот ишлаб чиқариш иштиёқи пайдо бўлади, натижада маҳсулотлар мўл-кўллиги таъминланади, бу эса ҳақиқий рақобатни вужудга келтиради.**

Собиқ иттифоқ даврида маҳсулотга ишлаб чиқарувчilar эмас, балки уни ишлаб чиқармаганлар нарх белгилар эди. Натижада ишлаб чиқарувчilarда меҳнат унумини оширишга қизиқиш пасайиб борди. Бозор иқтисодиёти мавжут камчиликларни

бартараф этади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий тангликтан кутулишнинг бирдан-бир тўғри йўли деб танланди.

Бухгалтерия ҳисоби предметининг моҳияти унда ҳисобга олинадиган объектлар, корхоналар ихтиёридаги хўжалик маблағлари, уларнинг келиб чиқиш манбалари ва хўжалик жараёнлари орқали очиб берилади.

Корхона ёки муассасалар, уюшма, концерн, акциядорлик жамияти ихтиёрида маълум миқдордаги маблағларнинг бўлиши уларнинг ўз фаолиятини амалга оширишининг муҳим шартларидан биридир.

Маблағларнинг миқдори, тури, улардан фойдаланиш шакли корхона ёки муассаса фаолиятининг ҳажми ва характеристига боғлиқ. Корхона маблағлари тури ҳамда жойланишига кўра ишлаб чиқариш доирасидаги, муомала доирасидаги саноатга тегишли бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжаликлар маблағларига бўлинади. Ишлаб чиқариш доирасидаги маблағлар бажарадиган вазифасига қараб меҳнат воситалари ва меҳнат буюмларига бўлинади.

Меҳнат воситалар ишлаб чиқариш жараёнида узок вакт хизмат қиласи ва шу вакт ичida ўзининг натурал шаклини сақлаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қийматига ўз қийматини ўтказиб боради. Уларга машина, ускуналар, бино ҳамда иншоотлар, транспорт воситалар, хўжалик инвентарлари, асбоб-ускуналар ва бошқа маблағлар киради. Бу воситалар ўз қиймати, хизмат қилиш муддатига қараб асосий воситалар ҳамда инвентар ва хўжалик анжомларига бўлинади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган соҳада узок муддат давомида (бир йилдан ортиқ) ҳаракатда бўладиган ҳамда ижарага топширилиб ҳам фойдаланиладиган моддий активлар **асосий воситалар** деб аталади ва улар саноат корхоналарининг моддий-техника базасини ташкил қиласи. Ушбу шартларга жавоб бермайдиганлари **инвентар ва анжомлар** деб аталади.

Меҳнат буюмларига маҳсулоттайёрлашда фойдаланиладиган ишлаб чиқариш захиралари киради. Уларга хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, яrim тайёр маҳсулотлар, ёқилғи, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва бошқалар киради. Уларнинг хусусиятларидан бири шундаки, улар битта ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинади, яъни ўзининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг қийматига бутунлай ўтказади.

*Хом ашё ва асосий материаллар* деб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосини ташкил қиласидиган меҳнат буюмларига айтилади.

*Ёрдамчи материаллар* асосий материаллардан фарқ қилиб, ишлаб чиқарилайтган маҳсулотнинг асосини ташкил қилмайди, балки маҳсулотишилаб чиқаришда бирон-бир восита сифатида иштирок этади. Ёқилғи ўз моҳиятмга кўра ёрдамчи материалларнинг бир тури ҳисобланади. Лекин унинг халқ хўжалигида катта аҳамият касб этишини ҳисобга олиб, ёрдамчи материаллардан алоҳида гурухга ажратилади.

*Яrim тайёр маҳсулотларга* шундай меҳнат буюмлари кирадики, улар баъзи бир қайта ишлаш босқичларини ўтаган бўлса-да, хали тайёр маҳсулот ҳолига келтирилмаган бўлади. Уларнинг хусусиятларидан бири қайта ишлашнинг технологик жараён режасида

кўрсатиладиган ҳамма операциялари бирон-бир цех ёки ишлаб чиқариш участкасида ўтган бўлиб, кейинги цех ёки участкага қайта ишлашучун беришга мўлжалланган бўлади.

*Тугалланмаган ишлаб чиқарии* ярим тайёр маҳсулотлардан фарқ қилиб, бирон-бир цех

ёки участкадакайта ишлаш жараёнини ўтаб бўлмаган меҳнат буюмларидир. Уларга

бевосита иш жойлари, дастгоҳларда қайта ишлаш жараёнини ўтаётган меҳнат

буюмлари киритилади.

Муомала босқичидаги маблағларга тайёр маҳсулот, пул маблағлари, ҳисоблашишдаги маблағлар ва муомалага хизмат қилувчи маблағлар киради.

**Тайёр маҳсулот** - бу ишлаб чиқариш жараёнининг натижасидир. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат маҳсулотига ҳамма ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот киради.

**Корхона ва муассасаларнинг** пул маблағлари давлат банкида сақланади. Бунинг учун банк ҳисоб-китоб счётларини очади. Корхона ҳисоб-китоб счётидан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи тўлаш, хўжалик ҳамда бошқа харажатлар учун зарур бўлган тақдирда керакли пул маблағларини олади. Ундан ташқари, шу счёт орқали ушбу корхонанинг бошқа корхона ва муассасалар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишларини олиб боради.

Корхона кассасида нақд пул унчалик кўп бўлмаган миқдорда сақланади. Кассада сақланиши лозим бўлган нақд пул миқдори давлат банки томонидан белгиланади.

Ҳисоблашишдаги маблағларга дебиторлик қарзлари киради. Дебиторлар дейилганда ушбу корхонага қарзини ўз муддатида тўламаган корхоналар ва айрим шахслар тушунилади. Масалан, корхона тайёр маҳсулотни харидорга жўнатгандан кейин маҳсулотни жўнатиш билан ушбу маҳсулот учун харидордан ҳақ олиш ўртасида маълум бир вақт ўтади. Бу вақт давомида харидорларга жўнатилган маҳсулот бухгалтерия ҳисобининг обьекти ҳисобланади. Харидор-корхона эса ушбу бухгалтерия ҳисобида дебитор деб ҳисобга олинади.

Дебиторлик қарзи бошқа сабабларга кўра ҳам, масалан, корхона ходимларига маълум бир мақсадлар учун материал, ёқилғи сотиб олиш, хизмат сафари харажатлари уяун бўнак (аванс) берилиши ва бошқа вақтларда ҳам вужудга келади.

Бундай қарз тури дебиторлардан коронанинг ҳисобкитоб счёти ёки кассасига пул келиб тушгандан сўнг узилган ҳисобланади.

Муомалага хизмат қилувчи маблағларга ушбу соҳада фойдаланиладиган ҳар хил бинолар, ускуна ва инвентарлар киради. Масалан, тайёр маҳсулотлар омбори биноси, омбордаги хўжалик инвентарлари, тарозилар ва бошқалар. Саноатга тааллуқли бўлмаган ишлаб чиқариш ва хўжалик маблағларига ушбу корхонадги уй-жой, маданий –маиший ва соғлиқни сақлаш мақсадларига хизмат қилувчи маблағлар киради. Масалан, клуб, болалар боғчаси ва яслиси, дам олиш уйлари, амбулатория, тиббий ёрдам кўрсатиш бинолари ҳамда улардаги ускуналар. Бу маблағлар корхона ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун хизмат қилади.

Хўжалик маблағларининг таркиби, ташкил топиш манбалари, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда белгилangan режа топширикларини бажаришда юз берадиган хўжалик жараёнлари **бухгалтерия ҳисобининг предмети** ҳисобланади.

Ҳар бир хўжалик операциясининг асосий мазмуни маблағлар ҳаракати, уларнинг бир шаклдан иккинчисига ўтишидир. Демак, **хўжалик операцияси** деб хўжалик

жараёнларини амалга оширишдаги корхона маблағлари, манбалари ва хўжалик жараёнларининг харакатига айтилади.

### **Такрорлаш учун саволлар:**

1. Хўжалик ҳисоби деганда нимани тушинасиз ?
2. Хўжалик ҳисобининг турлари қандай ?
3. Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қандай ?
4. Бухгалтерия ҳисобиниг предмети ним ?

### **Таянч сўзлар ва иборалар**

Хўжалик ҳисоби  
Натура ўлчови  
Пул ўлчови  
Меҳнат ўлчови.  
Оператив ҳисоб  
Статистик ҳисоб  
Бухгалтерия ҳисоби  
Хўжалик операцияси  
Бухгалтерия счетлари  
Доимий счетлар  
Актив счетлар  
Пассив счетлар  
Контр актив счетлар (КА)  
Контр пассив счетлар (КП)  
Транзит счетлар (Т)  
Балансдан ташқари счетлар  
Дебет, кредит, сальдо  
Бухгалтер  
Хужжатлаштириш  
Инвентаризация  
Баҳолаш  
Калькуляция  
Икки ёқлама ёзув  
Баланс  
Молиявий ҳисобот

## **2-МАВЗУ. ПУЛ МАБЛАГЛАРИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ХИСОБИ**

режа

1. Корхоналарнинг хўжалик алоқалари ва ҳисоб - китоб муносабатлари
2. Ҳисоб - китоб счети бўйича муоммалалар ҳисоби
3. Валюта счети бўйича муоммалалар ҳисоби
4. Касса муоммаларининг ҳисоби
5. Ҳисобдор шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб - китоблар ҳисоби
6. Ҳисоб - китоб муоммалари ҳисобини ташкил этиш

### **1. Корхоналарнинг хўжалик алоқалари ва ҳисоб- китоб муносабатлари**

Корхоналар ишлаб чиқариш жараенида доимо бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан хўжалик алоқада бўладилар. Хўжалик алоқаларини олиб бориш корхоналар фаолиятининг асосий шарти бўлиб ҳисобланади, чунки бунда ишлаб чиқариш жараенининг узлуксизлиги, маҳсулотларни ўз вақтида жўнатиш ва сотиш таъминланади. Хўжалик алоқалари шартномалар, контрактлар билан расмийлаштирилиб, уларга асосан бир томон товар - материал қийматликлар, иш ва хизматлар юборувчи, иккинчи томон эса- уларни сотиб оловччи, демак тўловчи бўлиб ҳисобланади.

Мол юборувчилар билан тўловчилар орасидаги ҳисоб- китобларни ўз вақтида ва аниқ ташкил этилиши айланма маблағлар айланишининг тезлашишига бевосита таъсир қиласи, дебитор ва кредитор қарзларни вужудга келишига йул қуймайди.

Корхоналарда ижтимоий суғурта органлари, бюджет, бошқа органлар билан, шунингдек, ишлаб чиқариш топшириқларини бажааетган ходимлар билан ҳисоб-китоблар вужудга келади.

Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар орасидаги ҳисоб-китоблар нақд пулсиз, яъни тўловчининг ҳисоб-китоб счетидан пул оловчининг счетига пул маблағларини турли банк - ҳисоблашиш муоммалалари ердамида ўтказиб берилади. Бу ҳисоб- китоб муоммалари тегишли банк муассасалари ( давлат, тижорат) воситачилигига амалга оширилади.

Юридик шахс сифатида банк корхоналар маблағларини жалб қилиш, корхоналар, ташкилотлар орасидаги ўзаро ҳисоб- китобларни амалга ошириш ва қайтариб олиш тўловлилилк ва муддатлилилк шарти билан бўш маблағларни жойлаштириш учун ташкил этилган.

Бизнинг республикамизда банк тизими давлат Марказий банки ва тижорат банкларидан ташкил топган. Банклар ўз мижозларига шартнома асосида хизмат кўрсатади. Мижозлар ҳисоблашиш- банк хизматларидан фойдаланиш учун банкларни мустақил равишда танлайди ва барча банк муоммаларини битта банкда амалга оширади.

Кредит ресурларидан фойдаланиш самарасини ошириш ва корхоналар ишларини пировард натижаларига кредит механизми таъсирини кучайтириш мақсадида банкларнинг корхоналар билан кредит муносабатлари кредит шартномалари билан расмийлаштирилади. Корхоналар банкларда ҳисоб-китоб ва валюта счетларидан ташқари, қатъий мақсадга белгиланган маблағларни сақлаш учун мақсус жорий счетлар (лимитлаштирилган чек давтарчалари, аккредитивлар, маҳсус счетлар ва б) очишлари мумкин.

Пул маблағлари ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счетлар режасининг бешинчи бўлимидағи, ҳисоб-китоблар эса олтинчи бўлимидағи счетларда юритилади.

Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисобининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат

- пул маблағлари ва ҳисоб - китоб муоммаларини ўз вақтида ва тўғри хужжатлаштириш

- корхона кассасидаги нақд пул маблағлари ва қимматли қофозларни бутлигини оператив, қундалик назорат қилиш, пул маблағларини қатый белгиланган мақсадга сарфланишини, бюджет, банклар, ходимлар ва бошқа муассасалар билан тұғри ва үз вактида хисоблашишни, мол сотиб олувчи ва мол юборувчилар билан шартномада белгиланган хисоблашиш шаклларига амал қилишни назорат қилиш

- қарзларни қайтариш муддатидан ўтказиб юбормаслик мақсадида дебитор ва кредиторлар билан олиб бориладиган хисоб- китобларни ўз вактида солиштириш

## **2. Ҳисоб - китоб счети бўйича муомалалар ҳисоби**

Мустакил балансига эга бўлган ва хўжалик ҳисобидаги корхона хисобланувчи юридик шахсларга банкда ҳисоб- китоб счети очилади. Марказий Банк йўриқномаларига биноан корхона (ташкилот)ларга факат битта ўзлари танлаб олган банкда («Ўзбекистон Республикаси банкларида банк счетлари очиш тўғрисидаги Йўриқнома «нинг 1.7.1. ва 1.7.2. бандларида назарда тутилганлардан ташқари) пул маблағларини сақлаш ва барча турдаги хисоблашишларни, рўйхатдан ўтган жойда кредит ва касса муомалаларини амалга ошириш учун сўмда ва талаб қилиб олгунгача валюта депозит счети очилиши мумкин. Талаб қилиб олгунгача бўлган сўмдаги депозит счетларини очиш учун юридик шахс - резидентлар банкка куйидаги хужжатларни топширадилар

- юқорида келтирилган йўриқноманинг 1 - иловасида келтирилган шаклда счет очиш учун ариза

- статистика органлари томонидан корхоналар, ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисидаги нотариусда тасдиқланган гувоҳноманинг кўчирмаси

- юқори орган еки таъсисчилар мажлисида тасдиқланган устав еки низомдан нотариусда тасдиқланган кўчирма

- давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида ҳужжат нотариусда тасдиқланган кўчирма еки қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатга олувчи орган томонидан тасдиқланган кўчирма. Давлат рўйхатидан ўтганлиги туғрисидаги ҳужжат факат мазкур обьект учун қонунчиликда назарда тутилган бўлса топширилади.

- солиқ органида рўйхатдан ўтканлиги ва инденцификацияланган солиқ туловчи номери берилганлиги тўғрисида нотарусда тасдиқланган гувоҳнома кўчирмаси еки шахс солиқ тўловчи субъект эмаслиги тугрисида маълумат.

- имзо намуналари ва мухрнинг изи туширилган карточка юқорида айтиб ўтилган йўриқномада белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Давлот корхоналари, акционер жамиятлари, қишлоқ хўжалик уюшмалар, бирлашмалар, концернлар, корпорациялар, қўшма корхоналар, халқора бирлашмалар ва бошқа корхоналар томонидан талаб қилиб олгунча депозит счетларни очиш учун зикир қилинган ҳужжатларга қўшимча қилиб банкка юқарида келтирилган йўриқномагабиноан яна бошқа ҳужжатлар топширадилар.

Барча ҳужжатлар топширилгандан сунг банк хизматини курсатиш буйича шартнома имзоланади ва банк бошқарувчисининг буйриги билан корхонага тегишли ҳисоб - китоб счети номери белгиланади ва банкнинг бухгалтерия аппарати томонидан пул маблаглари ҳаракатини ҳисобга олиш учун шахсий счет очилади. Бошқа шаҳар еки аҳоли пунктларида жойлашган ҳужалик ҳисобида бўлмаган филиаллар, магазинлар, ишлаб чиқариш бирлиги ва бошқа бўлинмаларга маҳаллий банк муассасасида чекланган муомалаларни акс эттириш учун жорий счет очилади. Бу чекланиш асосий ҳисоб - китоб счетини идора қилувчи бош корхона (тошкилот) томонидан белгиланади.

Очилиган ҳисоб - китоб счетида бўш пул маблағлари ва маҳсулот, иш ва хизматлар сотишдан тушган пул, банқдан олинган узоқ ва қисқа муддатли кредитлар ва бошқа тушимлар сақлонади.

Ҳисоб - китоб счетидан корхонанинг олинган материаллар, асосий васиталар учун мол юборувчига тўланмалари, бюджетдан, ижтимоий сугиртадан бўлган қарзни тўлаш, иш ҳаки бериш учун кассага олинган пул ва бошқа заруриятлар учун тўланган пул маблағлари акс эттирилади.

Одатда банк томанидан ҳар қандай пул ўтказиб бериш еки нақд пул бериш корхона еки ҳисоб -китоб счетини тассарруф этувчининг буйриғи еки у билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Лекин банк куйдаги ҳолларда корхона розилигини олмай бошқа ташкилотларнинг хужжатлари буйича унинг ҳисоб - китоб счетдан пулни мажбурий ўтказиб беради: молия ва солик органларининг буйриғи буйича тўланмаган солик ва йифимлар, шунингдек улар буйича жарима ва боқимандалар суммасини; қондирилган даъволар суммасини -ижро варакалари, хўжалик судининг бўйруғи бўйича; кредитдан фойдалонганини учун фойз суммасини, муддатида тўланмаган кредит суммасини; банк томанидан кўрсатилган хизматлар суммасини.

Юридик шахснинг талаб килиб олунгунча депозит (ҳисоб - китоб) счетида пул маблағлари етарли булмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томанидан 1998 йил 12 февралда руйхатдан ўтказилган «Хужалик юритувчи субъектларнинг банк счетларидан пул маблағларини чиқариш тартиби тўғрисида» ги йўриқномага биноан биринчи навбатда бюджетга, пенсия фондига ва иш ҳақига тўлашни назарда тутувчи хужжатлар буйича мутаносиб туланади.

Юридик шахснинг банкдаги счетига бўлган бошқа барча тўланмалар юкорида курсатилган талаблар қондирилгандан сўнг тўланади.

Ҳисоб - китоб счетида содир бўладиган пул маблағлар харакати (пулни қабул қилиш ва бериш еки нақд пулсиз кирим ва чиқим) банк томанидан чиқарилган маҳсус хужжатлар шаклларига асосан расмийлаштирилади.

Уларнинг кенгрок тарқалгандар куйдагилар:  
Нақд пул топшириш эълони, пул чеки, ҳисоблашиш чеки, тўлов топшириғи, тўлов талабномаси. Кўйида нақд пул топшириш эълони шаклини келтирамиз.

Пул тўлаш туғрисидаги ушбу эълон ҳисоб-китоб счетига нақд пул ўтказища езилади. Пулни қабул қилиб олганлиги туғрисида банк пул тўловчига исботловчи хужжат сифатида квитанция беради.

Кўйидаги нақд пулсиз тўловларни амалга оширадиган тўлов топшириғи шаклини келтирамиз.

Тўлов топшириғи ҳисоб-китоб счетидан пул олувчининг счетига тегишли суммани ўтказиб бериш туғрисида банкка берилган буйрўқ бўлиб ҳисобланади. Турли мол юборувчи корхоналар, ташкилотлар, молия органлари, сұғурта ва бошқа ташкилотлар пул олувчилар бўлиши мумкин. Пул олувчининг ҳисоб-китоб счети банкнинг қайси филиалида бўлишига қараб тўлов топшириғи икки еки уч нусхада езилади. Шаҳар ичидаги ва шаҳарлараро ҳисоблашишларда ҳам корхона томонидан тўлов топшириғининг ягона шакли қўлланилади.

Бир вақтнинг ўзида бир неча ташкилотларга пул ўтказиб берилса, корхона томонидан топшириқнинг маҳсус йифма шакли қўлланилади. У битта банк бўлими хизмат қиласиган бир неча пул олувчилар учун езид берилади. Ўтказиб бериладиган сумманинг жамига бир марта имзо куиилиб муҳр босилади. Бу ҳисоб- китоб ва бошқа бошқа счетлар буйича муомлаларни рисмийлаштириш жараенини анчага қисқартиради.

Олинган материаллар, бажарилган иш ва хизматлар учун пул ўтказиб бериш чунингдек, пул чекидан фарқланувчи, ҳисоблашиш чеклари орқали ҳам бўлиши мумкин.

Ҳисоблашишнинг акцепт шаклида жўнатилган маҳсулотлар учун мол юборувчилар тулов талобнома - топшириқ езади.

Банк белгиланган вақтда корхонага унинг ҳисоб - китоб счетидан тегишли дастлабки хужжатларни илова қилиб кўчирма (шу чсет бўйича езувларнинг кучирмаси) бериб туради.

Ҳисоб - китоб счетнинг кучирмасида маблағларнинг колдиги ва ҳисоб - китоб чсетига кирим кредитига езилади, чунки банк корхонанинг пулини сақлаб ўзини корхонадан қарздор деб билади (унинг кредитор қарзи), ўзининг қарзини камайиши эса (ҳисоб - китоб счетдан пул утказиб бериш, нақд пул бериш) - дебетига езилади. Бухгалтер кучирмани ишлаб чиқишда бу хусусиятни эсда ттиб қолдиқ ва тушумни ҳисоб - китоб счетнинг дебетига, чиқимни эса - кредитига езиши керак.

Куйида ҳисоб - китоб счетидан бериладиган кучирмани келтирамиз (25 - бетга қаралсин).

Ҳисоб - китоб счетидан бериладиган кўчирма маълум кўрсаткичларга эга булиб, езувларни қисқартириш мақсадида уларнинг бир хисми кодлаштирилган. Кучирмани ишлаб чиқаётган бухгалтер бу кодлар маъносини билиши керак.

Куйида кодлар маъносини келтирамиз (26 - бетга қаранг).

Кучирмалар олинган куни улар текширилади ва ишлаб чиқарилади. Бунда барча езувлар иловада келтирилган хужжатлар билан солиштирилади ва хато езувлар бўлмаса бу хужжатларга «Қайд этилди» деган штампа қўйиб учириласи. Текширилган кўчирманинг ҳар бир суммасининг рўпарасига ва хужжатларга 5110 - «Ҳисоб- китоб счети» билан корреспондентланувчи счетларнинг номерини қуйиб чиқади. Бундан ташқари, хужжатларга кўчирмада келтирилган езувларнинг тартиб номери езиб қўйилади. Буларнинг ҳаммаси пул маблағлари ҳаракатини назорат қилиш, ҳисоб ишларини автоматлаштириш ва хужжатларни сақлаш учун керак.

Ҳисоб-китоб счетидан нотўғри чиқарилган еки унга хато ўтказилган суммаларни аниқлаш мақсадида улар 4210 - «Даъволар бўйича олинадиган счетлар» счетида ҳисобга олинади, аниқлаш ва тегишли ўзгаришлар киритиш учун банкка хабар берилади. Туғриланган сумма банкнинг навбатдаги кучирмаларида акс эттирилади, корхона бухгалтерия ҳисобида эса бу қарз 4210 - «Даъволар бўйича ҳисоблашишлар» счетидан чиқарилади.

Кўчирмага илова қилинган харажат хужжатларига «Харажатлар тўғрисидаги Низом » га биноан кўшимча харажат элементлари ва моддаларининг номерлари кўйилади. Бунинг зарурияти шундаки, кўп счетлар ташкил этилади. Харажат элементлари ва моддалари бўйича гурухлаш расшифровка ва рақаларида олиб борилади. Улар ҳар ойда ишлаб чиқариш бўлинмалари бўйича очилиб, тегишли журнал - ордерлар хужжатлари маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Ҳисоб-китоб счети бўйича содир бўладиган муоммаларни ҳисобга олиш учун корхонада 5110 «Ҳисоб - китоб счети » очилади. Бу счет актив бўлиб, унинг дебетида ҳисоб-китоб счетига тушган ҳар қандай тушумлар, кредитида эса - ҳисоб-китоб счетидан барча сарфланган пул маблағлари акс эттирилади. Бу счетнинг дебет сальдоси ҳисоб-китоб счетида пул маблағларининг ҳозирги дақиқага қолган қолдигини кўрсатади. Бу счетда бошқа актив счетлар каби кредит қолдиқ бўлмайди.

5110 - «Ҳисоб-китоб счети» бўйича муоммалар текширилган банк кўчирмаси ва унга илова қилинган пул хужжатларига асосан акс эттирилади. 5110 - счетнинг сальдоси ҳисоб- китоб счетидан берилган кўчирмада кўрсатилган қолдиқта тенг келиши керак.

5110 - счет бўйича аналитик ҳисоб банкнинг кўчирмалари бўйича юритилади. Башарти корхонада бошқа ҳисоб-китоб аналитик счети бўлса, муоммалар шу аналитик ҳисоб бўйича юри тилади.

Бухгалтерия ҳисоби журнал-ордерларда юритилса, 5110 - счетнинг кредит оборотлари 2 - журнал -ордерида акс эттирилади 5110 - счетнинг дебет оборотлари турли журнал - ордерларга езилади ва, ундан ташқари, 2 - ведомостга езиб назорат қилинади.

Бу регистрлар текширилган ва ишлаб чиқилган банк кўчирмаларига асосан тўлдирилади.

Ҳисоб - китоб счетидан олинган кўчирмада кўрсатилган бир хилдаги корреспондентланувчи счетларнинг суммалари 2 - журнал - ордер ва 2 - ведомостга жамлаб езилади.

2 - журнал - ордер ва 2 - ведомостни юритиш бир ойга мўлжалланганлиги учун банкдан олинган ҳар бир кўчирма маълумотлари бир қаторга езилади. Демак, 2-журнал - ордер ва 2- ведомостда банд қилинган қаторлар сони шу давр ичida банкдан олинган кучирмалар сонига teng бўлиши керак. Регистрларда суммалар 5110 - счетнинг дебети ва кредити билан корреспондентлашган счетлар бўйича езилади. Ҳар бир ҳисобот (кун, ой) даврига бундай кўрсаткичларнинг мавжудлиги бухгалтерия ходимларига корхона ҳисоб-китоб счетига пул маблағларини тушиб манбаларини таҳлил қилиш, мақсадли фойдаланилиши, тасдиқланган молиявий тўланмалар календар графигига биоан бюджетга ва бошқа органларга маблағ ўтказилиши устидан назорат қилиш имкониятини беради.

### **3. Валюта счети бўйича муоммалалар ҳисоби**

Хорижий валютадаги пул маблағларини ва хорижий валюта муоммаларини ҳар бир корхона амалга ошириши мумкин. Хорижий валюта муоммаларини расмийлаштириш учун банкда валюта жорий счетини очиш керак. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан хорижий валюта муоммаларини амалга оширишга рухсат (лицензия) берилган банкларда валюта счети очиш мумкин. Бундай лицензия олган банкларни вакиллик банклари дейилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг вақти-вақти билан чоп этиладиган бюллетенида келтирилган хорижий валюталарда счетлар очиш мумкин.

Валюта счетини очиш учун банк куйидаги ҳужжатларни талаб қилади.

1. Валюта счетини очиш туғрисида ариза
2. Таъсис ҳужжатлар кўчирмаси (нотариусда еки рўйхатга оловчи орган томонидан тасдиқланган устав, таъсис шартномалари)
3. Нотариусда тасдиқланган рўйхатдан ўтганлик туғрисидаги ҳужжатларнинг кучирмаси.
4. Корхонани рўйхатдан утган жойидан солик инспекцияси ва Пенсия фондида ҳисобга олинганилиги тўғрисида маълумотнома
5. Имзолар нусхалари куйилган ва юмолоқ муҳр туширилган карточка

Кушма корхоналар ва хорижий фирмалар кўшимча килиб Ўзбекистон Республикаси адлия Вазирлиги томонидан уларни хорижий инвестицияли корхоналар реестирига киритилганлиги тўғрисида бериладиган гувохнома топширадилар.

Валюта счети очилгандан сунг банк билан корхона уртасида ҳисоблашиш - касса хизматларини курсатиш тўғрисида шартнома тузилади. Унда банкнинг кўрсатадиган хизматлар рўйхати, хизматлари учун тўланадиган ҳақ тарифлари, маблағларни жойлаштириш шартлари, томанларнинг хуқуқ ва бурчлари ва бошкалар кўрсатилади.

2001 йил 7 ноябрда Молия вазирлиги, Давлат солик кўмитаси, макроэкономика ва статистика Вазирлиги ва Марказий банкнинг 119, 2001 - 11, ва 205 - 8 сонли қорори билан тасдиқланган «Бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисботда хорижий валютадаги муоммаларни акс эттириш тартиби тугрисида Низом» га биноан мулк шаклидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси худудида хорижий валюта муоммаларини амалга оширувчи барча хўжалик юратувчи, субъектлар (банклардан ташкари) 2001 йил 1 ноябрдан бошлаб хорижий валютадаги муоммаларни бухгалтерия ҳисобида куйидагича акс эттириш тартиби белгиланган.

Хорижий валюта маблаглари, қийматликлари ва муомалалари хўжалик муомалалари содир булган санага Марказий банк курси буйича сўм эквивалентида акс эттирилади. Жумладан кўйдагилар буйича:

- а) кассадаги валюта маблаглари, банкдаги депозит ва ссуда счетлари, аккредитивлар, валюта ссуда қарзлари;
- б) хорижий валютадаги дебитор ва кредитор қарзлар;
- в) тузилган шартномалар буйича Юк бож декларациясини расмийлаштириш санасига импорт қилинган товар - материал қийматликлар ва бошқа активларнинг кирими;
- г) божхона тўловларнинг амалга оширилиши;
- д) хорижий валюта кўринишидаги пулли хужжатлар;
- е) хорижий валютадаги қимматли қоғозлар.

Хорижий валютани сотиш (сотиб олиш) да содир бўладиган курсдаги фарқ (ижобий еки салбий) ижобий булса - 9540 «Курс форқларидан олингшан доромадлар» счетида хисобга олинади.

Хорижий валютани сотилиши бухгалтерия хисобида куйидаги тартибда акс эттирилади:

- а) валюта счетидан хорижий валютани Марказий банк курси бўйича ўтказилиши  
*Д - т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети*  
*K - т «Валюта счети»*
- б) Марказий банк курси бўйича хорижий валетани «Блоксчет» дан чиқарилиши  
*Д - т «Бошқа активларни сотилиши»*  
*K - т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети*
- в) валюта бозарида келишилган курс бўйича сотилган хорижий валютанинг сўм эквивалентини хисоб - китиоб счетига ўтказилиши  
*Д - т «Ҳисоб - китоб счети»*  
*K - т «Бошқа активларнинг сотилиши»*
- г) Хорижий валютани сотишда хосил бўлган ижобий курс фарқини Марказий банк курсидан ортиғи акс эттирилиши  
*Д - т «Бошқа активларни сотилиши»*  
*K - т «Курс фарқларидан олингшан дорамадлар»*
- д) Хорижий валютани сотишда хосил бўлган салбий курс фарқини (Марказий банк курсидан кам) акс эттирилиши  
*Д - т «Курс фарқларидан заарлар»*  
*K - т «Бошқа активларнинг сотилиши»*

Ўзининг маҳсулот (иш, хизмат) лари нархи (тарифлари) ни хорижий валюта эквивалентида белгилайдиган хўжалик юритувчи субъектлар ўзаро хисоб - китобларни миллий валюта - сумда олиб борадилар. Хизмат курсатган санадан тўланмаларни тушган санасигача марказий банк курсининг ўзгариши натижасида содир бўладиган фарқ молиявий фаолиятдан олингандан бошқа даромад (харажат) сифатида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларига олиб борилади.

- Баланснинг валюта моддаларига қўйдагилар киритилади;
- а) кассадаги, банкнинг депозит, ссуда счетларидағи, шу жумладан аккредитивлардаги валюта маблаглари;
  - б) хорижий валютадаги пулли хужжатлар;
  - в) хорижий валюта кўринишидаги қисқа ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар;
  - г) хорижий валета кўринишидаги дебиттор ва кредитор қарзлар, кредитлар ва қаризлар

Куйидаги қийматликлар қайтадан баҳоланбайди:

- а) хўжалик юритувчи субъект томонидан хорижий валютага сотиб олинганд мулк (асосий власиталар, номоддий активлар, товар - материал қийматликлар, арzon ва тез эскирувчи буюмлар);
- б) хорижий инвестицияли корхона ҳэм қушилган ҳолда хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали (фонди) ўлчами ва таъсисчилар (катнашчилар) нинг улишлари.

Олдиндан йиғилиб келинган ва ҳар ойги баланс валюта моддаларини қайта баҳолашдан ҳосил бўлган ижобий ва салбий курс фарқлари тегтишли «Келгуси даврлар даромадлари» ва «Келгуси даврлар харажатлари» счетларида акс эттирилиб куйидаги тартибда молиявий - хўжалик фаолияти натижаларига ўтказилади:

- а) хорижий валюта дебитор ва кредитор қарзлар буйича уларнинг қайтарилиши (еки хисобдан чиқарилиши)га қараб;
- б) қолган бошқа ҳолларда - баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик муомалаларини содир бўлишига қараб.

Молиявий - хўжалик фаолияти натижаларига ўтказилган ижобий курс фарқи «Курс фарқларидан олинган даромадлар» счетининг кредити буйича акс эттирилиб даромад (фойда) солиғига тортиладиган базани кўпайтиради, салбий курс фарқи эса «Курс фарқларидан зааррлар» счетининг дебетида акс эттирилиб даромад (фойда) солиғига тортиладиган базадан чегириб ташланади.

Ялпи даромаддан солиқ тўловчилар учун курс фарқи қисмида соликка тортиш обьектти бўлиб «Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарар» счетининг сальдоси хисобланади.

Хорижий валютани сотиб олтиш муомалалари бухгалтерия хисобида куйдаги езувлар билан расмийлаштирилади:

Валюта бозорида келишилган курс бўйича хорижий валютани сотиб олиш кунига.

а) Хорижий валютани сотиб олиш учун хисоб - китоб счетидан сум куринишидаги маблагларни валюта бозорида келишилган сотиб олиш кунига бўлган курс бўйича ўтказиб берилиши.

*Д - т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети*

*К - т «Хисоб - китоб счети»*

б) Марказий банк курси бўйича хорижий валютани валюта счетига ўтказилиши.

*Д - т «Валюта счети»*

*К - т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети*

в) Хорижий валютани Марказий банк курсидан паст курсда сотиб олиш натижасида содир булган ижобий курс фарқини акс эттирилиши.

*Д - т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети*

*К - т «Курс фарқларидан олинган даромадлар»*

г) Хорижий валютани Марказий банк курсидан юқори курсда сотиб олиш натижасида содир булган салбий курс фарқини акс эттирилиши

*Д - т «Курс фарқларидан зааррлар»*

*К - т «Банклардаги маҳсус счетлар» счетининг «Блоксчет» субсчети*

Хорижий валюта харакати тўғрисидаги маълуматни банк муассасаси корхонага валюта счетидан кўчирма бериш йули билан хабар беради. 5210 «Мамлакат ичидаги валюта счетлар»ни кредит обороти 2/1 - журнал - ордерида акс эттирилади. Бу счетнинг дебет обороти 2/1 ведомостини юритиш билан назорат қилинади. Валюта счети буйича аналитик хисоб карточкаларда валюталарнинг номлари бўйича юритилади.

#### **4. Касса муомалаларининг ҳисоби**

Касса хисоб аппаратининг алохида участкаси бўлиб, унга нақд пул маблаглари ва бошқа қимматликлар (қимматли қоғозлар, пулли хужжатлар, почта маркалари ва бошқа) ни қабул қилиш, бериш ва сақлаш муомалаларини амалга ошириш юқлатилган.

Пул маблагларини бутлиги, касса муомалаларини бажариш бўйича моддий жавобгарлик корхона раҳбари томанидан тайинланадиган кассирга юқлатилган. Касса муомалаларини юритиш Марказий банк бошқармасининг 1998 й 24 январдаги 376-сонли қарори билан тасдиқланган «Юридик шахслар томанидан касса муомалаларини юритиш қойдалари» билан тартибга солинади.

Кассада кечикириб бўлмайдиган харажатларни қоплаш учун зарур булган белгиланган лимит дойрасида қолдик бўлиши мумкин. Белгиланган лимитдан ортиқча нақд пул кассада фақат иш хақи, пенсия, нафақа, стипендия бериш кунлари, банк муассасасидан пул олинган кун хам кўшилган холда, уч кун ичида сақланиши мумкин.

Кассага пулни қабул қилиш бош бухгалтер еки унинг ердамчиси томанидан имзоланган касса кирим ордери (ф N КО-1) билан расмийлаштирилади. Бунда пул топширувчига кассир ва бош бухгалтер томонидан имзоланган квитанция берилади.

Кассадан нақд пул касса чиқим ордери (ф N КО-2) еки касса харажат ордери реквизитлари ўрнини босувчи маҳсус штампа кўйилган талабга мувофиқ расмийлаштирилган хужжатлар (тўлов ведности, пул бериш тўғрисида ариза счетлар ва б.) бўйича берилади.

Кассадан пул раҳбар ва бош бухгалтер еки улар ваколат берган шахслар томанидан имзоланган хужжатлар бўйича берилади. Агар касса харажат ордерларига илова килинадиган пул бериш тўғрисидаги хужжатларда раҳбарнинг имзоси булса, касса харажат ордерларига имзо кўйиш шарт эмас.

Кирим касса ордерлари, унинг квитанциялари ва касса харажат ордерлари бухгалтер томанидан равшан ва аниқ қилиб езилади. Бу хужжатларда хеч қандай учирине еки тўғирлашга, хатто изоҳланган тўғирлашга ҳам йўл кўйилмайди. Мазкур корхонада ишламайдиган айрим шахсларга пул олганлиги туғрисида имзо кўйиладиган жойида такдим этилган хужжатнинг маълумотлари кўрсатилади.

Турли эҳтиежлар (иш хақи, пенсия, нафақа ва шу кабилар) учун нақд пул банкдаги хисоб - китоб счетидан пул чекига асосан олинади. Пул чеки хисоб - китоб счетидан унда кўрсатилган нақд пулни бериш тўғрисида корхонанинг банкка берган буйруғи бўлиб хисобланади. Кўйида пул чекининг шакли келтирилади.

Иш ҳаки, пенсия нафақа, мукофотлар тўланганда хар бир олувчига касса чиқим ордери тузилмасдан тўлов ведомости бўйича тўланади. Иш ҳаки бериш муддати битгандан сўнг тўлов ведомости бўйича умумий тўланган суммага бухгалтер касса чиқим ордери тузади.

Касса ордерлари бўйича пул қабул қилиш ва тўлаш фақат хужжатлар тузилган куни амалга оширилади.

Барча касса кирим ва чиқим ордерларини бухгалтер касса кирим ва чиқим хужжатларини рўйхатга олиш журналига езиб (ф КО-3) кассирга шахсан ўзи беради. Пул олингандан еки берилганидан сўнг кассир зудлик билан кирим ва чиқим ордерларига имзо кўяди ва уларга илова қилинган хужжатларга санасини кўрсатиб штампа еки қўлда: кирим хужжатларига - «Олинди», чиқим хужжатларига - «Тўланди» деб белги кўяди.

Рўйхатга олиш журнали маълумотларига асосан олинган ва сарфланган нақд пул мақсадга муофиқлиги корхона томанидан назорат қилинади ва кассир томанидан амалга оширилган операцияларни тўлиқлиги текширилади.

Нақд пул ҳаракатини кассир номерланган, шнурланган ва корхона муҳри босилган касса дафтарида хисобга олинади. Касса дафтарида вараклар сони корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтари икки нусхада юритилиб, иккинчи нусхаси йиритиб олинниб кассирнинг хисоботи сифатида фойдаланилади. Биринчи нусхаси эса касса дафтарида қолади. Касса дафтарида ўчириб тузатиш ва изоҳланмаган тузатишларга йўл кўйилмайди. Талабга мувофиқ қилинган тузатишлар кассир ва бош бухгалтер еки уни ўрнини босувчи томанидан имзоланиб тасдиқланади. Кўйида касса дафтарининг шакли келтирилади.

Ҳар бир ордер бўйича пул қабул қилингандан еки берилгандан сўнг касса дафтарига езилади.

Ҳар куни иш вақти тугагандан сунг кассир кунлик муомалалар жамини чиқаради, кассада кейинги кун бошига қолган қолдикни чиқаради ва шу куннинг ўзида касса кирим, чиқим ордерлари ва уларга илова қилинган хужжатлар билан бирга ҳисобот (дафтарнинг йиритиб оладиган вараги)ни касса дафтари (биринчи нусхаси)га имзо кўйиб бош бухгалтерга топширади. Касса хужжатларига имзо кўйиш хукуқига эга бўлган ходим

кассир вазифасини бажармайди. Нақд пул маблағлари харакати 5010 - «Миллий валютадаги пул маблағлари» актив синтетик счетида хисобга олинади. Бу счетнинг дебетида нақд пулнинг кирими, кредитида - чиқими акс эттирилади. Счетнинг сальдоси хисобот даври бошига кассада қолган бўш нақд пулни курсатади. 5010 - счетнинг кредит обороти 1-журнал- ордерда акс эттирилади. Дебет оборотлари турли журнал - ордерларга езилади, бундан ташқари, 1 - журнал - ордер ва 1-ведомость шаклларини келтирамиз.

1 -журнал-ордер ва 1- ведомостга езиш учун кассирнинг хисоботи асос бўлиб ҳисобланади. Регистрда кассирнинг ҳар бир ҳисоботи бир қаторга езилади. Демек, журнал- ордер ва ведомостда банд қилинган қаторлар сони кассирнинг топширган ҳисоботлар сонига teng бўлиши керак.

Кассада сақланаётган қимматли қофозлар 56 - «Пул эквивалентлари» счетида хисобга олиниб 3 - журнал - ордерда акс эттирилади. Қимматли қофозлар харакати, кейинчалик кассир томанидан қимматли қофозлар харакати тўғрисида хисобот тушиб, кирим ва чиқим ордерлари билан расмийлаштирилади.

Қатъий ҳисобот бланкалари таркибида кирадиган меҳнат дафтарчалари, улар орасига қўйиладиган варажлар ва б. балансдан ташқаридаги 006 - «Қатъий ҳисобот бланкалари» счетида хисобга олинади.

5010 - счети бўйича маҳсус аналитик хисоб юритилмайди Аналитик регистрлари бўлиб касса дафтари, кассирнинг хисоботлари еки уларнинг ўрнини босувчи машинограммалар хисобланади.

**Кассанинг назорати.** Ички назорат тизими - бу активларни химоя қилиш ва бухгалтерия счетларида акс эттирилган маълуматларни тўғирлигини таъминлаш учун ишлаб чиқилган сиесат ва иш юритиш тартибидир.

Пул харакатини ички қатъий назорат қилиш тизими молиявий хисоботдан фойдаланувчилар учун тўғри ахборот берилганини кафолатлади.

Касса ташкил қилинган барча кархоналарда пул маблағлари бутлигини таъминлаш мухим масала бўлиб хисобланади. Пул маблағларини яшириш, олиб кетиш осон, уларда кимга тегишли эканлиги тўғрисида белги йўқ ва улар осон конвертация қилинади. Уларни ўғирлаш имконияти шу билан боғлиқки, айрим шахслар хисоб тизимига кириши ва пул маблағларини кўриқлашга рухсат олиши мумкин.

Кассир моддий жавобгар шахс бўлиб, корхонага етказилган зарар учун жавобгардир. Кассир лавозимига қабул қилинган шахсни корхона раҳбари касса муомалаларини юритиш тартиби билан таништиритиб, у билан моддий жавобгарлик тўғрисида езма мажбурият (шартнома) тузади Бухгалтерия хисобининг 19 - Миллий андазаси «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиши» (1,5. моддаси) га биноан кассадаги пул маблағлари ойига камида бир марта инвентаризация қилинади. Корхона раҳбари буйриғи билан ташкил этилган комиссия томанидан кассирнинг иштироқида касса тўсатдан текширилади. Бунда нақд пул, пулли хужжатлар, қимматли қофозлар ва қатъий ҳисобот бланкалари тўлиқ текширилади. Касса чиқим ордерлари билан расмийлаштирилмаган тилхатлар касса бўйича қолдиққа киритилмайди. Корхонага тегишли бўлмаган пул маблағларини кассада сақлаш такиқланади.

Башарти оғишиш (ортиқча еки камомад) аниқланса, инвентаризация актининг орқа томанида содир бўлган ортиқча ва камомаднинг сабабларини кўрсатиб кассир тушинтириш хати езади, корхона раҳбари эса текшириш натижаси бўйича инвентаризация комиссияси қарорини тасдиқлайди. Аниқланган ортиқча нақд пул қуидаги проводка билан киримга олинади:

*Д - т 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари»*

*К - т 9310 «Бошқа операцион даромадлар»*

Аниқланган камомад қуидаги проводка билан кассирдан ундириб олиниши керак:

*Д - т 4630 «Моддий заарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзлари»*

*К - т 9390 «Миллий валютадаги пул маблағлари»*

Агар корхоналарнинг валюта сметида маблағлар бўлса, нақд валютадан фойдаланиш зарурияти вужудга келиши мумкин.

Нақд валютани хисобга олишучун алоҳида 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счети очилган. Нақд хорижий валюта харакатининг хисоби касса дафтарида юритилади. Бу дафтарда хорижий валюта муомалаларининг ҳажмига қараб тахминдан бир неча бетлар ажратилади. Банқдан нақд хорижий валютани олиниши қуидаги проводка билан расмийлаштирилади:

*Д - т 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари»*

*К - т 5210 «Мамлакат ичидағи валюта счетлари»*

Сафар харажатлари учун ҳисобдор шахсларга берилса:

*Д - т 4220 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар»*

*К - т 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари»*

Нақд хорижий валюта харакатининг хисоби икки баҳода юритилади: валюта турлари бўйича ва сумда. Синтетик ҳисоб фақат сўмда юритилади. Журнал - ордер шаклида ҳисоб юритилганда нақд хорижий валютаси учун 1/1 - журнал ордери ва 1/1 ведомости қўлланилади.

Кассадаги нақд хорижий валюта қолдиғи вақти - вақти билан сумга нисбатан қайтадан баҳоланиб турилади. Ижобий ва салбий курс фарқи 5020 «Чет эл валютасидаги пул маблағлари» счети 9540 «Курс фарқларидан фойдалар» еки 9630 «Курс фарқларидан заарлар» счетлари билан корреспондентлашган ҳолда акс эттирилади.

Қуйида касса муомалаларини счетларда акс эттириш схемаси келтирилади.

#### Касса муомалаларини счетларда акс эттириш

50 - «Касса « счети»»»

Д-т

К-т

#### Корреспондентланувчи счетлар

Счетларнинг кредити	Счетларнинг дебети
<b>Сальдо</b>	
5110 - Корхонанинг хисоб - китоб счетидан пулнинг тушиши	Иш ҳақи, нафақа, мукофатларни нақд пул билан берилиши -
6940 - Накд пул қарзга олинди	6710
6990 - 44 Ҳисобдор шахслардан фойдаланмаган аванс қолдиғи киримга олинди	Қарзларни нақ пул билан - 6940 қайтарилиши 6990
46 - Камомадлар суммасини нақд пул билан қайтарилиши кредитга сотилган товар ва ш. к. нақд пул билан қайтарилиши	Алимент ва депонентларни нақд пул билан тўлаш -6720 6890
9010 - Сотилган маҳсулот, иш 9030, ва хизматлар, материал 9210 қийматликлар, асосий 9220 воситалар учун нақд пул тушуми	Ҳисобдор шахсларга аванс берилиши -44
4890 Дебитор қарзни қайтарилиши. Ота - оналардан тушим. Етоқ - хоналардан тушум	Кассадаги лимитдан ортиқ нақд пулни ҳисоб-китоб счетига ўtkазилиши - 5110 Кассани инвентаризация қилишда Аниқланган камомад 4630

#### 5. Ҳисобдор шахслар билан олиб бориладиган хисоб - китоблар хисоби

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоблашишлар майда хўжалик харажатларини ва хизмат сафар харажатларини тўлашда содир бўлади. Демек, ҳисобдор шахслар - келгуси маъмурий - хўжалик ва сафар харажатлари учун пул маблағларини олдиндан олган ходимлардир. Ҳисобдор шахс сифатида кассадан нақд пул оладиган ходимларнинг руйхати корхона раҳбари томанидан тасдиқланади. Бериладиган пул миқдори чекланган: хўжалик эҳтиежлари учун бериладиган нақд пул корхона сметасида назарда тутилади; сафар харажатлари учун бериладиган пул сафар муддати ва борадиган жойига боғлиқ. Сафар харажатига пул беришда йўлкира (икки томанга), суткалик ва етоқ (туар жой ижараси) харажатлари ҳисоблаб чиқилади.

Хизмат сафари даврида ходимнинг асосий иш жойидаги иш ҳақиси сақланади.

Сафар учун ҳисобдор шахсга пул бериш раҳбарнинг буйриги ва сафар гувоҳномаси билан расмийлаштирилади. Бериладиган пул ҳисоблаб чиқилгандан сўнг бухгалтерия томанидан касса чиқим ордери расмийлаштирилади.

Белгиланган меъер доирасида еки ундан ортиқ қилинган сафар харажатлари, мақсадли тайинланишига қараб, еки ишлаб чиқариш харажатларига, еки давр харажатларига ўтказилади. Башарти сафар харажатлари ишлаб чиқариш жараенига ўтказилса, харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 1.5.2. моддасига биноан маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига ўтказилади. Бошқарув ходимларнинг сафар харажатлари эса - давр харажатларига (харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2.2.12. моддаси) ўтказилади.

Корхона раҳбарининг қарори билан истисно шаклида қонунчиликда назарда тутилган меъеридан ортиқ қилинган сафар харажатлари солиқка тортиладиган базани кўпайтиради.

Белгиланган вазифа бажарилгандан сунг уч кун ичida ҳисобдор шахс қилинган харажатлар тўғрисида аванс ҳисоботи топшириши шарт. Қилинган харажатларни исботловчи, тасдиқловчи хужжатлар (магазин счетлари, товар чеклари, йўл патталари)ни ва сафар гувоҳномасини аванс ҳисоботига илова қиласи.

Сафарнинг мақсадли тайинланишга қараб цех, бўлим бошликлари қилинган харажатларни мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди. Аванс ҳисоботи тасдиқланиб суммаси аниқлангандан сўнг аванс исбототи корхона раҳбари томанидан тасдиқланади ва тегишли бухгалтерия езувлари билан расмийлаштирилади. Фойдаланилмай қолган сумма аванс исбототи топширган куни ҳисобдор шахс томанидан кассага киrim ордери билан топширилади, ортиқча қилинган харажат суммаси кассадан чиқим ордери билан берилади.

Ҳисобдор шахсга берилган сумма мақсадли характеристга эга бўлиб, бирорга бериш еи буюриш тақиқланади. Олдинги берилган аванс бўйича қарзи булмаган ҳолдагина янги аванс берилади. Башарти белгиланган муддатда аванс ҳисоботи топширилмаса, қонунчиликта белгиланган тартибда бухгалтерия бу қарзни ҳисобланган иш ҳақидан ушлаб қолиши мумкин. Шуни ҳам билиш керакки, белгиланган меърдан ортиқча қилинган суткалик харажати исбодор шахснинг иш ҳақисига қўшиб даромад солигига тортилади. Суткалик харажатлар шунингдек туар жой ижара харажатлари меъери энг кам иш ҳаки миқдоридан коэффицентда белгиланади.

Хизмат сафари харажатлари (туар жой ҳаки, бориш - келиш харажатлари) олдиндан маълум бўлган ҳолларда, корхона раҳбари исботловчи харажатлар топширмасдан сафар харажатларини тўлашга рухсат бериш хукуқига эга. Бунда сафар харажатлари суммасининг расчети, корхона раҳбари ва сафарга бораётган ходим томанидан имзоланиб, корхона бухгалтериясида сақланади. Сафардан қайтгандан сўнг талабга мувофиқ расмийлаштирилган сафар гувоҳномаси бухгалтерияга топширилади, қилинган харажатлар суммаси тўғрисида ҳисобот топширилмайди.

Сафар муддати корхона раҳбарининг буйриги билан аниқланади, сафарда булган ҳақиқий вақти эса - сафар гувоҳномасидаги имзолар ва муҳир билан тасдиқланган тартибда сафар жайига келган ва кетган куни тўғрисидаги белги билан аниқланади. Бунда сафарга кеткан ва сафардан келган кунлар тўлиқ кун ҳисобланади.

Корхонада сафарга кетган ва келган шахсларни рўйхатга олиш журнали юритилади.

Барча ҳисобдор сумма муомалалари корхона бухгалтериясида 44 - «Ходимларга берилган бунаклар ҳисоби « счетларида ҳисобга олинади. Бу актив счети бўлиб, дебет қолдиғи ҳисобдор шахснинг корхонадан бўлан қарзини кўрсатади. Бу счетнинг дебетига касса чиқим ордерига асосан янги аванс суммаси берилганда, кредитга эса - аванс ҳисоботига асосан сарфланган ва кирим касса ордерига асосан қайтариб топширилган фойдаланилмаган сумма езилади.

Ҳисобдор шахслар олдиндан олинган бўнак суммасидан ортиқча харажат қилган бўлса, хужжатлар билан расмийлаштирилган ортиқча қилинган харажатлар суммасига 6870 «Ҳисобдор шахслардан қарзлар» счети кредитланади.

Ушбу ортиқча қилинган харажат суммаси ҳисобдор шахсга қайтарилиганда 6870 счети дебетлени 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» счети кредитланади.

**Мисол. 1.** Хўжалик раҳбарига сафар харажати учун нақд пул билан бўнак берилди - 5000 с.

Д – т. 4220 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар» - 5000 с.

К – т. 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 5000 с.

2. Хўжалик раҳбарининг бўнак ҳисоботи бўйича ҳақиқий сарфланди - 6000 с.

Д – т. 9429 «Бошқа маъмурий харажатлари» - 6000 с.

К – т. 4220 «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар» -6000 с.

1. Ортиқча қилинган сафар харажати суммаси қайтарилди - 1000 с.

Д – т. 6870 «Ҳисобдор шахслардан қарзлар» - 1000 с.

К - т. 5010 «Миллий валютадаги пул маблағлари» - 1000 с.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал - ордер шаклида ҳисобдор шахслар билан бўладиган ҳисоб - китоб муомалалари 7- журнал ордерда ҳисобга олинади. Қўйида бу журнал ордернинг шакли келтирилади.

## **6. Ҳисоб - китоб муомалалари ҳисобини ташкил этиши**

Юридик шахслар орасидаги ҳисоб - китоблар товар муомалалари (мол юборувчи ва мол олувчилар орасида) ва фақат пул маблағларининг ҳаракати билан боғлиқ бўлган товарсиз муомалалар (бюджетдан, банқдан, ижтимоий сугирта органларидан бўлган қарзларни тўлаш) бўйича бўлиши мумкин.

Мол сотиб олувчилар томанидан материал қийматликларни олган вақти билан пул тўлаш вақтидаги оралиқни қисқартириш, дебитор ва кредитор қарзларни вужудга келиши ва йилдаги товар - материал қийматликлар қолдини кўпайтиришига барҳам бериш мақсаджида ҳисоб - китобнинг энг қулай шакилларини танлаб олиш зарур. **Тўлов топшириклари (пул ўтказиш) билан ҳисоб - китоблар.** Тўлов топшириғи банқдаги счетни тасарруф этувчи томанидан бошқа корхона еки ташкилотнинг счетига пул ўтказиб бериш тўғрисидаги кўрсатмаси бўлиб ҳисобланади. Тўлов топшириклари билан аванс тўловлари, бюджетга суғирта компанияларига, савдо ташкилотларига ходимлардан кредитга сотилган товарлар учун ушланма тўловлари, маҳсулот сифати ва камомади, бокиманда, неустойкалар ва бошқа кредитор қарзлар тўланади.

Банк томонидан акцептланган тulos топшириғи рўйхат билан бирга почта булимига утказип берилган пулни расмийластириш учун топширилади. Пул утказип бериш буйича почта булимининг курсатган хизмат харажатлари топшириқ суммасига кушилади еки почтага нақ пул билан туланади. Тўлоу топшириғи билан пул утказип берилганда кўйидаги езувлар берилади:

д-т 6410 «Бюджетга тulosлар бўйича қарздорлик»

д-т 6520 «Ижтимоий суғирта буйича тulosлар»

д-т 6890 «Бошқа мажбуриятлар»

к-т 5110 «Ҳисо-китоб счети»

**Тулов талабномаси билан ҳисоб китоблар тартиби.** Мол юборувчи иш бажарувчи ва хизмат курсатувчи корхоналар ўзининг ҳисоб - китоб счети бўлган банкка жўнатилган (берилган) товарлар бажарилган иш ва хизматлар учун олишга тегишли бўлган пулни тўловчилар счетидан ўзларининг счетларига ўтказиб бериш учун тўлов талабномаси топширадилар.

Тўлаш рад этилса, келиб тушган товарларни мол олувчи масъулиятли сақлашга қабул қилиб 002 - «Масъул сақлашга қабул қилинган товар - моддий бойликлар» балансдан ташқари счетда, мол юборувчидан бошқа жойга жўнатиш туғрисида кўрсатма келгунча, ҳисобга олади.

Товарларни жўнатиш ва пул маблағларини ҳисоб-китоб счетларига утказиш билан боғлик булган муомалар бухгалтерия ҳисобида куйидагича расмийластирилади:

Товарлар жунатилиши билан мол юварувчida:

Д-т. 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар»

К-т. 9010, 9020

Мол юборувчida ҳисоб-китоб счетига пул утказилганда:

Д-т. 5110 «Хисо-китоб счети»

К-т. 4010 «Хоридарлар ва буюртмачилардан олинадиган счетлар»

Материаллар келиб тушиши билан мол алувларда:

Д-т. 10 «Материаллар»

К-т. 6010 «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счетлар»

Мол сотиб олувчida ҳисоб-китоб счетидан пул утказилганда:

Д-т. 6010

К-т. 5110

**Аkkредитивлар бўйича ҳисоб - китоблар.** Бир йўла юборилган моллар қийматини тўлаш, мол юборувчиларнинг ҳисоб - китоб счетларига юборилган моллари учун кафолатланган пулни ўтказиш муомалаларини тезлаштириш учун ҳисоб - китобнинг аккредитив шакли кўлланилади. Аkkредитив - бу мол сотиб олувчининг банкини бошқа шахардаги мол юборувчининг банкига жўнатилган товар бажарилган иш ва хизматлари учун мол юборувчининг счетига пул ўтказиб бериш тўғрисидаги буйриги.

**Махсус счетлар бўйича ҳисоб - китоблар.** Корхона маҳсус счетини ўз вакили орқали узоқ мuddат ичida хўжалик фаолиятини қайси маъмурий худудда олиб борадиган бўлса, ўша жойнинг банкида очади. Маҳсус счет мазкур худудда юборган маҳсулоти, бажарган иши бўйича мол юборувчилар ва бошқа ташкилотлар ва шахслар билан ҳисоблашиш учун фойдаланилади. Талаблар фақат мол сотиб олувчининг вакили томанидан акцептланган сўнг тўланади. Бу счетдан корхона вакилига товарларни қабул қилиш ва жўнатиш бўйича харажатларни қоплаш учун нақд пул берилиши мумкин.

**Режали тўловлар тартиbidаги ҳисоб - китоблар.** Корхоналар орасида муттасил товар - материал қийматликлар жўнатилиб еки хизматлар кўрсатилиб (нон магазинларига нон маҳсулотларини жўнатиш, кундалик истеъмол қилинадиган маҳсулотни корхоналар омборида сақлаш ҳукуқига эга бўлмай жўнатиб туриш) турилса амалга оширилади.

Истеъмолчи ва мол юборувчи шартномага биноан ҳар куни тўлаб туриладиган маҳсулот еки хизматлар қийматининг режа суммасини белгилайдилар. Пул тўлаш тўлов топширифи еки тўлов талабномаси билан расмийлаштирилади.

**Чеклар билан олиб бориладиган ҳисоб - китоблар.** Мол сотиб олувчининг ҳисоб - китоб счети ҳолатидан қатъий назар пул ўтказиб беришни кафолатловчи муттасил ҳисоб - китобларни олиб бориши зарурияти туғилганда ҳисоблашиш чеклари кўлланилади. Ҳисоблашиш чеклар дафтарчасида 10,20,25,50 та чеклар бўлиб улар банк томанидан берилади.

Лимитлаштирилган чек дафтарчалари олти ойгача муддатга берилиб, унда ҳисоблашиш чек дафтарчасидан ўтказиб берилиши мумкин бўлган сумма кўрсатилиади. Чек, езид берилган кунни ҳисобга олмагандан, 10 кунгача ўз кучини йўқотмайди. Олдиндан эълон қилинган лимит суммаси туловчининг ҳисоб - китоб счетидан маҳсус счетга

ўтказиб берилган чек бекор қилинади ва банк томанидан тўланмайди. Лимитлаштирилган чек дафтарчаси бўйича сумма 100 сўмдан кам бўлмаслиги керак.

## **7. Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб - китоблар ҳисоби**

Дебитор қарз ҳар доим бошқа компаниянинг активларига қилинган даъво бўлиб исобланади. Дебитор қарзи билан боғлиқ бўлган асосий бухгалтерия операциялари бўлиб тан олиш ва баҳолаш ҳисобланади. Дебитор қарзларини ундириб олиш имконияти - бу дебитор қарзларини ўлчаш ва уларни ҳисобга таъсир қилувчи асосий масала бўлиб ҳисобланади. Ундириб олиш имконияти қарз акс эттирилганлигига (тан олиш принципи) ва унинг суммасига (баҳолаш принципи) таъсир қиласи. Бухгалтерия ҳисоби Миллий андазасининг 2-сонига биноан хўжалик юритувчи субъектга даромадларнинг келиб тушиш эҳтимоли бўлса, улар алоҳида акс эттирилади.

Бундан ташқари, турли дебиторлар таркибида молияланадиган ва оператив лизинглар бўйича олинадиган тўловлар, олинадиган фоизлар ва дивидендлар, роялти ва гонорар бўйича олинадиган счетлар ва бошқа шахсларнинг қарзлари (жорий қисми) ҳисобга олинади. Бу муомалаларнинг ҳисоби 48 «Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби» счети бўйича очилган (4810, 4811, 4820, 4840 ва 4890) счетларда акс эттирилади.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Корхоналарнинг хўжалик алоқалари ва ҳисоб- китоб муносабатлари қандай
2. Ҳисоб - китоб счети бўйича муомалалар ҳисоби қайси счеттда юритилади.
3. Валюта счети бўйича муоммалалар ҳисоби қайси счеттда юритилади.
4. Касса муомалаларининг ҳисоби қайси счеттда юритилади.
5. Ҳисобдор шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб - китоблар қайси счеттда юритилади.

## **Таянч сўзлар ва иборалар**

Бухгалтерия счетлари

Доимий счетлар

Актив счетлар

Пассив счетлар

Контр актив счетлар (КА)

Контр пассив счетлар (КП)

Транзит счетлар (Т)

Балансдан ташўари счетлар

Дебет, кредит, сальдо

Бухгалтер

Хужжатлаштириш

Инвентаризация

Баҳолаш

Калькуляция

Икки ёқлама ёзув

Баланс  
Моляивий ҳисобот  
Кириш баланси  
Якунловчи баланс  
Тугатиш баланси  
Оборотли баланс  
Корректура  
Қўшимча ёзувлар  
Сторналаш ёзувлар  
Гисоб регистрлари  
Бухгалтерия ҳисоби шакллари  
Счетлар режаси  
Счетлар  
Синтетик (жамлама) счетлар  
Аналитик (тахлилий) счетлар  
Субсчет  
Аналитик ҳисоб

## **З-МАВЗУ:МАЖБУРИЯТЛАР (ТЎЛАНАДИГАН СЧЁТЛАР) БҮЙИЧА ХИСОБЛАШИШЛАРНИНГ ХИСОБИНИ ЎРИТИШ**

Режа:

1. Мол етказиб берувчилаr ва пудратчилаrга булган карзларни хисобга олиш.
2. Мустакил балансга ажратилган булинмаларга булган карзларни хисобга олиш.
3. Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг хисобини юритиш
4. Олинган бунакларни хисобга олиш.
5. Сугурта ва бюджетдан ташкари жамгармаларга булган карзларни хисобга олиш.
6. Таъсисчиларга булган карзларнинг хисоби.
7. Банкнинг кредитлари ва бошка карзларнинг хисобини юритиш.
8. Хар – хил кредитор карзлар ва хисобланган бошка мажбуриятларни хисобга олиш.
9. Узок муддатли карзларни хисобини юритиш.

1. Мол етказиб берувчилаr ва пудратчилаrга булган карзларни хисобга олиш.

Хужалик юритувчи субъектлар узларининг молиявий-хужалик фаолиятида бошка субъектлар билан доимо алокада буладилар:

истеъмолчи-харидорларга тайёр маҳсулотларини сотадилар, ишларни бажарадилар, хизмат курсатадилар, бунак ёки карз берадилар;

уз навбатида бошка субъектлар олдида мажбуриятлари пайдо булади, яъни олган хом-ашё ва материалларнинг кийматини тулаш юзасидан мол етказиб берувчилаr олдида бажарган ишлари юзасидан пудратчилаr олдида, истеъмол килинган хизматлар юзасидан хизмат курсатувчилаr олдида ва хоказо.

Мажбуриятлар бу хисобот даврида ёки олдинги даврларда вужудга келган карзлар (кредиторлик) булиб, уларнинг копланиши (яъни сундирилиши) иктисадий нафнинг камайишига, яъни мавжуд активларнинг камайишига олиб келади.

Мажбурият субъектнинг турли келишувларни бажариши натижасида вужудга келади ва товарлар, курсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар юзасидан келгусидаги туловлар учун хукукий асос булиб хисобланади.

1-сонли БХМС "Хисоб сиёсати ва молиявий хисобот" га асосан мажбуриятларни баҳолашнинг асоси булиб, сотиб олингандай активлар, хизмат ва ишларнинг таннархи ёки киймати хисобланади.

Мажбуриятлар киска муддатли (жорий) ва узок муддатли булиши мумкин. Жорий мажбуриятлар-бу кредиторнинг талабига кура бир йил ичидаги туланадиган мажбуриялар (карзлар) дир. Узок муддатли мажбурият (карз) ларга тулов муддати бир йилдан ортик булган мажбуриятлар киради.

Амалдаги конунчиликка асосан, вужудга келган хорижий валютадаги мажбуриятлар сумда хисобга олиниб, хисоблашиш-пул хужжатлари ёки шартномада келишилган хужжатларда курсатилган муддатда Узбекистон Республикаси Марказий Банки урнатган хорижий валютанинг курслари буйича кайта хисоблаш оркали аникланади. Бир вактнинг узида ушбу хисоблашишлар валютада хисоблашиш ва туловларда акс эттирилади. Хорижий валюталар билан амалга оширилган муомалалар юзасидан карзларни коплаш даврида вужудга келган курс фарклари 9540-"Курс фарклари буйича олингандаромадлар (ижобий)" ёки 9620-"Курс фарклари буйича курилган заарлар (салбий)" счёtlарида акс эттирилади.

Жорий (киска муддатли) мажбуриятлар (карзлар) ни хисобга олиш тартибини ёритувчи ушбу булимда хисобнинг куйидаги счёtlарида хисоб тартиблари хакида маълумотлар келтирилади:

6000-Мол етказиб берувчилаr ва пудратчилаrга туланадиган счёт (тулов) ни хисобга олувчи счёtlар

6100-"Булинмаларга туланадиган счёт (тулов) ни хисобга олувчи счётлар"

6200-"Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг жорий кисмини хисобга олувчи счётлар"

6300-"Олинган жорий бунакларни хисобга олувчи счётлар"

6400-"Бюджетга толовлар буйича карзларни хисобга олувчи счётлар"

6500-"Сугурталар буйича ва бюджетдан ташкари жамгармаларга булган толовларни хисобга олувчи счётлар"

6600-"Таъсисчиларга булган карзларни хисобга олувчи счётлар"

6700-"Ходимлар билан меҳнат юзасидан хисоблашишларни хисобга олувчи счётлар"

6800-"Банкнинг киска муддатли кредитлари ва бошка карзларни хисобга олувчи счётлар"

6900-"Хар хил кредиторларга ва бошка хисобланган мажбуриятлар буйича карзларни хисобга олувчи счётлар".

Тузилган шартномага мувофик мол етказиб берувчилардан товар-моддий захиралари кабул килиб олинган пайтдан бошлаб субъект ва мол етказиб берувчилар уртасида куйидаги йуналишлар буйича хисоблашиш муомалалари пайдо булади:

субъектга такдим этилган активлар, хизматлар ва бажарилган ишлар буйича;

кабул килиш пайтида аникланган товар-моддий кийматликлари, ишлар ва хизматлар микдорининг ортиксалиги;

етказиб бериш юзасидан хизматлар, шу жумладан тариф (фрахт) суммасининг кам хисобланган суммаси юзасидан ва шунга ухшаш муаммолар буйича.

Ушбу товар-моддий кийматликлар омборхонага ёки субъектнинг истеъмолига кабул килинаётганда кирим ордери ёзилиб ушбу ордерлар илова килинган холда реестр тузилади ва омбор мудири томонидан бухгалтерияга топширилади. Ушбу хужжатлар гурухлаштирилиб (таксировка) ва текширилиб толов хужжатига илова килинади, чунки банк ушбу исботловчи хужжат билангина толов топширигини кабул килади. курсатилган сумма мол етказиб берувчига тулангандан кейин корхонанинг банкдаги тегишли счётларидан-5110, 5210, 5220, 5510, 5520... "Кучирма" лар олади ва кодларига асосан ушбу счётларга утказиб куяди.

Хисоблашиш муомалари умумлаштирилган холда 6010-"Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга туланадиган счётлар" ва 6020-"Берилган вайскалар" номли пассив, синтетик счётларда олиб борилади. Бу счётларда куйидаги ахборотлар йигилиб борилади:

хисоблашиш хужжатлари акцептланган (тулашга кабул килинган) олинган товар-моддий захираларининг кийматликлари;

хисоблашишга кабул килинган бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар- электр куввати, газ, иссиқлик, сув ва шунга ухшашлар;

хисоблашиш хужжатлари тулашга кабул килинган товар-моддий кийматликларни келтириш, кайта ишлаш сарфлари;

хисоблашишлар режали толов тартибида амалга оширилган товар-моддий кийматликлар, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматларнинг киймати;

мол етказиб берувчилардан хужжатлар келмаган, лекин омборга актга мувофик кабул килинган (фактурасиз) товар-моддий кийматликларнинг киймати;

кабул килиш жараёнида ортиқча чиккан товар-моддий кийматликларнинг киймати;

юкларни ташиш буйича курсатилган хизматларнинг киймати;

хужжат (фрахт) га нисбатан кам олинган товар-моддий кийматликларнинг киймати;

алока хизматлари киймати ва шунга ухшашлар;

бош пудратчи ташкилот хам узининг субпудратчи ташкилотлари уртасида амалга ошириладиган хисоблашишлар.

Счётларни тулаш, уларни такдим килган вактидан бошлаб кучга киради ва навбат билан тулаб борилади.

Хакикий киримга олинган товар-моддий кийматлигининг суммаси тегишли товар-моддий захиралари счётларининг дебетидан акс эттирилиб 6010-"Мол етказиб берувчилар

ва пудратчиларга туланадиган счётлар" ва 6020-"Берилган васикалар" счётларининг кредитида кайд килинади.

Товар, хом-ашё ва материалларни ташиб келтириш, юклаш, тушириш уларни кайта ишлаш харажатлари хам тегишли товар-моддий захиралари счётларининг дебети томонида ва 6010 ва 6020 счётларининг кредитида акс эттирилади.

Аналитик хисобда товар-моддий кийматликларнинг жорий ва балансда баҳоланиш тартибидан катъий назар мол етказиб берувчилардан счёт-фактурасида курсатилган суммага 6010 ва 6020 счётлари кредитланади. Агарда мол етказиб берувчиларнинг счёти акцептланган ва киймати тулангандар булса, лекин товар ёки хом-ашё кабул килинаётгандан ундан камомад аникланса ёки табиий камайиш меъеридан ортиксча камомад аникланса тузилган тижорат актига асосан ушбу аникланган суммага мол етказиб берувчиларга даъво билдирилади- дебет 4210-"Даъволар юзасидан олинадиган счётлар" ва кредит 6010- "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар" ёки 6020-"Берилган васикалар".

Моддий кийматликлар кузатувчи хужжатларсиз, фактурасиз келган булса куйидагиларни текшириш зарур:

олинган товар-моддий кийматликларнинг киймати олдин туланганди ёки йукми?;

моддий кийматликларни улчаб, тортиб, нави ва баҳосига эътибор бериб тегишли кабул килиш "далолатнома"сини тузиш;

ушбу кийматликларнинг дебиторлик карзида турган ёки турмаганлиги.

Фактурасиз кабул килинган хом-ашё ва материалларнинг киймати шартномада курсатилган ёки жорий хисоб баҳосида "Далолатнома"га асосан кабул килиниб 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар" ёки 6020-"Берилган васикалар" счётларининг кредитига ёзилади ва фактурулар келгандан кейингина банк оркали унинг киймати навбати билан туланади.

Агарда мол етказиб берувчиларга олдиндан бунак берилган булса тулик хисоблашиш жараёнида умумий карз суммасидан бунак суммаси чегирилиб (дебет 6010 ёки 6020 ва кредит 4310-"ТМЗ учун берилган бунаклар") колинади ва фарқ сумма туланади. дебет 6010 ва кредит 5110 ёки 5210, ёки 5500, ёки 6810, ёки 6820 ва хоказо. Айrim холларда олинадиган товарлар, материал ва хом-ашёларнинг тулов хужжатлари субъектта келган, лекин ушбу кийматликлар омборхонага келиб тушмаган булиши мумкин. Лекин ушбу тулов хужжатлари банк томонидан туланганди ёки йукми, катъий назар субъект томонидан тулашга кабул килиниши (акцептланиши) зарур.

Ушбу хужжатлар 6-журнал ордерининг акцепт устунидаги "Келиб тушмаган юклар" устинида кайд килиб борилади. Ой охирида эса ушбу хужжатга асосан "Йулдаги кийматликлар" сифатида субъектнинг балансига кабул килинади. Ушбу материаллар омборхонага кабул килингандан кейин кирим ордерига асосан иккинчи марта кабул килиниб олдинги "Шартли кабул килинган" киймати чегирилади.

6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счётлар" ва 6020- "Берилган васикалар" счётларида аналитик хисоб хар бир мол етказиб берувчи буйича айrim юритилади. Чунки бу счётлар ёрдамида акцептланган, туланганди ва карз булиб колган суммалар назорат килинади ва мол етказиб берувчилар олдидағи мажбуриятта риоя килишга тезкорлик билан ёрдам беради, бундан ташкари:

счётлар акцептланган лекин тулаш муддати келмаган;

бошка хисоблашиш хужжатлари буйича;

муддати утган туловлар буйича;

фактурасиз моддий кийматликлар буйича;

кийматини тулаш муддати келмаган васикалар буйича;

кийматини тулаш муддати утган васикалар буйича;

олинган тижорат карзлари буйича хисоблашишларнинг холати назорат килиб борилади.

Мол етказиб берувчилар билан хисоблашишлар умумлаштирилган холда 6-журнал ордерда 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счёtlar" ва 6020-"Туланадиган васикалар" счёtlарининг кредити буйича кайд килиб борилади. Бу журнал-ордерда аналитик ва синтетик хисоб бир вактнинг узида олиб борилади, аналитик хисоб хар бир тулов хужжати, кирим ордери ёки кабул килиш далолатмоасига асосан юритилади.

Бу журнал-ордер хар ойнинг бошига мол етказиб берувчиларга туланмаган сумма билан очилади ва унда:

тулов муддати келмаган хужжатлар буйича;  
тулов муддати утган хужжатлар буйича;  
кйматликлар келиб тушмаган лекин тулов хужжати киймати туланган;  
кйматликлари келиб тушмаган ва тулов хужжатлари туланмаган;  
тулов муддати келмаган васикалар;  
тулов муддати утган васикалар;  
фактурасиз кийматликларнинг ой бошига колдик суммаси алохида олган холда курсатилади;

6010 ва 6020 счёtlар буйича 6-журнал-ордерда хар бир хужжатга тулик маълумот йигилади;

санаси;  
кайд килиш №"  
мол етказиб берувчининг номи ва манзили;  
омбордаги кирим хужжатининг №;  
кирим килинган товар-материал кийматликларнинг жорий хисобидаги баҳоси;  
тулов хужжатидаги киймати;  
кушилган киймат солиги, акциз солиги;  
божхона туловлари ва йигими ва хоказолар.

6020-"Берилган васикалар" счётида корхонанинг ТМБ ва бошка активларни, бажарилган ишларни ва курсатилган хизматларни сотиб олиш учун берган васикалари акс эттирилади. Туланадиган васикалар фоизли ёки фоизсиз булиши мумкин. Фоизли васикалар васиканинг асосий суммасини-номинал кийматини ва белгиланган фоиз микдорини аник курсатади. Фоизсиз васикалар хакикатда фоиз тулашни назарда тутади, чунки бундай васикаларнинг номинал кийматини коплаш муддатида туланадиган ягона суммани ташкил зэтдиган карз ва фоиз суммаларини узида акс эттиради. Ушбу счёtnинг кредитида сотиб олинган ТМБ, бошка активлар- бажарилган ишлар ва хизматлар учун васика билан таъминланган жорий мажбуриятлар акс эттирилиб, улар копланиши давригача хисобга олинади. Васикалар буйича мажбуриятлар копланса, тегишли пул маблагларини хисобга олувчи счёtlарнинг кредити ва 6020-"Берилган васикалар", 6820-"Хисобланган фоизлар" счёtlарининг дебетида ушбу муомаларга тегишли суммалар акс эттирилади.

6020-"Берилган васикалар" счёти буйича аналитик хисоб берилган васикаларнинг хар бир тури буйича олиб борилади.

Тулов муддати учун васикалар буйича хисоб алохида юритилади.

6000-Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счёtlар (туловлар)ни хисобга олувчи счёtlарнинг чизмаси.

6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туланадиган счёtlар (туловлар)", 6020-"Берилган васикалар" счёtlари

Счёtlарининг кредитидан	
Дебет	
4010-	Харидорлардан олинадиган

	Счёtlарнинг дебетига
	Кредит
	Олинган урнатиладиган ускуналар -0710,

	суммаларни мол етказиб берувчиларга булган карзларни сундиришга йуналтириш	кийматининг акцептланиши	0720
4310-	Тулик хисоблашиш жараёнида илгари берилган бунак суммасининг чегирилиши	Пудратчиларнинг капитал курилиши учун бажарган ишларини акцептлаш	-0810-0890
5010,	Мол етказиб берувчилар	Олинган моддий кийматликлар	-1010-
5110,	олдиаги мажбуриятнинг	кийматининг акцептланиши	1090,
5210,	сундирилиши-нақд пул, пул		1110,
5510,	маблаглари, аккредитивлар,		ёки
5520-	чеклар ва хоказо.		1510
6020-	Карз мажбуриятлари хисобига оддий васикаларнинг берилиши	Пудратчиларнинг бажарган иши ва курсатган хизматлари суммасининг акцептланиши	-2010, 2300, 2510, 2710, 9410
6810,	Мажбуриятларнинг киска ва	Сотилган маҳсулотнинг	-2610
7810-	узок муддатли кредитлар	яроксизлигини тузатиш буйича курсатилган хизматлар суммасининг	
	хисобидан туланиши	акцептланиши	
9360-	Даъво муддати тугаган карзларнинг даромадга олиниши	Нокапитал ишларга курсатган хизматлар суммасини акцептлаш	-1080
9540-	Туловдаги хориж валютаси курсидаги ижобий фарк суммаси	Олинган товарлар кийматини акцептлаш	-2910 - 2990
		Келгуси давр сарфларига таълукли счётларни акцептлаш	-3110-3190
		Сотиб олинган ТМЗ ва бошка кийматлик буйича ККС бунагининг туланиши	-4410
		Махсулотларни ёки товарларни сотиши буйича курсатган хизматларни тулашга кабул килиш	-9411-9419
		ТМЗ кабул килишда табиий камайиш мөъерини акс эттириш	-9433
		Табиий офатларнинг олдини олиш ёки тугатиш буйича бажарган ишларни туловга кабул килиш	-9720

2. Мустакил балансга ажратилган булинмаларга булган карзларни хисобга олиш.

Хозирги даврда, яъни бозор иктисадиёти ривожланаётган даврда ишлаб чиқарувчини истеъмолчига якинлаштириш максадида йирик концерн, компания ва фирмалар жойларда узларининг булинмаларини ташкил килиб уларнинг фаолиятини ривожлантирумокдалар. Чунки ушбу булинмалар зарур худудлардаги бозорларга кирим ва узининг мавкеини тустахкамлаш ва кутаришга катта ёрдам бермокдалар. Ушбу мустакил балансга ажратилган булимлар (филиал, ваколатхоналар ва хоказо) билан бош субъект уртасида доимо муомалалар (мулклар, маблагларнинг харакати ва хоказолар билан бөлгик) содир булади.

Ушбу муомалаларни (субъектнинг карзини) кайд килиш учун алохида счёт кулланилади. Ушбу счёт 6110-"Алохида балансга ажратилган булинмаларга туландиган

счёт (тулов)лар" счёти корхонанинг алохида балансга ажратилган филиаллари, ваколатхоналари, булимлари ва бошка маҳсус булинмаларга булган карзларининг барча турлари хакидаги (ички баланс хисоблашишлари) маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган. Жумладан:

ажратилган мулклар буйича;  
узаро берилган моддий бойликлар буйича;  
маҳсулот сотиш буйича;  
умуммаъмурый фаолият буйича харажатларнинг берилиши;  
булинма ишчиларига меҳнат хакини тулаш ва шунга ухшаш хисоблашишлар буйича.

Счётнинг кредитида булинмалар билан турли муомалалар буйича мажбуриятлар суммаси, моддий бойликлар, пул маблаглари ва бошка харажатларни хисобга олувчи счётлар корреспонденцияси оркали акс эттирилади.

6110-"Алохида балансга ажратилган булинмаларга туланадиган счёт (тулов) лар" счёти буйича аналитик хисоб ҳар бир булинма ва улар билан амалга оширилган муомаларнинг турлари буйича олиб борилади.

6100-"Алохида балансга ажратилган булинмаларга туланадиган карзлар" ни хисобга олувчи счётнинг чизмаси

Счётнинг кредитига	Счётнинг дебетидан
Дебет	Кредит
0100, Булинмаларга карзни сундириш 0400, хисобига ТМЗ ва тайёр 1000, маҳсулотларни бериш 1100, 1200, 2800, 2900- 5010, бвлинмаларга булган карзни пул 5110, маблаглари туласи сундириш 5210, 5500, 5600	C-N булинмалардан асосий воситалар, ТМЗ, тайёр маҳсулотларни олиш 1000, 1100, 1200, 2800, 2900 ТМЗларни олиш (хисоб сиёсатига мувофик Булинмалардан олинган ТМЗ кийматидаги фаркларни акс эттириш Булинмадаги амалга оширилган сарфларнинг асосий ишлаб чикариш, хизмат курсатувчи тармок ва бошка тегишли тармокларнинг харажатига утказилиши Булинмалардан рим тайёр маҳсулотларни кабул килиш Булинмалар томонидан келгуси давр сарфларининг амалга оширилиши Булинмалардан пул маблагларининг олиниши булинмалардан олинган маҳсулотлар ва бошка активларнинг
	-0100, 0400, 1000, 1100, 1200, 2800, 2900 -1510  -1610 -2010, 2310, 2320, 2510, 2710 -2110 -3100 -5010, 5110, 5210, 5500, 5600 -9100, 9200

### 3. Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг хисобини юритиш

Хужалик юритувчи субъектлар узининг фаолиятида келгуси даврга тегишли даромад буйича олган бунаги, келиши кутилаётган дебитор карзлари, чиқарилган облигациялар юзасидан чегирма ёки устамалар, соликлар ва мажбурия туловлар муддатининг узайтирилиши, муомалалари содир булади. Масалан, укув юртларида таълим олиш учун туловлар, ижара туловлари, чипталарнинг сотилиши, лотерея билетларининг сотилиши, даврий нашрга обуна буйича даромадлар ва шунга ухашлар.

Ушбу жорий даврда тулов муддати узайтирилган ва вактинча карзлар сифатида келгусида туланадиган жорий мажбуриятлар куйидаги счёtlарда хисобга олинади:

6210-"Муддати узайтирилган дисконт (чегирма)лар"

6220-"Муддати узайтирилган мукофотлар"

6230-"Муддати узайтирилган даромадлар"

6240-"Соликлар ва мажбурия туловлар буйича муддати узайтирилган мажбуриятлар"

6290-"Бошка муддати узайтирилган мажбуриятлар".

6210-"Муддати узайтирилган дисконтлар (чегиртмалар)" ва 6220-"Муддати узайтирилган мукофотлар (устамалар)" счёtlари облигация чиқарилган даврдан бошлаб йилнинг оралигига харажат ёки даромадга таксимланадиган, облигациялар юзасидан чегиртма ёки устама буйича корхонанинг узок муддатли мажбуриятларининг жорий кисмини акс эттиришга мулжалланган. Ушбу счёtlарни облигацияларни сотувчиларгина куллайди.

Буюртмачилар учун кисман тайёргарлик буйича ТМБни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизмат курсатиш учун олинган бунаклар юзасидан узок муддатли карзлар хакидаги ахборотни умумлаштириш куйидаги 7310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бунаклар" счётида амалга оширилади.

7310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бунаклар" счётида махсулотларни ишлаб чикариш, ишларни бажариш, хизматларни курсатиш учун харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунак суммалари акс эттирилади.

Олинган бунак суммалари хамда махсулот ва буюртмаларнинг кисман тайёрлиги буйича олинган туловлар 7310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бунаклар" счётининг кредити буйича ва пул маблагларини хисобга оловчи счёtlарнинг дебети буйича акс эттирилади.

Ишлар ва хизматларнинг тугатилишига ва буюртмачига топширилишига хамда харидорларга махсулотларни ортиб жунатишга караб олдиндан олинган бунак суммалари буйича харидор ва буюртмачиларга булган карз камаяди ва ушбу суммалар 7310-"харидор ва буюртмачилардан олинган бунаклар" счётининг дебетидан ва 6310-"Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бунакларнинг жорий кисми" счётининг кредитида акс эттирилади. шу билан бир вактда олинган узок муддатли бунак суммалари жорий кисмга кучирилади ва кейинчалик уларни сотиш жараёнига 9010, 9030, 9210, 9220 счёtlарнинг

кредитлари ёки 4010 счёtnинг кредитига утказилади ва 6310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бунаклар" счёtinинг дебетида акс эттирилади.

7310-"Харидор ва буюртмачилардан олинган бунаклар" счёти буйича аналитик хисоб хар бир олинган бунакнинг тури ва бунак берувчи шахс буйича олиб борилади.

7310-харидорлардан ва буюртмачилардан олинган бунакларни хисобга оловчи счёtnинг чизмаси

Счёtlарнинг кредитидан Дебет	Счёtlарнинг дебетига Кредит
	C-N
5000, Олдиндан олинган бунакларнинг	Асбоб ускуналар, машиналарни, -5000,
5100, мажбуриятларнинг	ТМЗ етказиб бериш, ишларни 5100,
5200, бажарилмаслиги ёки бошка	бажариш ва хизмат курсатиш учун 5200,
5500, сабабларга кура кайтарилиши	харидор ва буюртмачилардан 5500
5600-	олинган бунаклар
4010 Махсулотларни сотиши,	
(6310, буюртмаларни бажариш ва	
9000, хизмат курсатиш натижасида	
9210, олинган бунакларнинг хисобдан	
9220) чикарилиши	
6800, Олинган бунакнинг банкнинг	
7810, кредити хисобидан ёки карз	
7830, хисобидан кайтарилиши	
7840-	
9390- Олинган бунакнинг даъво муддати утгандан кейин хисобдан	
чикарилиши	

Хар хил турдаги нотижорат муомалаларнинг натижасида турли жисмоний ва юридик шахслар олдида субъектнинг узок муддатли мажбуриятлари, яъни бошка шахсларга булган узок муддатли карзлари пайдо булади. Ушбу карзлар куйидаги муомалаларнинг натижасида пайдо булади:

укув юртлари, илмий муассасалар ва шунга ухшашлар;

транспорт ташкилотлари (темир йул. хаво, сув йуллари)нинг курсатган хизматларини чек билан тулаш;

суд идораларининг ижро варакалари ва карорларига асосан хар хил ташкилотлар фойдасига субъект ходимларининг меҳнат хакидан ушланган суммалар ва бошкалар киради.

Ушбу карзлар юзасидан мажбуриятларни хисобга олиш 7920-"Бошка шахсларга булган узок муддатли карзлар" сётида амалга оширилади.

7920-"Бошка шахсларга булган узок муддатли карзлар" счёtinинг кредитида ТМКни ва тегишли харажатларни хисобга оловчи счёtlарнинг дебети буйича корреспонденцияда вужудга келган узок муддатли карзлар акс эттирилади.

7920-"Бошка шахсларга булган узок муддатли карзлар" счёти буйича аналитик хисоби карзларнинг хар бир тури ва тегишли шахслар буйича айрим олинган холда юритилади.

7920-Бошка шахсларга булган узок муддатли карзларни хисобга оловчи счёtnинг

чизмаси

Счёtlарнинг кредитидан  
Дебет

Счёtlарнинг дебетига  
Кредит

		C-N
5000,	Ушбу карзларнинг туланиши	хар хил ташкилотлардан номоддий -0400,
5100,	(6800 счёти оркали)	активлар, асбоб-ускуналар, ТМЗ 0700,
5200,		сотиб олиш, капитал курилишига 0800,
5500,		хизмат курсатиш хизматларини чек 1000,
5600-		билин тулаш 1100,
		1210,
		2800,
		2900
6810,	Ушбу карзларнинг кредитлар ва	ТМЗ хисобга олганда хисоб -1510
6840-	карзлар хисобидан туланиши	сиёсати билан ушбу счёт кулланилса
		Асосий, ёрдамчи ишлаб чикишга -2010,
		хизматлар курсатиш, умумишлаб 2300,
		чикикиш, умумхужаликка, яроксиз 2510,
		маҳсулотларни тузатишга хизмат 2610,
		курсатиш сарфлари 2710,
		9400
		Нокапитал ишларни бажаришга -1080
		курсатган хизматлар
		Келгуси давр сарфларига тегишли -3100
		булган ишларни бажариш
		Кимматбаҳо көғозларнинг (жорий -5810
		инвестиция) сотиб олиниши
		Коммунал хизмат хакининг -6710
		ходимларнинг маҳнат хакидан
		ушлаб колиниши
		максадли маблаглар хисобидан -8810
		сарфларнинг акс эттирилиши
		захиралар хисобидан амалга -8910
		оширилган сарфларнинг акс
		эттирилиши
		Мулкларни хисобдан чикиш -9210,
		ибан боғлик сарфлар 9220
		Сотиб олинган акцияларнинг -9690
		сакланганлиги учун
		депозитарияларга ёзилган карзлар

9. Банкнинг кредитлари ва бошка карзларнинг хисобини юритиши.

Хозирги даврда ужалик юритувчи субъектлар узларининг фаолияти давомида асосан узок муддатли активларни олиш, куриш ва яратиш учун куп холларда банкнинг узок муддатли кредитларидан фойдаланадилар. Кредитларни олиш йуналишлари ва тегишли хужжатларни банкка топшириш, ушбу кредитларни тулаш, фоизларини хисоблаш киска муддатли банк кредитларини олиш тартибига ухшайди. Ушбу узок муддатли кредитларнинг харакати ва холатини кайд килиш ва назоратини урнатиш заруриятини келтириб чикаради.

Сум ва чет эл валютасида республика худудида ва унинг ташкарисида субъектнинг олган турли урта муддатли ва узок муддатли (12 ойдан ошик) кредитларининг холати ва харакати хакидаги ахборотларни умумлаштириш 7810-"Узок муддатли банк кредитлари" счётида амалга оширилади.

Кредитлаш, кредитларни расмийлаштириш ва уларни тулаш тегишли конун ва кредит шартномалари асосида тартибга солинади.

Урта муддатли ва узок муддатли (12 ойдан ошик муддатга олинган) банк кредитларининг суммалари 7810-"Узок муддатли банк кредитлари" счётининг кредитида ва пул маблагларини исобга оловчи тегишли счёtlарнинг 5110-"Хисоблашиш счёти", 5200-"Валюта счёtlари", 5500-"Банкда маҳсус счёtlари"нинг дебети томонида кайд килинади.

Узок муддатли банк кредитларининг суммаси туланганда ушбу сумма 7810-"Узок муддатли банк кредитлари" счётининг дебетига (6810-"Банкнинг киска муддатли кредитлари" счёти оркали) ва пул маблагларини хисобга оловчи счёtlар, 5110-"Хисоблашиш счёти", 5200-"Валюта счёти", 5500-"Банкнинг маҳсус счёtlари"нинг кредитига ёзилади. Муддатида туланмаган узок муддатли банк кредитлари алохида хисобга олинади.

Узок муддатли банк кредитларининг аналитик хисоби кредитнинг турлари, муддатлари ва кредитни берган банклар буйича алохида юритилади.

### **7810-Узок муддатли банк кредитлари счётининг чизмаси**

Счёtlарнинг кредитидан

Счёtlарнинг дебетига

Дебет

#### ***Кредит***

		C-N	
5110,	Узок муддатли кредитнинг	Кредит хисобига курилишни	-0810
5200-	туланиши (6910-счёт оркали)	амалга ошириш	
9210-	Кредитнинг асосий восита билан	Кредит хисобига асосий	-0820
	копланиши	воситаларни сотиб олиш	
6810-	Киска муддатли кредит	Узок муддатли банк васикасини	-0910
	хисобидан туланиши	олиш	
9540-	Курс фаркларидаги ижобий	Мол етказиб берувчилар ва	-6010
	сумма	пудратчиларга булган карзни	
6820-	Киска муддатли карзларга	тулаш	
	айлантириб туланиши	Узок муддатли банк кредитини пул	-5110,
		маблаги сифатида олиш	5200,
			5500
		Кредит буйича хисобланган	-9610
		фоизнинг кушилиши	
		Кредитлар буйича салбий курс	-9620
		фарклари	

10. Кайтариладиган максадли молиялаштириш ва тушумларнинг хисобини юритиш.

Айрим холларда субъектлар кредитнинг шартларидан келиб чираб, агарда шартлари кониктирмаса бошка юридик ва жисмоний шахслардан узок муддатли карз оладилар. Ушбу карзлар асосан облигация, васикалар, лизинглар куринишига эга булади. Ушбу муомалалрни амалга оширишда асосий хужжат тузилган шартнома ёки унга тенглаштирилган бридик кучга эга булган бошка бир хужжатдир. Натижада ушбу муомалалрнинг натижасида пайдо буладиган мажбуриятларни алохида гурухлаштирилган холда хисобини юритиш лозим.

Республикадаги ва хориждаги карз берувчилар билан (банклардан ташкари) хисоблашишлар, улардан 12 ойдан ортик муддатга олинган кредитлар ва сумда ёки хорижий валютада бошка жалб килинган маблагларнинг холати ва харакати тугрисидаги маълумотларни умумлаштириш куйидаги счёtlарда амалга оширилади:

7810-"Туланадиган лизингларнинг узок муддатли кисми"

7820-"Бошка узок муддатли карзлар"

7830-"Туланадиган облигациялар"

7840-"Туланадиган васикалар"

Карз берувчилардан (банклардан ташкари) келиб тушган маблаглар пул маблаглари ёки хисоблашишларни хисобга оловчи счёtlарнинг дебетида ва узок муддатли карзларнинг хисоби счёtlарнинг (7800) кредитида акс эттирилади.

Туланган карзлар суммаларига узок муддатли карзларни хисобга оловчи счёtlар киска муддатли карзлар счёti оркали (дебет 7800 ва кредит 6820) пул маблагларини хисобга оловчи счёtlар билан корреспонденцияланиб дебетланади. Уз вактида тулманган карзлар алохидла хисобга олинади.

7830-"Туланадиган облигациялар" счётида карз берувчиларга облигациялар бериш хисобига, субъектга жалб килинган 12 ойдан ортик муддатда туланадиган маблаглар хисобга олинади. Хар йиллик ажратмалар суммаси чикарилган облигацияларнинг муддатидан ва курсатилган фаркларнинг микдоридан келиб чиккан холда хисобланади.

7840-"Туланадиган васикалар" счётида карз берувчиларга берилиган 12 ойдан ортик муддатда кайтариладиган васикалар хисобга олинади.

Васикалар буйича муомалалар васика берувчи субъектда 7840-"Туланадиган васикалар" счётининг кредитида (васиканинг номинал кийматида) ва 5110-"Хисоблашиш счёti" ёки 5210-"Валюта счёti" да (хакикий олинган пул маблаглари суммасида) ва бошка активларни хисобга оловчи счёtlарнинг дебетида акс эттирилади.

Васикалар буйича хисоблашиш муомалалри туланганлик хакидаги банк хабарномаси асосида, 7840-"Туланадиган васикалар" счётининг дебети ва тulos счёtlарининг кредитида акс эттириш йули билан ёпилади.

Васика берувчи субъект карз берувчилардан олинган, натижада васика хисоби булган пул маблагларини кайтарганда, васика берувчи ва бошка тulosчилар васикалар юзасидан уз мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаганликлари учун тulosлар буйича ёзув 7840-"Туланадиган васикалар" счётининг дебети буйича пул маблагларни хисобга оловчи счёtlар билан корреспонденцияланган холда амалга оширилади.

Бу холда харидорлар, буюртмачилар ва бошка дебиторлар билан тulos муддати утган васикалар юзасидан хисоблашишлар буйича карзларни мол етказиб берувчилар ва пурдатчиларга туланадиган тulosнинг хисоби счёtlарига мувофик хисобга олиш давом эттирилади.

Карз берувчиларнинг олдидалии карздорлик, яъни субъектга берилиган васикалар 7840-"Туланадиган васикалар" счётидан хисобдан чикарилмасдан, алохиди аналитик счёtlарда хисобга олинади.

Дисконтланган васикаларнинг аналитик зисоби банкларда юритилиб, васика берувчилар ва алохиди васикалар, бошка карздорлик мажбуриятлари ёки васикаларнинг хисоби алохиди олиб борилади.

7910-"Туланадиган молиялаштирилган лизинг" счётида узок муддатли молиявий лизинг шароитида уларга берилиган, узок муддатли активлар учун ижаррага берувчилар билан хисоблашишлар амалга оширилади.

Молиявий лизинг сифатида субъектга фойдаланиш учун олинган узок муддатли активлар учун ижаррага берувчилар олдидалии карздорлик 7910-"Туланадиган лизингнинг узок муддатли кисми" счётининг кредитида хисобга олиниб, 0310-"Лизинг шартномаси буйича олинган асосий воситалар" счётининг дебети билан корреспонденцияланади.

7820-"Бошка узок муддатли карзлар" счётида карзга берувчилар ва карзга оловувчилар уртасидаги шартномалар асосида олинган бошка узок муддатли карзлар хисобга олинади.

Бошка узок муддатли карзларни хисобга олувчи счёт буйича аналитик хисоб хар бир карз ва уларнинг тулов муддати буйича айрим олган холда юритилади.

### **7800 ва 7900-Узок муддатли карзларни хисобга олувчи счётларнинг чизмаси**

7810-"Туланадиган лизингларнинг узок муддатли кисми"

7820-"Бошка узок муддатли карзлар"

7830-"Туланадиган облигациялар"

7840-"Туланадиган васикалар"

Счёtlарнинг кредитидан Дебет	Счёtlарнинг дебетига Кредит	C-N
5000, Олинган узок муддатли 5100, карзларнинг копланиши (6940- 5200- счёт оркали)	Карз берувчилардан асосий воситалар, НМА ва ТМЗ олиниши	-0100, 0400, 0700, 0800, 1000, 1100, 2800 2900
6910- Молиялаштириладиган лизинг туловининг жорий кисми	Ижарага берувчиларга молиялаштириладиган лизинг буйича карзнинг акс эттирилиши	-0310
9540- Олинган карзлар буйича сум курсининг ижобий фарки	Карз берувчилардан васиканинг олиниши Карз берувчилардан пул маблагларининг олиниши	-4020 -5000, 5110, 5200
	Берилган облигациялар хисобига узок муддатли карзларнинг олиниши Берилган васикалар юзасидан узок муддатли карзларнинг олиниши Карз ва лизинг фоизининг кайд килиниши Олинган карзлар буйича сум курсининг салбий фарки	-5110, 5200 -5110, 5200 -9610 -9620

#### **Назорат саволлари:**

1. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга булган карзлари кандай хисобга олинади?
2. Мустакил балансга ажратилган булинмаларга булган карзларни кандай хисобга олинади?
3. Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг кандай хисобини юритади?
4. Олинган бунакларни кандай хисобга олинади?
5. Сугурта ва бюджетдан ташкари жамгармаларга булган карзларни хисобга олишкандай булади?
6. Таъсисчиларга булган карзларнинг хисобга кандай олинади?
7. Банкнинг кредитлари ва бошка карзларнинг хисобини юритиш кандай акс эттирилади?

8. Хар – хил кредитор карзлар ва хисобланган бошка мажбуриятларни кандай хисобга олинади?
9. Узок муддатли карзларни хисобини юритиш нималар асосида булади?

**Атамалар:**

1. Акциядор.
2. Актив.
3. Ижара.
4. Ижара хаки.
5. Ижарага берувчи.
6. Ижарага олувчи.
7. Баланс.
8. Валюта курси.
9. Васика.
10. Рагбатлантириш.
11. Дебитор.
12. Кредитор
13. Пул.
14. Шартнома.
15. Буюртма.
16. Гаров.
17. Импорт.
18. Кредит.
19. Улгуржи баҳо.
20. Тулов талабномаси.
21. Фойда.
22. Экспорт.
23. Юридик шахс.
24. Стандарт.
25. Бухгалтерия.
26. Мажбурият.
27. Шартнома.
28. Карз.

## **4-МАВЗУ. МЕХНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТҮЛАШ ХИСОБИ**

**режа**

1. Умумий қоидалар
2. Мехнатга ҳақ түлашни ташкил этиш ва унинг шакллари
3. Ишламаган вақтига ҳақ ва вақтингчалик иш қобилиятини йўқотганлиги бўйича нафақа ҳисоблашни ҳужжатлашириш
4. Мехнат ҳақини түлаш тартиби

### **1. Умумий қоидалар**

Моддий бойликларни ишлаб чиқариш жараени меҳнат қуроли ва меҳнат буюмларидан ташқари, бевосита меҳнат жараенини ҳам ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш жараенида ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиб кишининг истеъмолини қондирадиган маҳсулот вужудга келтирилади.

Бозор мунасабатларига ўтиш ходимларга яна акция ва облигациялар бўйича дивиденд ва фойзлар тарзида бошка манбалардан даромад олиш имкониятини берди.

Ҳар бир ходимнинг меҳнат даромадлари, корхона фаолиятининг пировард натижасини ҳисобга олган ҳолда, унинг қўшган ҳиссаси билан аниқланади, солиқ билан тартибга солинади ва максимал миқдори чекланмайди. Лекин ходимларнинг минимал иш ҳақи миқдори бор ва у қонунчилик билан белгиланади.

### **Корхона ходимларининг таснифи ва ҳисоби**

Меҳнатни туғри ташкил қилиш, тайерланган маҳсулот ва иш ҳакини ҳисобга олиш учун, шунингдек ҳисобот тузиш ва меҳнат ҳақи фонди устидан назорат қилиш учун корхона ходимлари таснифланади. Улар даставвал иккига бўлинади: ишчилар ва хизматчилар. Хизматчилар қўйидаги категорияларга бўлинади: раҳбарлар, мутахассислар ва бошқалар. Меҳнат бўйича тузиладиган ҳисобот ходимларни саноат ишлаб чиқариш ходимларига ва корхона балансида турган ишлаб чиқаришсиз ташкилотлар ходимларига ажиратишни талаб қиласи.

Ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, таътилга чиқариш ва ишдан бўшатиш корхона раҳбарининг буйруғи (фармойиши) билан расмийлаштирилади. Ходимларнинг ҳар бирiga шахсий иш очилиб, унда меҳнат битими, меҳнат дафтарчаси, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варака, маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг кўчирмаси, ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқнинг кўчирмаси сакланади.

### **Иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби**

Корхоналарда иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби Т-12 ва Т-13 шаклидаги табелларда юритилади. Кичик корхоналарда табелни корхона бўйича юритса ҳам бўлади. Агар корхона катта булиб бир неча ишлаб чиқариш бўлинмаларидан ташкил топган бўлса, табел структуравий бўлинмалар ва ходимларнинг категориялари бўйича очилади. Табел фақат ишчиларнинг иш вақтидан фойдаланилишини ҳисобга олиш учун эмас, балки ходимлар томонидан белгиланган иш тартибига итоат қилинишини, улар билан иш ҳақи бўйича ҳисоблашиш ва ишлаган вақти тўғрисида ахборотни олиш учун ҳам зарур. Табел бир нусхада тузилиб табелчи еки мастер, еки бунга ваколат қилинган шахс томонидан юритилади. Ойнинг биринчи ярмига иш ҳақи (аванс) бериш ва ой бўйича иш ҳақи ҳисоблаш учун табеллар бухгалтерияга ойига икки марта топширилади. Ходимларнинг ишга келиши ва иш вақтидан фойдаланиш табел бўйича асосан икки усулда назорат

қилинади: еппасига руйхатга олиш, яъни барча ишга келганлар, келмаганлар ва кечикканларни белгилаш еки фақат келмаган ва кечикиб келганларни белгилаш еки фақат келмаган ва кечикиб келганларни белгилаш. Табелнинг титул бетида ҳар бир ходимнинг ишлаган ва ишламаган вақтининг шартли белгиси кўрсатилган бўлиб, у табелга ҳарф билан еки раҳам билан қўйилади.

Т-12 шаклдаги табелларда иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби ва иш ҳақи ҳисоблаш кўрсатилади, Т-13 шаклида эса фақат иш вақтидан фойдаланиш ҳисоби акс эттирилади. Бунда иш ҳақи ҳисоблаш шахсий ҳисобда (ф. Т-54), ҳисоблаш ведомостида (ф. Т-51) еки ҳисоблаш-тўлаш ведомостида (ф. Т-49) келтирилади.

## **2. Мехнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш ва унинг шакллари**

Мехнатга ҳақ тўлашда ишнинг сифатини, ишлаб чиқариш нормаларини бажарилишини ҳисобга олиш ва иш ҳақи ҳисоблашнинг маълум тартибини белгилаш зарур. Демак, корхонада меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш бири-бирига боғлиқ бўлган учта элементлар билан аниқланади: тариф тизими, меҳнатни нормалаштириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари. Сифат жиҳатидан меҳнат тариф тизими билан баҳоланади, сарфланган меҳнат миқдори нормалаштириш билан ҳисобга олинади, иш ҳақи ҳисоблаш тартиби эса меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари билан аниқланади.

Ҳар бир корхона молиявий имкониятлари ва бошқа ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қараб ўзининг тариф коэффицентларини ишлаб чиқади.

Мехнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг асосий элементи бўлиб, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга еки маълум ташкилий-техник шароитларида берилган иш ҳажмини бажаришга сарфланадиган меҳнат ўлчамини белгиловчи, меҳнатни нормалаштириш ҳисобланади.

Мехнатни нормалаш, меҳнатни илмий асосда ташкил қилишнинг асосий таркибий қисми сифатида, ишлаб чиқариш нормасини ва вақт нормасини ўз ичига олади.

### **Тайерланган маҳсулот учун ҳисобланган иш ҳақини ҳужжатлаштириш ва ҳисобга олиш**

Саноат корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай ва ишбай шакллари кўлланилади. Вақтбай шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш шакли барча категория ходимлари учун қўлланилади. Саноат корхоналарида ишчилар меҳнатнинг анчагина қисмiga ҳақ вақтбай шаклида тўланади. Бунда асосий ҳужжат бўлиб иш вақтини ҳисобга олиш табели ҳисобланади. Ишчига иш ҳақи ҳисоблаш учун унинг ҳақиқий ишлаган вақтининг миқдори ва тариф ставкасини билиш етарли. Тариф ставкасини ишлаган иш соатига кўпайтириб вақтбай-ишчининг иш ҳақи суммасини топиш мумкин.

Масалан, IV-разрядли вақтбай-ишчи март ойида (табел бўйича) 160 соат ишлаган бўлса ва шу разряд бўйича соатлик тариф ставкаси 53 сум 70 тийинни ташкил этса, унинг ойлик иш ҳақиси 8590 сумни ташкил этади (53,70 сум x 160).

Мехнатга вақтбай шаклида ҳақ тулаш ҳар бир ходим томонидан бажарилган ишнинг ҳажмини ўлчаш иложи бўлмаган ҳолларда қўлланилади. Агар бажарилган ишнинг ҳажмини натура ўлчовида ўлчаш ва ҳар бир ишловчи (бригада, жамоа) га вақт бирлигига бажарадиган режа, нормалаштирилган топшириқ бериш имконияти бўлса, тайерланган маҳсулот учун ҳақ тўлаш ҳисобини ишбай шаклида ташкил қилиш мумкин.

### **Иш шароитларини нормал ҳолатдан оғишиш муносабати билан қўшимча ҳақ ҳисоблашни ҳужжатлаштриш**

Қўшимча ҳақ тўлашнинг умумий тартиби 1996 йил 1 апрелдан бошлаб қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодекси билан белгиланади.

Рағбатлантирувчи (қўшимча ҳақ, юқори малакаси, касбий усталиги, озчилиқда бажарилгани учун қўшимча ҳақ, мукофат ва ш. ў.) тўловлар корхоналар томонидан мустақил белгиланиб, мавжуд маблағлари доирасида амалга оширилади. Уларнинг ўлчами ва тўлаш шартлари коллектив шартномалари билан белгиланади. Наряд - топшириклари, маршурут варақалари ва бошқа хужжатларга биноан иш жойлари тўлиқ хомашелар, материаллар, ярим тайер маҳсулотлар, харакатдаги асбоб - ускуналар, маҳсус инструмент ва мосламалар билан таъминлангани ишнинг нормал шароитлари деб ҳисобланади.

**Бекор туришларни хужжатлаштириш ва уларга ҳақ тўлаш.** Ишчилар корхонада бўлса, лекин ишлаб чиқариш жараенига жалб қилинмаса ишдаги мажбурий бекор туриш дейилади. Бекор туриш учун тўланган ҳақ маҳсулот таннархини оширади, фойданни камайтиради, корхонага зарап келтиради.

Бекор туришларнинг айбдорлари ишчилар еки завод, цех маъмурияти, мол энергия билан таъминловчилар ва хоказолар бўлиши мумкин. Ишчилар айби билан бекор туришларга ҳақ тўланмайди. Агар бекор туришларга ишчилар айбдор бўлмаса, уларнинг ўртача иш ҳақлари сақланади. Ишлаб чиқаришни янги турларини ўзлаштириш давридаги ишчиларнинг айбисиз бекор туришлар бўйича тегишли разряддаги вақтбай тариф ставкаси тўлиғича тўланади.

**Яроқсиз маҳсулотни хужжатлаштириш ва унга ҳақ тўлаш.** Стандартлар талабларига еки техник шароитларига жабов бермайдиган, бевосита тайинланиши бўйича фойдаланиб бўлмайдиган буюмлар, деталлар, узеллар ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар дейилади. Шунинг учун яроқсиз маҳсулот қисман (тузатса бўладиган) ва тўлиқ (тузатиб бўлмайдиган) бўлади.

Ишчининг айбисиз содир бўлган фойдаланиб бўлмайдиган яроқсиз маҳсулотлар учун норма бўйича шу ишга сарфланадиган вақт учун тегишли разрядда ишлаетган вақтбай ишчининг тариф ставкасини учдан икки қисми тўланади. Ишчининг айби билан содир бўлган яроқсиз маҳсулот учун ҳақ маҳсулотнинг яроқлилик фоизига қараб қамроқ тўланади. Яроқлилик фоизи ва тўланадиган ҳақнинг аниқ ўлчами маъмурият томонидан белгиланади.

**Тунда ишлагани бўйича қўшимча ҳақ.** Тунда ишлаган деб, соат 22 дан эрталаб 6 гача ишланган вақтта айтилади. Бу вақт иш вақтини ҳисобга олиш табелида ой бўйича жамлаб кўрсатилади.

Тунда ишлаган вақти корхонада белгиланган дастлабки хужжатлар билан расмийлаштирилиб корхонанинг жамоа шартномаси (мехнатга ҳақ тўлаш низоми) бўйича белгиланган, лекин қонунчиликда назарда тутилгандан кам бўлмаган микдорда ошириб тўланади.

**Хизмат вақтидан ташқари ишлаган вақти бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш.** Хизмат вақтидан ташқари бажарилган ишлар тегишли хужжатлар (наряд ва б.) билан расмийлаштирилиб, биринчи икки соати учун бир ярим ҳиссадан кам бўлмаган ўлчамда, охирги соатларига - икки ҳиссадан кам бўлмаган ўлчамда ҳақ тўланади. Бундай ишлар иш вақтидан фойдаланишини ҳисобга олиш табели ва бухгалтериянинг ҳисоблаш - маълумотномаси билан расмийлаштирилади.

Хизмат вақтидан ташқари ишлаб бажарган ишлар учун қўшимча ҳақ иш вақтини ҳисобга олиш табелига асосан ҳисобланади.

**Байрам кунларидаги ишларга ҳақ тўлаш.** Ишлаб чиқариш - техник шароитлари бўйича корхона ишини тўхтатиш иложи бўлмаган ҳолларда (узликсиз харакатдаги корхоналар еки аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлар) байрам кунлари ишлашга рухсат берилади. Байрам кунлари ишлагани учун ҳақ қуидагича ҳисобланади:

- ишбай ишчиларга - ишбай баҳонинг камида икки ҳиссаси тўланади;
- соат еки кун ставкалари билан ишлайдиган ходимларга - соат еки кун ставкаларининг камида икки ҳиссаси тўланади;

- ойлик оклад билан ишловчи ходимларга - агар иш ойлик вақт нормасидан ортиқ вақт ичидә бажарилған бўлса, оклади устига соатлик еки кунлик ставкасининг камидә икки ҳиссаси кўшиб тўланади, ва агар иш ойлик вақт нормаси доирасида бажарилған бўлса, оклади устига бир ҳисса кўшиб берилади.

**Кўп сменали иш режими** - узлуксиз ишлаб чиқаришлар ҳам кўшилган ҳолда сутка ичидә икки ва уч сменали иш ташкил қиласидан корхоналарга мансуб. Кечки ва тунги сменада бажарилған ишлар учун енгилликлар ҳажми ҳар хил. Иш вақтининг ярмидан кўпи тунги вақтга - кеч соат 10 дан эрталаб соат 6 гача тўғри келса, тунги смена дейилади. Тунги сменадан олдинги смена, унинг бошланиш ва тугаш вақтидан қатъий назар, кечки дейилади.

### **3. Ишламаган вақтига ҳақ ва вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганлиги бўйича нафақа ҳисоблашни хужжатлаштириш**

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодексига биноан ишламаган вақти учун ҳам ишчи ва хизматчиларга ҳақ тўланади. Бундай тўловларни ҳисоблаш ўртacha иш ҳақига асосланади. Ўртacha иш ҳақини ҳисоблаш ва қўллаш тегишли норматив хужжатлар билан белгиланади.

**Йиллик меҳнат таътил ҳақини ҳисоблаш.** Барча ходимларга, шу жумладан ўриндошлик асосида ишлаетган ходимларга, дам олиш ва иш қобилиятини тиклаш учун иш жойи (лавозими) ва ўртacha иш ҳақи сақланган ҳолда йиллик меҳнат таътиллари берилади.

Ўртacha иш ҳақи Вазирлар Махкамасининг 1997 - йил 11 - мартдаги 133 - сонли қарорининг 6 - иловасига биноан ҳисобланади.

**Мисол.** Корхона раҳбарининг буйруғига биноан А. Ахмедов 1999 - йилнинг 1 - февралидан 24 иш кунига (15 кун асосий, 9 кун кўшимча) навбатдаги таътилга чиқарилди. Меҳнат таътилига чиқишга қадар Ахмедовнинг 12 ойлик иш ҳақиси қўйидагича булган:

ҳисоблаш кунига белгиланган тариф бўйича иш ҳақи - 10940 сўм.

Таътил ҳақи тўлаш учун ҳисоблаб чиқиладиган ўртacha ойлик иш ҳақи куйидагича топилади:

**Вақтинчалик иш қобилиятини йўқотиши бўйича нафақа ҳисоблаш.** Ходимларнинг вақтинчалик иш қобилиятини йўқотганлиги учун ҳисоблаб тўланадиган ҳақнинг қоплаш манбай бўлиб таннарх еки давр харажатлари эмас, балки ижтимоий суғурта органларининг маблағлари ҳисобланади.

**Мисол.** Ишбай - ишловчи 4 - азрядли Собиров С. Н. Феврал ойида 3 иш куни касал булган. Бу иш вақтини ҳисобга олиш табелида кўрсатилган ва тибий муассасанинг меҳнатга қобилиятсизлик тўғрисидаги варақаси билан тасдиқланган. С. Н. Собировнинг иш стажи 7 йил, қарамоғида 16 ешга етмаган иккита фарзандлари бор. Унинг январ ойидаги ҳақиқий иш ҳақиси тариф бўйича 6847 сўмни ташкил қилган ва йиллик олган мукофатларининг ўн иккidan бир қисми - 153 сўм. Январ ойининг жами иш ҳақиси - 7000 сўм. ўртacha кунлик иш ҳақиси 304 сўм. 35 тийинга тенг (7000:23). Бунда 4 - разрядли ишбай - ишчининг кунлик тариф ставкасини икки баробари билан таққослаб кўрамиз - 507 сўм. 20 тийин (31 сўм 70 тийин x 8 соат = 253 сўм 60 тийин x 2). С. Н. Собировнинг умумий стажини инобатга олсан, унга кунлик иш ҳақининг 80F, яъни 243 сўм 48 тийин (304 сўм 35 тийиндан 80F) нафақа ҳисобланади. Демек, касаллик даврининг бир куни учун 243 сўм 48 тийин нафақа ҳисоблаш керак. Жами касал бўлган даврига 730 сўм 44 тийин (243 с. 48 т. x 3) нафақа ҳисобланади.

### **Иш ҳақидан ушланмалар ва чегирмалар**

Иш ҳақи ҳисоблангандан сўнг бухгалтерияда ундан маълум ушланмалар ва чегирмалар қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Кодексига биноан умумий қойдага кўра, ходимнинг езма розилиги билан, бундай розилик бўлмаган тақдирда эса, - суднинг қарорига асосан меҳнат ҳакидан ушлаб уолиниши мумкин.

Кўйидаги ҳолларда ходимнинг розилигидан қатъий назар, меҳнат хақидан ушлаб қолинади:

а) Ўзбекистон Республикасида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;

б) суднинг қарорлари ва бошқа ижро хужжатларини ижро этиш учун;

в) иш ҳақи ҳисобига берилган авансни ушлаб қолиш учун, хўжалик эҳтиежларига, хизмат сафарларига еки бошқа жойдаги ишга ўтганлиги муносабати билан берилган бўлиб, сарф килинмай қолган ва ўз вақтида қайтарилмаган авансни ушлаб қолиш учун ҳамда ҳисоб - китобдаги хатолар натижасида ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун.

**Ижро варақалари бўйича ушланмалар.** Ижро варақалари алимент суммаларини ушлаш ва ўтказиб бериш учун асос бўлиб ҳисобланади. Олинган ижро варақаларини бухгалтерия маҳсус журнал еки карточкада рўйхатга олади. Ходимларнинг аризасига мувофиқ алиментлар куйидаги ҳолларда ушланади: агар ушланмаларнинг умумий суммаси 50% дан ошса, шунингдек агар суд қарори билан бошқа онадан бўлган болалар фойдасига, меҳнатга лаекатсиз ота - оналар фойдасига, хотини (хотинлари) фойдасига.

**Кредитга сотилган товарлар бўйича ушланмалар.** Кредитга сотилган товарлар бўйича ариза - мажбуриятларининг ҳамма суммасини корхона банк ссудаси ҳисобидан савдо ташкилотларига ўтказиб берганда кредитга сотилган товарлар бўйича ушланма мумомалалари содир бўлади.

Шундай қилиб, қисман ушланмаларни ўнлаб савдо ташкилотлариға ўтказиб бериш учун банкка түлов - топшириқлари езиш вақти қисқаради.

## **Ишчи хизматчилар билан ҳисоблашиш ва уларга ҳақ тўлашни расмийлаштириш тартиби**

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат Кодексига биноан ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи бир ойда камида бир марта берилади. Айрим ҳолларда ходимларнинг алоҳида категориялари учун Ўзбекистон Ҳукумати томанидан иш ҳақи тўлаш бўйича бошка муддатлар белгиланиши мумкин.

Ойнинг биринчи ярмига иш ҳақи ҳисоблашнинг авансли ва аванссиз тартиби қўланилади. Биринчи ҳолда ҳодимга аванс берилиб ойнинг иккинчи ярмига иш ҳақи тўлашда пировард ҳисоб қилинади. Жамоа шартномасини тузишда аванс миқдори иш берувчи билан келишиб олинади. Аванснинг минимал миқдори табелга биноан ишчининг ишлаган вақти бўйича тариф ставкасидан кам бўлмаслиги керак.

**Иш ҳақини йиғиш, меҳнат ҳақи фондининг таркиби ва ундан фойдаланишини назорат қилиш**

Молиялаш манбаидан қатъий назар корхонанинг меҳнат ҳақи харажатлари таркибига меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қилинган барча харажатлар, жумладан қонун бўйича ходимларнинг ишламаган вақти учун ҳисобланган ўртача иш ҳақи рағбатлантирувчи тўловлар, компенсация тўловлари киради.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал - ордер шакли таркибида ҳисобот, ҳақиқий ҳисобланган меҳнат ҳақи фондини ҳисоблаб чиқиш ва режали фондан фойдаланиш устидан назорат қилиш учун маҳсус регистрлар назарда тутилган.

Хақиқатан ҳам жадвалнинг бу қисми 6710 счетнинг маълуматларини таҳлил қилиш, 8, 10/1 журнал - ордерларига, 7 - ведмостга солиқ ушланмалари бўйича маълумотнома тузиш ва ой охирига қолган колдиганин Бош дафтар билан таққослаш

имкониятини беради. Чунончи, 8 - журнал - ордерга езиш учун ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан ушланган соликлар суммаси тўғрисидаги маълумотнома 6410 счетининг кредит маълумотларига асосан тузилади: 10/1 журнал - ордерига езилади 6710 счетнинг кредити 6520 счетнинг дебети бўйича (вақтингчалик иш қобилиятини йўқотганлиги учун ҳисобланган нафақа бўйича); 7 - ведомостга -4610 счетнинг кредити бўйича (кредитга сотилган товарлар бўйича ушлаб қолинган суммага), 6890 счетнинг кредити бўйича (ижро варақалари бўйича ва х. к.) езилади.

Чек бўйича нақд пул олиш суммасини ҳисоблаш:

а) иш ҳақига	- 60600 сўм.
б) вақтингчалик иш қобилиятини йўқотгани	
бўйича нафақа	- 3000 сўм.
в) мукофатлар	- 6000 сўм.
Жами олинди - 69600 (ой охиридаги қарзга қаранг)	

#### **4. Мехнат ҳақини тўлаш тартиби**

Ведомостда кўрсатилган суммани \_\_\_\_ дан \_\_\_\_ гача (банқдан пул олинган кун ҳам қушилган ҳола уч кун ичида) тўлаш тұғрисида кассага берилган буйруқ иш ҳақи бериш учун асос бўлиб ҳисобланади. Бу буйруқни корхона раҳбари ва бош бухгалтер имзолайди.

Иш ҳақини кассирдан ташқари иш ҳақи тарқатувчилар ҳам бериши мумкин. Бу вактда кассир тўлов ведомостлари ва берилган нақд пул суммасини рўйхатга олиш дафтарини юритади. Иш куни тугагандан сўнг иш ҳақи тарқатувчилар тарқатилмаган иш ҳақи суммаси билан тўлов ведомостларини кассирга топширишлари керак. Кейинги (иккинчи ва учинчи кунлари) иш ҳақи фақат кассир томонидан берилади. Уч кун ўтгандан кейин кассир тўлов ведомостларини қаторма- қатор текшириб чиқиб «Олганлиги тұғрисида имзо» деган графада имзоси бўлмаган фамилиянинг тұғрисига «депонентланди» деган сўз штампасини қуяди еки бу сўз қулда езилади. Одатда тўлов ведомости иккита сўммани кўрсатиб епилади - нақд пул билан берилди ва депонентланди. Депонентланган суммаларга кассир берилмаган иш ҳақи реестрини тузиб тўлов ведомости билан бирга текшириш ва тўланган иш ҳақи сўммасига касса-чиқим ордерини езиш учун бухгалтерияга топширади. Касса - чиқим ордери касса дафтарига езиш учун кассирга топширилади.

Ўз вақтида талаб қилиб олинмаган иш ҳақи сўммасини «депонентланган сумма» деб кассир корхонанинг банқдаги ҳисоб-китоб счетига топширади.

Ишчи ва хизматчилар томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган иш ҳақи суммаси корхонада уч йил ичида сақланиб 6720 «Депонентланган меҳнат ҳақи « счетида ҳисобга олинади. Депонентланган сўммани талаб қилиб олинишига қараб уч йил ичида корхона банқдаги ҳисоб-китоб счетидан пул олиб тўлаб боради. Ўч йил ўтгандан сўнг депонентланган сумманинг қолдиги харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг 2.5 бандига биноан корхонанинг даромадига куйидаги бухгалтерия езуви билан ўтказилади.

Д-т 6720 «Депонентланган меҳнат ҳақи» счети К-т 9360 «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар « счети

#### **Мехнат ва иш ҳақи ҳамда меҳнатка ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларнинг синтетик ҳисоби**

**ходимлар билан**

Ходимларга тегишли иш ҳақи, мукофат, нафақалар ҳисоблашни амалга ошириш билан бир вақтда бу суммалар корхона бухгалтериясида тегишли регистрларда ҳисобга олиб борилади.

Харжатлар таркиби туғрисидаги Низомга биноан ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнат ҳақ тўлаш харажатлари ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига ўтказилади.

Барча бу меҳнат харажатлари бевосита қўйидаги счетларнинг дебети буйича акс эттирилиб: 2010 «Асосий ишлаб чиқариш», 2310 «Ердамчи ишлаб чиқариш», 2510 «Умум ишлаб чиқариш харажатлари», 2610 «Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар», 31-»Келгуси давр харажатлари», 6710 «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» счети кредитланади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш ва унинг шакллари қандай
2. Ишламаган вақтига ҳақ ва вақтинчалик иш қобилиягини йўқотганлиги бўйича нафака ҳисоблашни ҳужжатлаштириш қандай амалга оширилади
3. Меҳнат ҳақини тўлаш тартиби қандай
4. Меҳнат ҳақини ҳисоблаш қайси счетларда ҳисобга олинади

## **5-МАВЗУ. МОДДИЙ ЗАХИРАЛАРНИНГ ХИСОБИ**

режа

1. Материалларни ҳисобга олишнинг вазифалари
2. Моддий захириларни ҳужжатлаштириш
3. Материалларнинг келиб тушиши ва ишлатилишини ҳисобга олиш
4. Инвентар ва хўжалик заруриатлари ҳисоби
5. Материалларни инвентаризациялаш

### **1. Материалларни ҳисобга олишнинг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш**

Ишлаб чикаришнинг моддий шароитларидан бирин меҳнат буюмлари ҳисобланади. Амалла улар **материаллар** деб аталади. Асосий воситалардан фарқ қилиб, материаллар бир ишлаб чикариш жараёнида ўзининг қийматини тўла равишда маҳсулот таннархига ўтказади. Хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар корхона оборот маблағларини ташкил қиласди. Оборот маблағларининг корхона учун умумий миқдори юқори ташкилотлар, яъни тегишли вазирлик томонидан белгиланади. Материалларнинг ҳар бир тури бўйича норматив миқдори корхона томонидан мустакил равишда белгиланади. Ҳар бир ишлаб чикариш корхонасида маҳсулот ишлаб чикариш жараёнининг тўхтовсиз давом этиб туришида белгиланган норматив риоя қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Хўжалик юритишининг янгни тизими шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, хўжасизликка қарши кўраш, маҳсулот таннархига моддий харажатларнинг улушкини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Жумладан, моддий ва меҳнат ресурсларини тўғри, тежамли сарфлаш халқ хўжалигини янада ривожлантиришда, аҳолининг моддий фаровонлигини оширишда муҳим омилдир.

Айтилганлар асосида материаллар ҳисобининг вазифаларига куйидагилар киради:

1. Материаллар ҳаракати билан боғлиқ ўзгаришларни ўз вақтида тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш.
2. Материалларни жойлашда уларнинг тўғри сақланиши устидан назорат олиб бориш.
3. Моддий-техника таъминоти режасининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш.
4. Материалларнинг ишлаб чикаришига тўғри берилиши ва уларни сарфлаш меъёрига риоя қилиш устидан назорат олиб бориш.
5. Маҳсулот таннархини ҳисоблашда сарфланган материалларни калькуляция обьектлари ўртасида тўғри тақсимлаш.
6. Ички ресурсларни ишга солиш мақсадида ортиқча ва фойдаланилмаётган материалларни аниқлаш ва сотиши.

Ушбу вазифаларни бажаришда корхонанинг таъминот тизимини ва омбор хўжалигини ташкил қилишни яхшилаш муҳим рол уйнайди. Шу жумладан, тарозилар ва ўлчов асбоблари билан таъминлаш зарур. Материаллар ҳисобини тўғри олиб боришнинг муҳим шартларидан бирин уларни туркумлаштир.

Материаллар янги меҳнит маҳсулотини яратишдаги ролига қараб иккига бўлинади:

1. Хом ашё ва асосий материаллар.
2. Ёрдамчи материаллар.

Ишлаб чикарилаётган маҳсулотнинг асосини асосий материаллар ташкил қиласди. Масалан, машинасозликда- металл, мебел ишлаб чикаришда – ёғоч, газлама ишлаб чикаришда – пахта ва бошқалар.

Қазиб чикарувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **хом ашё** деб аталади. Масалан, нефт, руда, пахта, қанд лавлаги ва бошқ. Бошқа корхоналарда олинадиган

машина ва агрегатларнинг турли деталлари ва бошқалар **яrim тайёр маҳсулотлар** деб аталади.

Хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар асосий материалларга ўхшаб маҳсулот асосини ташкил қиласди. Ёрдамчи материалларга ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил қилмайдиган, маҳсулотга маълум сифат бериш (буёқ, лак) ёки корхона ходимларининг меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида (меҳнат жараёни учун бинони озода тутишда, эстетик дид беришда, шинам қилишда) ишлатиладиган ҳар хил материаллар киради.

Ёқилғи ва эктиёт қисмлар ишлаб чиқаришда ёрдамчи материаллар вазифасини бажаради, лекин ёқилғининг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва эктиёт қисмлар бўйича норматив ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари уларни ёрдамчи материаллардан алоҳида гурухларга ажратишни тақозо киласди.

Санааб ўтилган материал гурухларининг жами корхонанинг ишлаб чиқариш запасларини ташкил қиласди.

Хўжалик юритувчи субъектларда материалларни ҳисобга олиш учун, «Материаллар» синтетик счётидан фойдаланилади. Бу счёт, ўз навбатида, бир неча субсчётларга бўлинади:

1010-«Хом ашё ва материаллар».

1020-«Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутлаш буюмлари».

1030-«Ёқилғи».

1040-«Эҳтиёт қисмлар ва бошқалар».

1050-«Қурилиш материаллари».

1060-«Идиш ва идиш материаллари».

1070-«Четга қайта ишлашга берилган материаллар».

1080-«Инвентар ва хўжалик мосламалари».

1090-«Бошқа материаллар».

Хом ашё ва материаллар субсчёти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил қилувчи хом ашё ва материалларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар субсчётида асосан машинасозлик заводларида ушбу корхона буюртмаси билан мол етказиб берувчилар томонидан тайёрлаб жўнатиладиган детал, узел ва бошқа ярим тайёр маҳсулотлар ҳисобга олинади.

Ишлаб чиқариш чиқиндилари, асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинадиган материаллар улардан фойдаланиш имкониятига қараб «Материаллар» счётининг тегишли субсчётида ҳисобга олинади. Ёқилғи субсчётида ёқилғининг ҳамма турлари ҳисобга олинади. Эҳтиёт қисмлар субсчётида машина-дастгоҳ, ускуна ва транспорт воситаларни таъмирлашда ишлатиладиган айрим эҳтиёт қисмлар ҳисобга олинади.

Ҳисобга материалларни тўғри баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш запаслари синтетик ҳисобда ва бухгалтерия балансида ҳақиқий қиймати бўйича баҳоланади. Сотиб олинган ишлаб чиқариш захиралари таннархи қуидаги элементлардан ташкил топади:

1. Мол етказиб берувчининг счётига кўра унга тўланиши керак бўлган сумма.

2. Чет ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган транспорт харажатлари.

3. Товар биржалари кўрсатган хизматлар қиймати.

4. Тегишли солиқлар ва тарифлар.

5. Захираларни сотиб олиш., қабул қилиш ва омборга жойлаштириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Материалнинг ҳар турини тайёрлаш ҳақиқий таннархини ҳисоблаш кўп меҳнат ва вақт талаб қиласди. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳолларда моддий бойликлар жорий ҳисобда – ўртача сотиб олиниш баҳоси, режа таннархи бўйича ва бошқа баҳоларда баҳоланади. Материалларнинг ҳақиқий таннархи билан ўртача сотиб олиниш баҳоси ёки режа таннархи ўртасидаги фарқ уларнинг гурухлари бўйича алоҳида аналитик счёtlарда ҳисобга олинади. Синтетик ҳисобда «Материаллар қийматидаги фарқлар» 1610-счётида

хисоб қилинади. Амалиётда компьютерларнинг кенг қўлланилиши материал захиралари ҳар бир туриинг ҳақиқий таннархини ҳисоблаш имкониятини яратади.

Материал синтетик счётида ишлаб чиқариш захираларининг синтетик ҳисоби жорий баҳода, яъни сотиб олиниш (тайёрлаш) режа таннархини ёки ўртача сотиб олиниш баҳоси бўйича ҳисобга олинади. Бундай ҳолларда ўртадаги фарқ «Материаллар қийматидаги фарқлар» счётида акс эттирилади.

Ишлаб чиқаришга ёзиладиган ишлаб чиқариш захираларининг ҳақиқий таннархини аниқлаш уларни баҳолашнинг қуидаги усувларини қўллаш билан амалга оширилади (БХМС-4 стандартига муфофик):

1. Ўртача таннарх бўйича.
2. Ўртача чамланган баҳолар бўйича, биринчи тушум – биринчи харажат (ФИФО).
3. Ўртача чамланган қиймат формуласи (AVEKO).

Материалларни баҳолашнинг биринчи усулида ҳисобот ойи давомида сарфланган материаллар ишлаб чиқариш харажатлари счётларига одатдагидек, жорий баҳо бўйича ёзилади, ҳисобот ойи охирида ҳақиқий таннарх билан жорий баҳо ўртасидаги фарқнинг тегишли улуши ёзилади. Сарфланган материалларни баҳолаш қуидаги формуладан фойдаланиладиган ҳолда ҳисоб-китоб йули билан аниқланади:

$$C = O_6 + K - O_k,$$

Бунда,  $O_6$  – ишлаб чиқаришга сарфланган материаллар қиймати;  $O_k$  – материалларни ой бошига ва ой охирига қолдиқ қиймати;  $K$  – қабул қилинган материаллар қиймати;  $K$  – қабул қилинган материаллар қиймати.

ФИФО усули ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш усувлари сифатида ишлаб чиқарилган. ФИФО усулида биринчи тушум-биринчи харажат шуни билдиради, ишлаб чиқаришга қайси материаллар партияси берилишидан қатъи назар, ишлаб чиқаришга биринчи сотиб олинган материаллар партияси баҳоси бўйича баҳоланади, сўнгра иккинчи партия баҳоси бўйича ва х.к.

Ўртача чамланган қиймат (AVECO) усули бўйича ҳар бир бирлик қиймати ҳисобот даври бошига ўхшаш бирликлар ўртача чамланган қиймати ва ҳисобот даври давомида сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган ўхшаш бирликлар қиймати асосида аниқланади. Ўртача, хўжалик субъектида мавжуд бўлган шароитга қараб, даврий асосда ёки ҳар бир қўшимча олинган партия бўйича ҳисобланishi мумкин.

Мисол. Материалларнинг аналитик ҳисоби материал партиялари бўйича юритилади.

### **ФИФО усули бўйича материалларни баҳолаш**

Кўрсаткичлар	Сони	Бир донасининг баҳоси, сўмда	Суммаси
1 майга материаллар қолдиғи	30	100	3000
Материаллар келиб тушди:	30	100	3000
1-партия	20	120	2400
2-партия	40	150	6000
3-партия			
Ойлик жами	90	x	11400
Ой давомида материаллар	40	100	4000
Сарфи:	20	120	2400
ФИФО усули бўйича:	30	150	4500
1-партия			
2-партия			
3-партия			
Ойлик жами	90	x	10900
1 июнга материаллар қолдиғи: ФИФО усули бўйича:	30		3500

ФИФО усули қўлланилганда ой бошига материаллар қолдиги қиймати 3000 сўмни, ой охирига эса 3500 сўмни, сарфланган материаллар қиймати эса 10900 сўмни (3000+11400-3500) ташкил қилди.

Товар-моддий бойликларни баҳолаш усулини танлашдаги асосий муоммо уларни балансда ҳамда фойда ва заарлар ҳақидаги ҳисоботда кандай акс эттирилишидадир.

Баланс тузишда ФИФО усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки ишлаб чиқариш захиралари қиймати ҳисббот даври охирида жорий баҳога яқинроқ бўлади ва корхона активини аниқ акс эттиради.

## **2. Моддий захираларни хужжатлаштириш**

Саноат корхоналарини материалларнинг мухим турлари билан таъминлаш халқ хўжалиги моддий-техника таъминотининг давлат режаси асосида амалга оширилади.

Саноат вазирликлари ажратилган материалларни ўзига қарашли корхоналар ўртасида уларнинг ишлаб чиқариш режалари ва материалларни сарфлаш нормативига қараб тақсимлайдилар.

Ажратилган материал фондлари асосида сотиб оловчи корхоналар мол етказиб берувчилар билан шартнома тузадилар.

Мол етказиб берувчиларнинг шартнома шартларига риоя қилишлари устидан назорат олиб бориш ишлаб чиқаришни тўхтовсиз, ўз вақтида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлашнинг мухим шартларидан биридир. Мол етказиб берувчилар шартнома шартларини бузган тақдирда жарима тўлашлари шарт. Бу эса, ўз навбатида, ҳисоб ходимлари зиммасига шартнома шартларининг муддати ҳамда материал ассортименти ва унинг сифати устидан назорат олиб боришни, бу ҳақдаги маълумотлар билан корхонанинг тегишли бўлимларини хабардор қилиб бориш вазифасини юклайди.

Мол етказиб берувчилардан олинган счёт ва бошқа ҳисоб китоб хужжатлари, аввало, корхона бухгалтериясига топширилади, улар текширилади, сўнг рўйхат қилинади. Шундан сўнг бу хужжатлар корхонанинг таъминот бўлимига берилади. Ҳар бир счёт бўйича унинг тўланиши ёки тўланмаслиги аниқланади. Агар мол етказиб берувчилар шартнома шартларини бажарган бўлсалар, счётни тўлашга розилик берилади. Тўланиши лозим бўлган счёт ва бошқа ҳисоб-китоб хужжатлари материални қабул қилиш учун омборга берилади. Материаллар корхонага келтирилгунга қадар барча хужжатлар маҳсус папкада сақланади. Ўз вақтида юборилмаган материаллар туғрисида омбор мудири корхонанинг таъминот бўлимига тегишли чора қўрилиши учун хабар қиласи.

Темир йул станциялари ёки кемалар тўхтайдиган жойларда материал корхона экспедитори томонидан таъминот бўлимининг наряди ва бухгалтерия томонидан берилган ишончнома асосида қабул қилинади. Қабул қилиш вақтида материал текширилиб кўрилади. Текширув вақтида юз берган камомад акт хужжати билан расмийлаштирилади.

Омборга қабул қилиш вақтида келтирилган материалларнинг сони, сифати счётда кўрсатилганига туғри келиш ёки келмаслиги текшириб кўрилади. Қабул қилинган материаллар қабул қилиш акти ёки М-4 сонли типик шаклдаги «кирим ордери» хужжати билан расмийлаштирилади. Агар корхонадаги ҳисоб ишлари кўлда бажарилса, кирим ордери ҳар бир қабул қилинган материал турига қараб алоҳида ёзилади. Ҳисоб ишлари механизация воситалари ёрдамида бажариладиган корхоналарда кўп қаторли кирим ордерларида фойдаланилади.

Корхона омборига шу корхонада ишлаб чиқарилган материалларни ҳам қабул қилиш мүмкин. Бундай хўжалик операцияларни накладной ҳужжати билан расмийлаштирилади. Кирим ордери ҳамда накладнойлар икки нусхада ёзилади.

Омборлардан цехларга сарфлаш учун бериладиган материаллар лимит-зabor карталари, талабнома ҳужжатлари ёзиш билан расмийлаштирилади. Агар цех ҳисобот даври ойи давомида ишлаб чиқариш зарурияти учун бир ёки турли хил материалларни бир неча марта оладиган бўлса, у ҳолда лимит-зabor карталари қўлланилади. Лимит картаси корхонанинг ишлаб чиқариш режа бўлими томонидан ёзилади. Унда шу цехга берилиши лозим бўлган маълум тур материалининг ойлик лимити кўрсатилади. Лимит цехнинг ишлаб чиқариш режаси ва шу цехда материалларни сарфлаш меъёри асосида аниқланади. Лимит картаси икки нусхада ёзилади ва бир нусхаси омборга, иккинчи нусхаси цехга берилади. Бу карталар корхонанинг таъминот бўлимида рўйхат қилинади ва нусхаси бухгалтерияга берилади. Бухгалтерия ходимлари рўйхат нусхаси асосида лимит карталарининг ўз вақтида бухгалтерияга топширилиши устидан назорат олиб борадилар.

Материал омбордан берилганда моддий жавобгар шахс берилган материал сонини лимит картасининг икки нусхасида кўрсатади ва фойдаланилмаган лимит қолдиғини аниқлайди. Агар ишлаб чиқариш режасининг ошириб бажарилиши ёки материални лимитдан ортиқча сарфлаш натижасида ҳисобот ойи тугамасдан туриб лимитда кўрсатилган материал сарфлар бўлинса, у ҳолда материаллар омбордан ишлаб чиқаришга тегишли шахсларнинг рухсати билан берилади. Лимитдан ортиқча сарфланган материал кўп ҳолларда талабнома ҳужжатини ёзиш билан расмийлаштирилади.

Материалларни сарфлаш бўйича лимитнинг шу тариқа белгиланиши меъёридан ортиқча сарфлаш хақида корхона раҳбарларига ўз вақтида хабар қилиш имкониятини беради. Лимит карталарининг қўлланилиши ҳужжатлар сонини камайтиради ҳамда уларни кайта ишлашни енгиллаштиради.

### **3. Материалларнинг келиб тушиши ва ишлатилишини ҳисобга олиш**

Омборларда материалларнинг микдор кўрсаткичларидағи ҳисоби юритилади. Бунинг учун материалнинг ҳар бир турига ёки номенклатура рақамига M-17 сонли шаклдаги варақалар очилади. Улар материал ҳаракати билан боғлиқ кирим ва чиқим операциялари бўйича расмийлаштирилган бошланғиши ҳужжатлар асосида тўлидирилади ва ҳар бир кирим ҳамда чиқим операциялари ёзилганидан кейин материал қолдиғи аниқланади. Материалларнинг омбордаги ҳақиқий қолдиғи билан солиштиради ва ўртадаги фарқдан таъминот бўлими ходимлари хабардор қилинади.

Кирим ва чиқим операциялари бўйича кундалик расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлар белгиланган муддатда корхона бухгалтериясига топширилади.

Материалларнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия ёки бошқа усууллар ёрдамида ҳисобга олинади. Ушбу усуулнинг, яъни оператив-бухгалтерия усуulinинг моҳияти шундан иборатки, бунда материалларнинг омбордаги ҳисоби сон шаклида, бухгалтерияда эса пул шаклида юритилади. Бухгалтерияда юритиладиган ҳисоб материалларнинг ҳаракати бўйича омборда расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатлардаги маълумотларга асосланади. Омборларда расмийлаштирилаётган бошланғич ҳужжатларнинг тўғри ёки нотўғрилигини бухгалтерия ходимлари белгиланган муддатларда текшириб боради ва ёзувлар тўғрилиги омбор варақаларининг «назорат» бўлимида имзо билан тасдиқланади. Ҳисобот ойининг охирида омбордаги ҳисоб бухгалтерияда юритиладиган синтетик ҳисоб маълумотлари билан тақосланади. Бунинг учун эса ҳар бир омбор бўйича қолдиқ ведомости юритилади. Ведомостда омбор варақалари асосида материал қолдиғи ёзилади ва у пул кўрсаткичига айлантирилади. Қолдиқ ведомостига материал қолидигининг умумий суммаси бухгалтерияда материаллар ҳаракати бўйича юритилган 10-ведемост маълумотлари билан солиштирилади.

Сонларнинг туғри келиши ҳисобот ойи давомида омборда ва бухгалтерияда юритилган ҳисобнинг туғрилигидан далолат беради.

Оператив бухгалтерия усулининг афзалликлари қуидагилардан иборат:

1. Бухгалтерияда материалларнинг номи ва навлари бўйича ҳсиobi олиб борилмайди, бу нарса ҳисоб ишларини бирмунча камайтиради.

2. Кирим ва чиқим ҳисоби бўйича ишлар ҳисобот ойи охирига тўпланиб қолмайди.

3. Омборларда юритиладиган ҳисобнинг мунтазам текшириб турилиши у ерда тўғри ҳисоб олиб борилишини таъминлайди.

4. Бухгалтерия материалларининг аналитик ҳисобини юритиш ихчамлашади.

Материаллар харакати бўйича жойларда расмийлаштирилган бошланғич хужжатлар бухгалтерияга белгиланган муддатда реестр асосида топширилади. Улар бухгалтерияда текширилади ва қайта ишлаш учун машина-ҳисоблаш станциялари ёки машина-ҳисоблаш бюроларига берилади. Бошланғич хужжатларни кейинги қайта ишлаш жараёни, бир томондан эса ишлаб чиқариш ҳисоби ходимлари томонидан амалга оширилади. Шунинг учун бошланғич хужжатлар, лимит-зabor карталари, талабномалар, накладнойларнинг иккинчи нусхаси текширилиб, таксировка қилингандан сўнг бухгалтериянинг материал бўлумидан ишлаб чиқариш бўлимига берилади.

Бошланғич хужжатларда маълумотлар тўплов ведомостларига кўчирилади. Ушбу ведомост маълумотлари ҳисобот ойи охирида ҳар бир омбор бўйича оборот ведомости тузишда асос бўлиб ҳисобланади.

Мол етказиб берувчилар счёtlари ва омбор кирим ордерлари асосида омборга қабул қилинган ишлаб чиқариш захиралари қийматига қуидагича бухгалтерия проводкаси расмийлаштирилади:

Д-т 1010-«Хом ашё ва материаллар» счёti.

К-т 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар».

Корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсатига кўра, материалларнинг қабул қилиниши бухгалтерияда 1510-«Материаллар қийматига фарқ» счёtlаридан фойдаланилган ҳолда ёки фойдаланилмасдан акс эттирилиши мумкин.

Бу счёtlарда фойдаланилганда, мол етказиб берувчилардан олинган ҳисоб-китоб хужжатлари асосида келиб тушган материаллар қийматига қуидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Ҳисобот ойи охирига 1510-счёт бўйича қолдиқ ой охирига корхонага келиб тушмаган материал суммасини кўрсатади.

Қабул қилиш вақтида материаллар етишмаса, у ҳолда кам чиқсан материалнинг сотиб олиниш баҳосига қуидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Д-т. 4010-«Даъволар юзасидан олинадиган счёtlар».

К-т. 1010-«Хом ашё ва материаллар».

Юборилган материалнинг ҳақиқий қабул қилиниш вақтида счёт ва бошқа мол етказиб берувчи корхоналар хужжатларида кўрсатилганидан ортиқ бўлса, у ҳолда кўп чиқсан материал қийматига тегишли материал счёtlари дебетланиб, «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган тўлов» счёti кредитланади.

Балансда корхона сотиб олган материаллар захирасини ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб ишларини тўғри йулга кўйиш мақсадида ҳисобот ойининг охирида қиймати тўланган, лекин омборга келиб тушмаган материаллар қийматига қуидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Д-т 1010-«Хом ашё ва материаллар».

К-т 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар».

Кейинги ҳисобот ойининг биринчи кунидан ушбу бухгалтерия проводкаси қизил проводка тузиш йули билан йуқотилади. Материаллар корхона омборига қабул қилинганда, уларнинг қиймати счёtlарда тегишли проводка тузиш билан акс эттирилади.

Сотиб олинган материаллар бўйича мол етказиб берувчилар счётининг тўланишига куйидагича бухгалтерия проводкаси расмийлаштирилади:

Д-т. 6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар».

К-т. 5110-«Хисоблашиш счёti».

Хисоб-китобнинг журнал-ордер шаклида қабул килинган материаллар ва мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоб б-журнал-ордерда юритилади. Унда синтетик ва аналитик ҳисоб бир-бири билан боғланган холда олиб борилади. Журнал-ордерга ҳисобот ойи давомида тегишли материал счёtlарининг дебети, «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёtlар» счётининг кредити бўйича ёзувлар омбор кирим ордерлари ва мол етказиб берувчилар счёtlари асосида ёзиб борилади. Банқдан олинган корхона ҳисоб-китоб счётидан кўчирма асосида у ёки бу мол етказиб берувчи корхона счётининг тўланганлиги ҳақида журнал-ордерга белги куйиб борилади.

Сотиб олинган ишлаб чиқариш захиралари бўйича мол етказиб берувчилардан бўлган қарзниңг умумий суммаси ҳисобот ойининг биринчи кунидаги қарз суммасига ҳисобот ойида сотиб олинган материаллар учун қарз суммасини кўшиш ва тўланган счёtlарининг суммасини олиб ташлаш йули билан топилади. Ушбу қарз баланс тузишда куйидаги уч кўrsatкичга бўлинади:

1. Тўлаш муддати етмаган қарз.
2. Тўлаш муддати ўтиб кетган қарз.
3. Хужжатлари олинмаган материаллар бўйича қарз.

Корхонанинг ўзида тайёрланган ва омборга қабул килинган материалларнинг ҳақиқий таннархига куйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Д-т. 1010-«Хом ашё ва материаллар».

К-т. 2310-«Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счёti.

Омбордан ишлаб чиқаришга сарфлаш учун берилган материаллар кийматига эса куйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Д-т. «Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби» (2010,2310 ва бошк.).

К-т. «Материалларни ҳисобга олувчи счёtlар» счёti (1010, 1020, 1030 ва бошк.).

Улар счёtlарда куйидагича акс эттирилади:

Таблица

Материалларнинг ишлаб чиқариш харажатлари счёtlарга улгуржи баҳоси, шартнома ёки режа таннархи бўйича ёзилганидан кейин ушбу счёtlарга яна тегишли транспорт-тайёрлов харажатлари ёки материалларнинг ҳақиқий таннархи билан режа таннархи ўртасидаги фарқ суммасини ҳам ёзиш лозим. Транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ишлаб чиқаришда сарфланган материаллар билан омбордаги сарфланмай қолган материаллар ўртасидаги уларнинг улгуржи баҳосига мутоносиб равишда тақсимланади. Бунинг учун транспорт-тайёрлов харажатларининг хамма материаллар улгуржи қийматига нисбатан ўртача фоизи аниқланади. Сарфланган материаллар қийматини топилган ўртача фоизга кўпайтириш йули билан сарфланган материалларга туғри келадиган транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси топилади.

Корхона бўлимлари ва цехларида хўжалик мақсадлари учун сарфланган материалларга туғри келадиган транспорт-тайёрлов харажатларининг суммаси тўғридан-тўғри асосий ишлаб чиқариш счёtiга ёзилади.

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материалларнинг улгуржи баҳоси шартнома ёки режа таннархи бўйича 10-журнал-ордерга, бошқа мақсадлар учун сарфланган материаллар эса 10/1 журнал-ордерга ёзилади. Шундай қилиб, материаллар кирими бўйича синтетик ҳисоб б-, сарфланган материалларнинг синтетик ҳисоби эса 10 ва 10/1 журнал-ордерларда олиб борилади. Бухгалтерияда синтетик ҳисобдан ташқари цехлар, омборлар, материаллар гурухлари бўйича аналитик ҳисоб юритилади.

Оператив бухгалтерия (сальвой) усули қўлланилмайдиган корхоналар бухгалтерияларида материаллар пул ва сон қўрсаткичларида ҳисобга олинади. Материаллар ҳисоби оператив бухгалтерия усули бўйича юритиладиган корхоналар бухгалтериясида эса пул ўлчовидаги синтетик счёtlар материал гурухлари ва омборлар бўйича юритилади. Бунда омборда юритиладиган материалларнинг аналитик ҳисоби бухгалтерияда такрорланмайди.

Бухгалтерияда материалларнинг синтетик ҳисоби 10-ведомости юритилади. Унда қабул қилинган, сарфланган материаллар суммаси ҳамда ҳисбот ойининг 1-кунига ва охирги қолдик суммаси омборлардаги материал гурухлари бўйича кўрсатилади. Ушбу ҳисоб регистридаги ҳисбот ойининг охирига материалларнинг қолдик суммаси омборлардаги материал қолдиги маълумотлари билан солиштирилади. Маълумотларнинг бир-бирига тўғри келиши омбор ва бухгалтерияда юритилган ҳисобнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Ишлаб чиқаришга материалларнинг сарфланиши устидан назорат олиб бориш – бу бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланган материалларнинг ҳақиқий сонини уларнинг меъёрда кўрсатилган сони билан таққослашдир. Бу ўринда улар ўртасидаги фарқ ортиқча харажат ёки тежам бўлиши мумкин. Материалларнинг сарфланиши устидан турли усуллар ёрдамида назорат олиб борилади: ҳужжатлаштириш, инвентар, партия бўйича бичиш ва бошқалар.

Биринчи усул ёрдамида материалнинг бир турини иккинчи тур билан алмаштирилганда вужудга келадиган фарқ ҳисобга олиниб, талабнома билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатда материалнинг меъёр бўйича сарфлаш сони ва алмаштирилган материалнинг сарфланиши хусусида маълумотлар кўрсатилиб, уларни таққослаш натижасида фарқ аникланади. Материаллар сарфланиши назорат қилишдаги **ҳужжатлаштириш усулининг** моҳияти шундан иборатки, бунда материалнинг сарфланиш меъёрига қараганда ортиқча харажат ёки иқтисод қилинишига йул қўйиш материаллар ишлаб чиқаришда сарфланишидан аввал аникланади.

Назорат қилишнинг партия-бичиш сарфлаш натижаси материалнинг ҳар бир партияси бўйича аникланади. Бунинг учун бичиш вараги юритилади. Унда ишлаб чиқариш топширигини бажариш учун берилган материалнинг ҳақикатдан сарфланганлиги кўрсатилади. Ҳар бир бичиш варагаси бўйича материал сарфлаш натижаси аникланди.

**Инвентар усули** бўйича материал сарфлаш натижаси ойи охирида чақирилмай, балки қолган материални инвентаризация килиш йули билан аникланади.

Сарфланган материалнинг ҳақиқий сони цехларда ишлатилмай қолган материалларнинг ҳисбот ойи бошидаги қолдигига сарфлаш учун олинган материалнинг сонини қўшиб, инвентаризация натижасида аникланган ишлатилмай қолган материаллар сонини айриши йули билан аникланади. Сўнгра сарфланган материалнинг ҳақиқий сони меъёрдаги сон билан солиштирилади ва ўртадаги фарқ топилади. Материалнинг меъёрдаги сарфи ишлаб чиқарилган маҳсулот сонини битта маҳсулотни ишлаб чиқариш учун белгиланган материал меъёрига купайтириш йули билан аникланади.

Материал бойликлардан тўғри фойдаланиш мақсадида ҳар бир корхона зарур бўлмаган материалларнинг бор ёки йуклигини текшириб кўриши лозим. Сўнгра бу ҳақда юқори ташкилотларга (вазирлик ёки бошқармаларга) маълум қилинади. Ўз навбатида юқори ташкилот зарур бўлмаган материалларни қармоғидаги мавжуд корхоналар ўртасида қайта тақсимлайди. Юқори ташкилотлар томонидан қайта тақсимланмаган материалларни корхона бошқа ташкилотларга сотиши мумкин. Бундай операцияларга куйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади:

1. Материалнинг четга сотилиши:

Д-т. 9220-«Бошқа активларнинг реализация қилиниши ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счёти.

К-т. 1010-«Хом ашё ва материаллар» счёти.

2. Ҳисоб-китоб счётига маблағ келиб тушди:  
Д-т. 5110-«Ҳисоб-китоб счёти».  
К-т. 9220-«Бошқа активларнинг реализация қилиниши ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар» счёти.

#### **4. Инвентар ва хўжалик заруриатлари ҳисоби**

**Арzon баҳоли буюмлар (инвентар ва хўжалик анжомлари)** деб бир донасининг қиймати буюм сотиб олинган муддатда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоригача кийматда бўлган, хизмат қилиш муддатидан қатъи назар, буюмларга айтилади.

Тез эскирувчи буюмларга эса бир йилдан кам хизмат қиласидан, қийматидан қатъи назар, буюмлар киради.

Айтилганлардан ташқари, бу буюмлар таркибига, қиймати ва хизмат қилиш муддатидан қатъи назар, қуйидаги инвентар ва хўжалик мосламалари киритилади:

1. Maxsus ускуна ва мосламалар.
2. Maxsus ва санитар кийимлар, maxsus пойабзаллар.
3. Ётоқхона жиҳозлари.
4. Канцелярия жиҳозлари.
5. Ошхона инвентарлари ва кийим-кечаклари.
6. Вактинчалик мосламалар ва қурилмалар.
7. Хизмат қилиш муддати бир йилдан кам бўлган смена ускуналари.
8. Ов қилиш қуроллари.

У ёки бу буюмни арzon баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар гурухига ўтказиш тартиби 4-сонли Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартига мувофиқ белгиланади.

Арzon баҳоли ва тез эскирувчи буюмларнинг синтетик ҳисоби «Материаллар» счётининг «Инвентар ва хўжалик мосламалари» номли субсчётида юритилади. Буюмларнинг аналитик ҳисоби уларни сақлаш ва фойдаланиш жойлари бўйича олиб борилади.

Бу буюмларни саноат корхоналари омборларида хисобга олиш тартиби кўпроқ материалларни ҳисобга олишга ўхшаб кетади.

Арzon баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар омбордан фойдаланишга берилганда уларнинг қиймати тўлалигича ишлаб чиқариш харажатлари счёtlарига ёзилади. Бунга қуйидагича бухгалтерия проводкаси расмийлаштирилади:

Д-т – Ишлаб чиқариш харажатлари счёtlари (2010,2310).

К-т – Омбордаги инвентар ва хўжалик мосламалари (1080).

Цехларда фойдаланиш учун бериладиган ускуналар асбоб-ускуналар сақланадиган омборда хисобга олинади. Бу ерда ускунанинг ҳар бир тури учун алоҳида варақа очилади. Унга ускуналар ҳаракати билан боғлиқ ҳамма операциялар ёзиб борилади. Варақада ҳар бир ёзувдан сўнг омборда колган ускуналарнинг қолдиги аниқланади. Омборлада ишчиларга фойдаланиш учун берилган асбоб-ускуналарнинг оператив ҳисоби ҳам ташкил қилинади. Бу ҳисобнинг олиб борилиш тартиби ускуналар ишчиларга фойдаланиш учун қанча муддатга берилишига боғлиқ бўлади.

Омбордан ускуна ишчига бир смена ёки доимий фойдаланиш учун берилади.

Биринчи ҳолатда омбордан берилган ускуналар маркалари бўйича, иккинчи ҳолатда эса маҳсус китобчалар ёки шахсий варақаларда хисобга олинади. Улар қисқа муддатга фойдаланиш учун берилганда ишчиларга бир неча инструментал маркалар берилади. Ишчи керакли ускунани олади ва ўрнига табел раками ёзилган маркани омборда қолдиради. Смена тугаганидан кейин у буюмни топшириб, маркасини қайтариб олади. Фойдаланишдаги ускуналар ҳисобга олиб борилишининг бу турида омборчи у ёки бу ускунанинг кайси ишчида эканлигини аниқ айти олиши мумкин, аммо қайси ишчининг

қўлида қандай ускуналар фойдаланишда эканлигини айта олмайди. Шунинг учун кўпинча бир сменага фойдаланишга берилган ускуналар бўйича инструментал маркалардан ташқари, уларнинг номенклатура рақами ёзилган маркалар ҳам юритилади. Ушбу маркалар ёрдамида фойдаланишда қанча ва қандай ускуналар борлигини аниқлаш мумкин.

Ускуналар доимий фойдаланиш учун берилганда ҳар бир ишчи учун инструментал китобчалар ёки шахсий варақалар очилади. Бундай варақаларга ишчига фойдаланиш учун берилган ва фойдаланиб бўлингандан кейин қайтариб олинган ускуналарнинг сони ёзиб борилади.

Корхона инвентар, ускуна ва хўжалик мосламаларини ҳисобга олиш учун мустакил счёт очиши мумкин. Бунда мазкур буюмнинг ушбу корхона молия-хўжалик фаолиятидаги роли ва вазифалари ҳисобга олинади. Инвентар ва хўжалик мосламалари омбордан фойдаланишга берилганда унинг қиймати тўлиғича ишлаб чиқариш харажатлари счёtlарига ёзилади. Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик мосламаларининг сақланишлигини таъминлаш мақсадида уларнинг кейинги ҳисоби, яъни фойдаланишда бўлган давридаги ҳисоби 014- «Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик мосламалари» номли балансдан ташқари счёtdа юритилади. Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик мосламалари ҳисоби цех омборлари ва индивидуал фойдаланувчилар бўйича юритилади.

Фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган инвентар ва хўжалик мосламалари балансдан ташқари 014-счёtdан чиқарилади. Бундай бухгалтерия ёзувини амалга оширишда буюмнинг фойдаланишга яроқсизлиги ҳақидаги акт хужжати асос бўлиб хизмат қиласди.

## 5. Материалларни инвентаризациялаш

Товар-моддий захиралар инвентаризацияси одатда бир йилда бир марта, йиллик ҳисобот тузишдан аввал ўтказилади. Ундан ташқари, инвентаризация ўтказиш қуйидаги ҳолларда мажбурий деб ҳисобланади: 1) моддий жавобгар шахс ўзгарганда, 2) ўғирлик ва ноқонуний ўзлаштиришлар содир бўлганда ва бошқа ҳолларда.

Товар-моддий бойликларни инвентаризация қилиш тартиби, қонун-қоидалари Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартининг 19-сонида тўлиқ баён этилган. Унга кўра, товар-моддий бойликлар инвентаризацияси хўжалик субъекти раҳбари томонидан тайинланган инвентаризация комиссияси томонидан ўтказилади. Инвентаризация товар-моддий захиралар сақланадиган жойларда ўтказилади. Инвентаризация комиссияси аъзолари моддий жавобгар шахс иштирокида товар-моддий бойликларнинг ҳақиқатда борлигини уларни ҳисоблаш, тортиш, ўлчаш йули билан аниқлайдилар ва инвентаризация рўйхатига киритадилар. Товар-моддий бойликларни ҳақиқатда қанча борлигини текшириб кўрмасдан моддий жавобгар шахс сўзи билан рўйхатга ёзиш катъяян ман этилади.

Инвентаризация ўтказилаётган вақтда келиб тушган товар-моддий бойликлар моддий жавобгар шахс томонидан инвентаризация комиссияси аъзолари иштирокида қабул қилинади ва улар алоҳида рўйхатга киритилади. Бу рўйхат «Инвентаризация вақтида қабул қилинган товар-моддий бойликлар» деб номланади. Рўйхатда қачон, кимдан товар-моддий бойлик олингани, кирим хужжатининг санаси ва рақами ҳамда захиранинг номи, сони, баҳоси ва суммаси кўрсатилади.

Фойдаланишдаги арzon баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар бўйича алоҳида инвентаризация ўтказилади, инвентаризация улар фойдаланилаётган жойлари ва моддий жавобгар шахслар бўйича ўтказилади, бунда ҳар бир буюм алоҳида текширилади. Инвентаризация рўйхатига арzon баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар бухгалтерия ҳисобида қабул қилинган номенклатурага мувофиқ номлари бўйича киритилади.

Инвентаризация натижалари таққослаш ведомости тузиш билан расмийлаштирилади. Таққослаш ведомости ҳақиқий маълумотлар билан ҳисоб маълумотлари ўртасида фарқ,

яъни камомад ёки ортиқча чиқиши ҳоллари юз берган товар-моддий бойликлар бўйича тузилади.

Инвентаризация вақтида аниқланган камомад ёки ортиқча чиқишилар куйидагича тартибга солинади:

Ортиқча чиқкан бойликлар хўжалик юритувчи субъект молия натижаларига мувофиқ қабул килинади, кейинчалик унинг айбдори ва сабаблари аниқланади.

Белгиланган меъёр чегарасида аниқланган камомад хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш харажатларига қўшилади, бюджет ташкилотларида эса молиялашнинг камайишига ёзилади.

Белгиланган меъёр чегарасида ортиқча камомад айбдор шахс зиммасига юклатилди ва ундан ундириб олинади.

Белгиланган меъёр чегарасида ортиқча камомад, агар унинг айбдори аниқланмаса, у ҳолда хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш харажатларига ёзилади.

Инвентаризация натижалари синтетик счёtlарда куйидагича акс этирилади:

Таблица.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Материаларни ҳисобга олишнинг вазифалари қандай.
2. Моддий захирilarни хужжатлаштириш қандай юритилади.
3. Материалларнинг келиб тушиши ва ишлатилиши қайси счетларда кўрсатилади.
4. Инвентар ва хўжалик заруриатлари ҳисоби қайси счетларда кўрсатилади
5. Материалларни инвентаризациялаш қайси счетларда кўрсатилади

### **Таянч сўзлар ва иборалар**

Бухгалтерия счетлари

Дебет, кредит, сальдо

Бухгалтер

Хужжатлаштириш

Инвентаризация

Калькуляция

Баланс

Ҳисоб регистрлари

Бухгалтерия ҳисоби шакллари

Счетлар режаси

Счетлар

Синтетик (жамлама) счетлар

Аналитик (таҳлилий) счетлар

Субсчет

Аналитик ҳисоб

## **6-МАВЗУ. МОЛИЯВИЙ ҚҮЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ**

**режа**

1. Бозор иқтисодиети шароитида молиявий қўйилмаларнинг роли ва бу соҳада хисобнинг вазифалари.
2. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар таркиби. Қимматли қоғозлар: акция, облигация, заем ва бошқалар

### **1. Бозор иқтисодиети шароитида молиявий қўйилмаларнинг роли ва бу соҳада хисобнинг вазифалари.**

Бозор иқтисодиёти шароитида эркин пул маблағларига эга корхоналар маълум вақт давомида қўшимча иқтисодий наф олиш мақсадида уларни бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш учун сарфлайдилар. Бундай қўйилмалар молиявий инвестициялар деб аталади.

Молиявий инвестициялар – хўжалик юритувчи субъект тасарруфидаги даромад олишга (фоиз, роялти ва дивиденд шаклида) мўлжалланган, инвестиция қилинган капитал қийматининг ортиши ёки инвестиция қилувчи компания бошқа наф олиш учун фойдаланадиган активлар.

Молиявий инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 23 декабрьда 65-сон билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 596-сон билан рўйхатга олинган 12-сонли «Молиявий инвестицияларни ҳисобга олиш» БХМС билан тартибга солинади.

**Молиявий қўйилмалар қўйиш муддатига кўра жорий (қисқа муддатли) ва узоқ муддатлиларга ажратилади.**

Олинган пайтдан кейин корхона томонидан бир йил давомида сотиш (пул маблағларига айлантириш)га мўлжалланган қимматли қоғозлар қисқа муддатли ёки юқори даражада ликвидлик қобилиятга эга қимматли қоғозлар деб, Ушбу қоғозларни сотиб олишга сарфланган қўйилмалар эса – қисқа муддатли қўйилмалар деб аталади.

**Узоқ муддатли** молиявий қўйилмалар – бу бир неча йил муддати давомида фойдаланиш учун сотиб олинган қимматли қоғозларга қўйилмалардир.

Мулкчилик хукуқига эгалик қилиш бўйича молиявий қўйилмалар карздорликка оид ва улушни ифодалайдиган қимматли қоғозларга таснифланади.

Карздорликка оиди қимматли қоғозлар корхона-эмитент (қимматли қоғозларни чиқарувчи) инвесторга (қимматли қоғозларни сотиб оловчи корхона) нисбатан бўлган қарздорлик шаклини ифодалайди. Шундай қилиб белгиланадиган тўлов муддати келгандан кейин эмитент инвесторга маълум суммани қайтариш ва мунтазам равища қимматли қоғозлар номинал қийматидан белгилangan ставка бўйича фоиз тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Карздорликка оид қимматли қоғозлар эмитент мулкига эгалик қилиш хукуқини тавсифловчи гувохнома бўлиб ҳисобланмайди.

Улушни ифодалайдиган қимматли қоғоз инвестор томонидан эмитент мулкидаги улуши (капитали) га эгалик қилиш хукуқини тасдиқлайди.

Корхонада мавжуд бўлган барча инвестицияларнинг тўплами инвестицион портфель деб аталади.

**Молиявий инвестицияларни номинал, жорий ва бозор қийматини ажратадилар.**

**Номинал қиймати** - қимматли қоғоз бланкасида қайд этилган сумма. Номинал қиймати бўйича барча акцияларнинг жамланган қиймати устав капитали миқдорини ифодалайди.

**Жорий қиймати** – хабардор мустақил томонлар – қимматли қоғознинг харидори ва сотувчиси ўртасида қимматли қоғозларнинг сотилиши ёки алмаштирилиши.

**Бозор қиймати** – бозорда қимматли қоғоз нархи белгиланишининг натижаси билан аниқланадиган нарх. У маълум бир вақт мобайнида талаб ва таклиф орасидаги мувозанатни акс эттиради.

## **2. Узок муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш**

Молиявий инвестициялар – бу фоизлар, дивидендлар, роялти ёки ижара ҳақи, инвестициялашган капитал қийматининг ошиши кўринишида даромад олиш ёки инвестицияланган томондан бошқа тушумларни олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъект ихтиёридаги активлардир.

Муддати 12-ойдан ортиқ бўлган инвестициялар – бу узок муддатли инвестициялардир.

Активларни инвестицияларга киритиш тартиби ва уларнинг турлари 12-сон «Молиявий инвестициялар ҳисоби», 8-сон «Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботлар ва авлод хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби», 14-сон «Молиявий ҳисоботда қўшма фаолиятда » қатнашиш улушкини акс эттириш» номли Бухгалтерия ҳисоби Милий Стандартлари билан тартибга солинади.

Узок муддатли инвестициялар билан боғлиқ операциялар қуйидаги счёtlарда ҳисоб қилинади:

0610-«Қимматбаҳо қоғозлар».

0620-«Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар».

0630-«Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар».

0640-«Хорижий сармоя қатнашган корхоналарга инвестициялар».

0690-«Бошқа узок муддатли инвестициялар».

Узок муддатли инвестициялар билан боғлиқ операцияларни счёtlарда акс эттирилиши қуйидагича тартибда амалга оширилади:

### **Узок муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати узайтирилган харажатларни ҳисобга олиш**

Узок муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати узайтирилган харажатлар билан операцияларни ҳисобга олиш учун Бухгалтерия ҳисоби Счёtlар Режасида 0900-счёт-«Узок муддатли дебиторлик қарзи ва муддати узайтирилган харажатлар»кўзда тутилган. Бу счётга очилган қўшимча счёtlар кўйидагича номланади:

0910-«Олинган векселлар » - узок муддатли қисми.

0920-«Узок муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар».

0930-«Ходимларнинг узок муддатли қарзлари».

0940-«Бошқа узок муддатли дебиторлик қарзлари».

0950-«Вактинчалик фарқ бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи».

0960-«Дисконтлар (чегирмалар) бўйича муддати узайтирилган узок муддатли харажатлар».

0990-«Бошқа муддати узайтирилган узок муддатли харажатлар».

Узок муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати узайтирилган харажатлар билан боғлиқ опреацияларни счёtlарда акс эттирилиш тартибини қуйидаги схемада кўриш мумкин:

## **7-МАВЗУ. АСОСИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ҲИСОБИ.**

### **режа**

1. Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш
2. Асосий воситалар ҳаракатини хужжатларда расмийлаштириш тартиби
3. Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларни ҳисобга олиш
4. Асосий воситалар эскириши ва ёйилишининг амортизациясини ҳисобга олиш
  
- 5 . Асосий воситаларнинг таъмирланишини ҳисобга олиш
6. Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олиш
7. Асосий воситалар инвентаризацияси ва уларни қайта баҳолашни ҳисобга олиш
8. Ижарага олинган асосий воситалар ва Лизинг операцияларни ҳисобга олиш

#### **1-. Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш**

**Асосий воситалар** – бу моддий ишлаб чиқариш соҳасида ва ишлаб чиқаришга таллуқли бўлмаган узоқ муддат давомида (бир йилдан ортиқ) ҳаракатда бўладиган ҳамда ижарага топширилиб ҳам фойдаланиладиган моддий активлардир. Асосий воситаларнинг у ёки бу обьект гурухига киритилиши ва уларнинг таркиби 5-сонли Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартига мувофиқ тартибга солинади. Уларга бинолар, иншоотлар, машиналар, хўжалик инвентарлари, асбоб-ускуналар ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Асосий воситалар буйича бухгалтерия ҳисобининг вазифалари қўйидагилардан иборат:

- 1) асосий воситалар ҳаракати билан боғлиқ ҳамма операцияларни тўғри ва ўз вақтида хужжатларда расмийлаштириш ҳамда тегишли ҳисоб регистрларида умумлаштириш;
- 2) асосий воситаларнинг эскириш ва амортизациясини туғри ҳисоблаш;
- 3) асосий воситаларнинг таъмир маблағларидан тўғри ва оқилона фойдаланишни назорат қилиш;
- 4) асосий воситалардан самарали фойдаланишни назорат қилиш;
- 5) асосий воситалар хавфсизлигини сақлашни назорат қилиш;
- 6) ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланиш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишнинг ички резервларини аниқлаш.

Ҳисоб ҳамда режалаштиришда асосий воситалар маълум гурухларга бўлинниб ҳисобга олинади ва режалаштирилади. Чунки асосий воситаларни ҳисобга олиш, режалаштиришни тўғри ташкил қилишнинг мухим шарти уларни илмий жиҳатдан туркумлаш ва баҳолаш ҳисобланади. Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига ва ишлаб чиқаришга таалуқли бўлмаган обьектларига бўлинади.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ва унга хизмат қиласиган меҳнат воситалари **ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари** деб аталади. Уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишдаги роли ҳар хил, баъзилари, масалан, машиналар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда меҳнат қуроли сифатида қатнашади, айримлари эса ишлаб чиқариш жараёнининг тухтовсиз ишлаб туришини таъминлайди (масалан, иншоотлар), яна бошқалари ишлаб чиқариш учун шароит яратиб беради, жумладан, ишлаб чиқариш бинолари, йуллар ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш жараёнида туғридан-туғри қатнашмайдиган уй-жой-коммунал хўжалиги воситалари, соғлиқни сақлаш муассасалари (касалхона, амбулатория,

поликлиника), маданият ва маориф муассасалари (клублар, театрлар, кутубхона, болалар боғчалари) ва бошқалар киради.

Халқ хўжалиги тармоқларининг туркумланишига мувофиқ, асосий воситалар куйидаги тармоқлар ва фаолият турларига бўлинади: саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа қурилиш, савдо ва бошқалар. Масалан, саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда корхонанинг транспорт, моддий-техника таъминоти, омбор хўжалиги ва бошқа бўлимларнинг асосий воситалари киради. Саноат корхоналари балансида акс эттириладиган ёрдамчи қишлоқ хўжалик бўлимига қарашли обьектлар «Қишлоқ хўжалик тармоғи», уй-жой-коммунал хўжалигига қарашли обьектлар «Аҳолига майший хизмат кўрсатиш» ва «Уй-жой-коммунал хўжалиги» тармоғига киради.

Демак, саноат корхоналаридан ташқари, бошӯа халқ хўжалиги тармоқларига қарашли обьектлар ҳам фойдаланишда бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан саноат корхоналарининг асосий воситаларини саноат ишлаб чиқариш фондларига бўлиш мумкин. Халқ хўжалиги тармоқларининг асосий воситалари ўз фойдаланиш нуқтаи назаридан қуйидаги гурухларга бўлинади:

Бино.

Иншоот.

Ўтказувчи қурилмалар.

Машина ва ускуналар:

- куч машиналари ва ускуналар;
- б) ишчи машина ва ускуналари;
- в) ўлчов ва тартибга солувчи асбоблар, қурилмалар ва лаборатория ускуналари;
- г) ҳисоблаш техникаси;
- д) бошқа машина ва ускуналар.

5. Транспорт воситалари.

6. Асбоб ускуналар.

7. Ишлаб чиқариш инвентарлари ва жиҳозлари.

8. Хўжалик инвентарлари.

9. Ишчи ва маҳсулдор моллар.

10. Ерни яхшилаш бўйича капитал харажатлар (иншоотларсиз).

12. Бошқа асосий воситалар.

Фойдаланишни нуқтаи назардан асосий воситалар ҳаракатдаги, запасдаги ва фойдаланилмайдиган обьектларга, у ёки бу корхонага қарашли ва ижарага олинган обьектларга бўлинади. Асосий воситалар дастлабки қиймати буйича ҳисобга олинади.

Асосий воситалар Бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти 5-сонига мувофиқ қуйидаги баҳоларда баҳоланади:

**Объектнинг дастлабки қиймати** – бу асосий воситаларни куриш ёки сотиб олиш бўйича қилинган ҳақиқий харажатлар йигиндисидир, бунга тўланган солиқлар ҳамда тўловлар, келтириш ва монтаж килиш, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш, ундан мақсадли фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган бошқа ҳамма ҳаражатлар киради.

**Тиклаш қиймати** асосий фондларни қайта ишлаб чиқариш қийматидан, яъни уларни маълум муддатга ҳаракатдаги бозор баҳолари буйича қуриш ёки сотиб олишдан иборат.

**Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати** уларнинг дастлабки қийматидан эскириш суммасини айирганга тенг.

**Асосий воситаларнинг эскириши** – бу асосий восита обьектларнинг дастлабки имкониятларини йуқотганликларини тавсифловчи жараёндир (жисмоний ва маънавий).

**Эскириш меъёри** асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қийматига фоиз ҳисобида ифодаланган эскириш миқдоридир.

**Амортизация қиймати** - бу активнинг молиявий ҳисоботда кўрсатилаган дастлабки қиймат суммасидан тахминий тугатиш қийматининг чиқариб ташланган суммасидир.

**Фойдали хизмат муддати** - бу шундай муддатки, унинг давомида асосий воситадан фойдаланишдан иқтисодий самарад олинади.

**Жорий қиймат** – бу маълум муддатда ҳаракатдаги бозор баҳоси буйича асосий восита қиймати бўлиб, унга кўра манфаатдор томонлар ўртасида актив алмаштирилиши мумкин.

**Тугатиш қиймати** – бу активнинг фойдали хизмат муддати охирида асосий восита тугатилаётган вақтдаги тахминий қийматидан тугатиш буйича ҳаражатлар чиқариб ташланган суммага тенг.

**Қоплаш суммаси** – бу шундай суммаки, унга кўра хўжалик юритувчи субъект активнинг тугатиш қиймати қушилган ҳолда ундан кейинги фойдаланиш ҳисобига қоплаш кўзда тутилган суммадир.

Дастлабки қиймат корхонада обьект фойдаланишга топширилган муддатда вужудга келади ва унга асосий воситани қуриш ёки сотиб олиш буйича қилинган ҳақиқий ҳаражатлар қиймати, тўланган солиқлар ва тўловлар, келтириш ва монтаж буйича ҳаражатлар, ўрнатиш, фойдаланишга топшириш, мақсадли фойдаланиш учун, уни ишчи ҳолатига келтириш билан туғридан-туғри боғлиқ бўлган бошқа ҳамма ҳаражатлар киради. Асосий воситалар дастлабки қийматнинг таркиб топиш манбалари қўйидагилардан иборат:

1) корхона устав капиталига таъсисчилар қушган улуши, асосий воситалар қиймати – томонлар келишуви буйича;

2) корхонанинг ўзида тайёрланган асосий воситалар ҳамда бошқа корхона ва шахслардан сотиб олинган воситалар қиймати – келтириш, монтаж ва ўрнатиш бўйича ҳаражатлар билан ҳақиқий ҳаражатлар суммасида;

3) бепул олинган асосий воситалар қиймати ҳамда ёрдам сифатида олинган воситалар қиймати текшириш йули билан ёки қабул-топшириш хужжатлари маълумотлари асосида аниқланади.

Асосий воситалар айрим обьектларнинг дастлабки қиймати улар тикланганда ёки такомиллиштирилганда купайиши ва обьект қисман тугатилганда ҳамда қисмларга ажратилганда камайиши мумкин. Қўйидагилар асосий воситаларнинг дастлабки қиймати бўлиб ҳисобланади:

1) 1 январь ҳолати буйича қайта баҳолангандан, корхона балансида ҳисобда бўлган асосий воситалар учун – уларнинг ҳисобда акс эттирилган тиклаш қиймати;

2) капитал қуийлмалар ҳисобидан қурилган ёки сотиб олинган асосий воситалар учун инвентар қиймат қўйидагилардан иборат бўлади:

а) бино ва иншоотлар учун – обьектни қуриш буйича қурилиш ва монтаж ишлари ҳаражатларидан, лойиха-кидирув ишлари ва обьект инвентар қийматига қушилиши лозим бўлган бошқа ҳаражатлардан;

б) монтаж талаб қилувчи ускуналар учун – суюнч ёки асосий қуриш, монтаж ҳаражатларидан ва лойиха-кидирув ишлари ҳамда обьект инвентар қийматига қушилиши лозим бўлган бошқа ҳаражатлардан;

в) монтаж талаб қилинмайдиган ускуналар учун – келтириш ҳамда сотиб олиш буйича ҳаражатлардан;

г) корхонага бепул қабул қилинган обьектлар учун – асосий восита обьектини қабул-топшириш хужжатида кўрсатилган қиймати бўйича;

д) корхона сотиб олинган, аввал фойдаланишда бўлган обьектлар учун – сотиши ҳақидаги хужжатда кўрсатилган обьектни сотиб олиш буйича эскириш суммаси қушилган ҳолда сотиб олиш, келтириш буйича ва обьектни сотиб олиш билан боғлиқ бошқа ҳаражатлар.

Тиклаш қиймати деганда асосий фонdlарни такрор ишлаб чиқариш қиймати, яъни маълум муддатга ҳаракатдаги бозор баҳоси бўйича уларни қуриш ёки сотиб олиш қиймати

тушунилади. Яна республика хукумати қарорига кўра олиб бориладиган асосий восита объектларини қайта баҳолаш натижасида аниқланган қиймат ҳам тиклаш қиймати деб ҳисобланади.

Асосий воситаларнинг ҳисоб қиймати деганда уларнинг ҳисоботда ва балансда акс эттириладиган, яъни баланс қиймати тушунилади.

## **2. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштириш тартиби**

Саноат ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ўсиб бориши корхоналарда асосий воситаларнинг қўпайиши ва улардан фойдаланишни янада яхшилаш билан боғлиқдир. Бу кўп жиҳатдан асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштириш тартибига қаттиқ риоя қилиниши талаб этади. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олишда куйидаги шакллардан фойдаланилади:

ОС-1 шакли. Асосий воситаларни қабул-топшириш акти, акт ҳар бир объект учун ёзилиб, бухгалтерияга берилади ва асосий воситани ҳисобга олиш инвентар карточкаларига ёзиш учун насос бўлиб хизмат килади.

ОС-2 шакли. Таъмир қилинган, тикланган ва такомиллаштирилган объектларни қабул-топшириш акти.

ОС-3 шакли. Асосий воситаларни тугатиш туғрисидаги акт.

ОС-4 шакли. Автотранспорт воситаларни ҳисобдан чиқариш акти.

ОС-6 шакли. Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкаси. Асосий воситаларни қабул-топшириш актлари ва ушбу объект техник ҳужжатлари асосида ҳар бир объектга инвентар карточкаси очилади.

ОС-7 шакли. Асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича инвентар карточкалар рўйхати.

ОС-8 шакли. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси. Туркум гурухлари бўйича асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш учун кўлланилади. Карточка маълумотлари асосида асосий воситалар ҳаракати ҳақидаги ҳисбот тўлғазилади.

ОС-9 шакли. Асосий воситалар инвентар рўйхати.

## **3. Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларни ҳисобга олиш**

Фойдаланишга қабул қилинган ҳар бир объект учун ОС-1 рақамли типик шаклдаги асосий воситаларни қабул қилиш топшириш акти ёзилади. Унда объектнинг дастлабки қиймати ва бошқа техник-иқтисодий маълумотлар кўрсатилади. Актга ушбу объектга таалуқли бўлган жами техник ҳужжатлар қушиб қуилади. Асосий воситалар ҳисоби корхона бухгалтериясида белгиланган номенклатурада ҳар бир инвентар объекти бўйича юритилади.

**Инвентар объекти** дейилганда айрим восита ёки маълум ишлаб чиқариш функциясини бажаришга мўлжалланган буюмлар (хамма мосламалари билан) жами тушунилади. Ҳисобга қабул қилинган ҳар бир асосий восита обьектига, масалан, биноларга 001 дан 009 гача, иншоотларга 100 дан 199 гача, ўтказгич қурилмаларига 200 дан 299 гача ва ҳакоза инвентар рақами бириклиради.

Бухгалтерия акт асосида ОС-6 шаклидаги инвентар карточкасини очади ва унга обьект ҳақидаги ҳамма маълумотларни ёзади. Сўнгра инвентар карточкалари ОС-7 шаклидаги махсус рўйхатда, асосий воситалар туркум гурухлари бўйича рўйхат қилинади. Рўйхат қилинган карточкалар асосида воситалар картотекаларига жойлаштирилади, бунда улар тармоқ туркум гурухлари, гурух ичida эса жойланиш, фойдаланиш жойлари ва турлари буйича гурухланади. Ҳаракатда бўлмаган асосий восита обьектларининг карточкалари алоҳида гурухланади.

Асосий воситалар ҳисоби фойдаланиш жойларида (цеҳлар, участкалар, корхона бўлинмалари) асосий воситалар инвентар, карточкалари буйича амалга оширилади (ОС-9

шакли). Ҳамма моддий жавобгар шахслар билан белгиланган намунада 2 нусхада шартнома тузилади, биттаси бухгалтерияда, ҳар бир моддий живобгар шахсга очилган делода, бошқаси эса ўша ходимда сақланади.

Қабул қилинган, тугатилган ва корхона ичида кўчирилган асосий воситаларнинг инвентар карточкалари тегишли ёзувдан сўнг ой охиригача алоҳида сақланади. Улар сасосида ҳар ойда асосий воситалар амортизацияси ҳисоб китоби тузилади, уларнинг ҳар бири бўйича қабул қилиш, ҳисобдан чиқариш бўйича оборотлар қўшилади ва асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси (ОС-8 шакли) жорий йилнинг бошида очилади. Унда 1 январга ва ҳар бир кейинги ойнинг 1-кунига асосий воситаларнинг ҳолати турлари бўйича кўрсатилади. Бу маълумотлардан асосий воситалар ҳаракати оборот ведомости тузишида фойдаланилади ва у ўз корхона асосий воситалар ҳамда ҳолати хусусида ҳисобот тузиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Фойдаланишдаги, заҳирадаги ёки жорий лизинг шартномаси бўйича ижарага берилган корхонага қарашли асосий воситаларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олиш қўйидаги счёtlарда амалга оширилади:

0110-«Ер»

0111-«Ерни ободонлаштириш»

0112-«Узок муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ўзлаштириш».

0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосломалар».

0130-«Машина ва ускуналар».

0140-«Мебел ва идора анжомлари».

0150-«Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси».

0160-«Транспорт воситалари».

0170-«Ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар».

0180-«Кўп йиллик дарахтлар».

0190-«Бошқа асосий воситалар».

0199-«Консервация қилинган асосий воситалар».

Сотиб олинган асосий воситалар счёtlарда қўйидагича акс эттирилади:

**0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш»**

C.

Объект сотиб олиниш қийматига

**01-«Асосий воситалар» (0110-0190)**

C.

Корхонанинг ўзида қурилган асосий восита объекти қийматига қўйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

**0810-«Тугалланмаган қурилиш»**

C.

**01-«Асосий воситалар» (0110-0190)**

C.

Бошқа корхона ва шахслардан бепул қабул қилинган асосий воситалар қийматига қўйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

**8530-«Бегараз ёрдам тарзида олинган мол-мулк»**

C.

**01-«Асосий воситалар» (0110-0190)**

C.

Молиявий лизинг шартномаси тугаганидан сўнг, узок муддатли ижарага берилган объектларнинг асосий воситаларга қўшилиши счёtlарда акс эттирилади:

**0310-«Узок муддатли ижара  
шартномаси бўйича олинган асосий  
воситалар»**

**01-«Асосий воситалар» (0110-  
0190)**

C.

Акция учун ҳақ ҳисобига келиб тушган асосий воситаларнинг балансига ўтказилиши счёtlарда қуидагича акс эттирилади:

**4610-«Устав капиталига тўлов бўйича  
таъсисчилар қарзи»**

**01-«Асосий воситалар» (0110-  
0190)**

C.

Асосий воситалар дастлабки қийматининг қўшимча қурилиш, модернизация, реконструкция ва бошқа сифат ўзгаришлари натижасида ошиши суммасига қуидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

**0890-«Бошқа капитал қўйилмалар»**

**01-«Асосий воситалар» (0110-  
0190)**

C.

Вақтинчалик қуилган бино иншоотлар асосий воситалар таркибиغا қўшилиб, фойдаланишига топширилганда уларнинг ҳақиқий таннархи счёtlарда қуидагича акс эттирилади:

**0810-«Тугалланмаган қурилиш»**

**01-«Асосий воситалар» (0110-  
0190)**

C.

#### **4. Асосий воситалар эскириши ва ёйилишининг амортизациясини ҳисобга олиш**

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида ва табиат кучлари таъсирида секин-аста эскириб боради. Ўзининг қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ёки бажарилаётган иш қийматига секин-аста ўтказади. Улар икки хил – жисмоний ва маънавий эскиради. Объектнинг фойдаланиш жараёнидаги эскириши жисмоний эскириш деб юритилади.

Асосий воситаларнинг маҳсулот қийматига ўтказилган қисми уларни қайта тиклаш манбаи ҳисобланади. Маҳсулот ёки бажарилган иш таннархига ўтказиб бориладиган асосий воситалар эскирган қисмининг қиймати амортизация ёки амортизация ажратмаси деб аталади. Амортизация суммаси объектининг дастлабки қийматини қайта тиклаш ва капитал таъмир билан боғлиқ харажатларни қоплаши лозим. Амортизация, аввало, оддий такрор ишлаб чиқаришни, яъни асосий воситаларнинг дастлабки қиймати тўла

тикланишини таъминлайди. У маълум даражада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш манбай бўлади. Чунки эскирган ускуналар ўрнига янги, юқори меҳнат унумдорлигини таъминлайдиганларни сотиб олинади. Бу, ўз навбатида, меҳнат унумдорлигининг ошишига, таннарх ва умуман капитал харажатларининг камайишига олиб келади.

Амортизация суммаси аввал белгиланган меъёр асосида аниқланади. Бу меъёр асосий воситаларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши фоизига мувофиқ келади. Асосий воситаларнинг амортизация ажратмаси ҳар ойда белгиланган меъёр асосида ҳисобланади. У объектнинг дастлабки қийматига нисбатан маълум фоизда белгиланган.

Уй-жой бинолари буйича амортизация факат капитал таъмир харажатларини қоплаш учун ажратилади. Янги уй жой бинолари қуриш билан боғлик сарфлар эса капитал куйилмалар ҳисобидан амалга оширилади. Эҳтиёждаги машина, ускуна ва транспорт воситалари бўйича амортизация факат улар қийматини тўла тиклаш учун ажратилади.

Асосий воситаларнинг эскириши республика хукумати қарори билан тасдиқланган асосий фонdlар гурухлари бўйича амортизация ажратмасининг ягона меъёри бўйича ҳар ойда ҳисобланади.

#### *Асосий фонdlар гурухлар бўйича амортизация ажратмаси меъёрлари*

№	Асосий фонdlар гурухлари	Меъёр (фоиз ҳисобида)
1.	Бинолар, иншоотлар ва қурилишлар	5
2.	Енгил автомобиллир, таксилар, йулларда фойдаланилдиган автотрактор техникаси, махсус асбоб, инвентар ва жиҳоз, компьютер, ташкилот, муассаса бинолари ва маълумотларни қайта ишлаш бўйича ускуналар	20
3.	Ҳаракатдаги состав, автомобил транспорти, юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автоприцеплар. Машина ва ускуналар: саноатнинг ҳамма тармоқлари учун металдан асбоблар ишлаб чиқариш, темир прецлаш ускуналари, қишлоқ хўжалиги машина ва ускуналари, қишлоқ хўжалиги машина ва ускуналари. Офис учун мебеллар	15
4.	Бошқа гурухларга қушилмаган амортизация қилинувчи активлар	10
5.	Темир йул, денгиз, дарё ва ҳаво йуллари транспорт воситалари. Куч машиналари ва ускуналари: иссиклиқ техникаси ускуналари: Иссиклиқ техникаси ускуналари, қувур, электр двигател ва дизел генераторлари, электр ўтказувчи ва алоқа курилмалари. Қувур симлари, электр ўтказувчи ва алоқа курилмалари. Қувур симлари	8

Амортизация ажратмаси қўйидаги асосий воситалар бўйича ҳисобланмайди:

- маҳсулдор моллар;
- кутубхона фонди;
- умумий фойдаланишдаги автомобил йуллари ва ҳокимият қарамоғидаги шахар ободонлаштириш иншоотлари тўлиқ амортизация ҳисобланган асосий воситалар бўйича;
- белгиланган тартибида консервацияга ўтказилган фонdlар.

Тўлиқ амортизация ҳисобланган асосий воситалар бўйича маҳсулот реализацияси таркибида корхона олган амортизация ажратмасининг суммаси асосий воситаларнинг

оборот маблағларга айланиши деб қаралади ва 5110-«Хисоб-китоб счёти» кредитидан корхона хохиши бўйича фойдаланилади.

Маълумки, асосий воситалар узоқ муддат фойдаланишда бўлади, улардан фойдаланиши муддати бу активлар фойда келтирадиган ҳисобот даври мобайнида тенг равища таксимланиши керак. Бу жараён асосий воситалар буйича эскириш ҳисоблаш ёки амортизация деб аталади.

Ҳозирги вактда амортизация (эскириш) ҳисоблашнинг қўйидаги учта усули мавжуд:

1. Қийматни бир текисда (тўғри чизиқли) ҳисобдан чиқариш усули.
2. Бажарилган ишлар ҳажмига пропорционал равища амортизация (эскириш) ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш).

3. Тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули:

- а) сонлар йифиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш усули;
- б) қолдиқни камайтириш усули.

Амортизация (эскириш) ҳисоблашнинг биринчи усулида, номидан ҳам маълум бўлиб турибдики, объектнинг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат қилиш муддати даври мобайнида бир текисда ҳисобдан чиқарилади, яъни амортизация суммаси объект хизмат муддати ҳар бир йилига бир хил суммада хисобланади. Шунинг учун ҳам бу усул бир текисда ҳисобдан чиқариш усули деб номланади.

Мисол. Енгил автомашинанинг бошланғиши қиймати 20 минг сўм деб фараз қиласлилек. У 5 йил фойдаланишда бўлади ва фойдаланиш муддати охиридаги қолдиқ қиймати 2 минг сўм. Бу ҳолда ҳар йиллик амортизация суммаси амортизацияланадиган қийматининг 20% ини ташкил қиласлилек:

5 - 100

$$1 - X = \frac{100 \times 1}{5} = 20\%$$

Объектнинг йиллик амортизация суммаси бир текис ҳисобдан чиқариш усулида 3600 сўмни ташкил қиласлилек:

$$\frac{\text{Бошланғич қиймат} - \text{қолдиқ қиймати}}{\text{Хизмат қилиш муддати}} = \frac{20000 - 2000}{\text{Хизмат қилиш муддати}} = 3600 \text{ сўм}$$

Амортизация (эскириш) ҳисоблашнинг иккинчи усули бажарилган ишлар ҳажмига мутонасиб равища амортизация ҳисоблаш деб номланади. Бу усулда ўз номига кўра, амортизация ҳисоблашда объектнинг хизмат қилиш муддати эмас, балки бажарган иш ҳажми асос қилиб олинади.

Мисол. Фараз қиласлилек, юқорида сўз юритганимиз енгил автомашинанинг бутун хизмат қилиш муддати давомидаги юриш ҳажми 60 минг км. У ҳолда ҳар бир километр учун амортизация ҳаражатлари қўйидагича аниқланади:

$$\frac{\text{Бошланғич қиймат} - \text{қолдиқ қиймати}}{\text{Бажарадиган иш ҳажми}} = \frac{200.000 - 20.000}{60.000} = 3.$$

Демак, ҳар бир босилган километр учун амортизация ҳаражатлари 3 га тенг.

### **Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган амортизациялар**

	Бошланғич	Юриши	Йиллик	Жамғарилган	Баланс
--	-----------	-------	--------	-------------	--------

	Киймати	км	амортизация суммаси	амортизация	Киймати
Харид санаси	200 000	-	-	-	200 000
1 йил охири	200 000	20 000	60 000	60 000	140 000
2 йил охири	200 000	10 000	30 000	90 000	110 000
3 йил охири	200 000	10 000	30 000	120 000	80 000
4 йил охири	200 000	10 000	30 000	150 000	50 000
5 йил охири	200 000	10 000	30 000	180 000	20 000

Амортизация ҳисоблашнинг учинчи усули тезлаштирилган ҳисобдан чиқариш усули деб аталади. Бу усулда 2 хил вариантда объект қиймати ҳисобдан чиқарилади. Биринчи вариант сонлар йигиндиси бўйича қийматни ҳисобдан чиқариш деб аталади. Бу вариантда қуйидагича амортизация ҳисобланади:

Юқорида мисол келтирганимиз енгил автомашинанинг тахмин қилинаётган фойдали хизмат муддати 5 йил, фойдаланиш йиллари суммаси – 15 йил.

$$1+2+3+4+5=15$$

Йиллик амортизация суммаси ҳар бир касрни 180000 га ( $200\ 000 - 20\ 000$ ) тенг бўлган амортизацияланадиган қийматга купайтириш йўли билан топилади.

Субъектнинг субъектга имтиёзларни тегишли хизмати учун, масалан, рагбатлантирадиган компанияларда, бухгалтерия хисоби ва ташкиллаштириш масалаларини ечишда ёрдамлашиши учун, берувчи, улардан фойдаланувчи хар йилги ва хозирги туловлари аник жойга эга булган обьектларнинг харажатларига кушилиши керак, чунки улар улчанадиган келажакдаги даромадларни келтирмайди. Агар франшиза уз кийматини йўкотса ёки конун томонидан бекор килинса, эскириш килинмаган сумма тезда субъектнинг заарларга кучирилиши шарт.

Ижара — бу активно ишлатиш буйича бир томондан иккинчи томонга бериладиган хукук. Куп холларда субъект бошка томоннинг мулкини ижарага олишни хужалик келишуви асосида амалга оширади ва олдиндан туловни амалга оширади. Ижарага олиш хакидаги хужапик келишуви (контракт) ижарачига мулкка эгалик килиш хукукларини ва эгалик килиш билан бодлик булган таваккалчилик ва мукофотнинг куп кисмини бермайди. Бундай мукофот ва таваккапчиликни берувчи шартнома капитал ижара деб номланади. Олдиндан туланган ижара хаки, масалан, мажбуриятларни камайтирувчи туловлар, бутун ижара даврини уз ичига олади. Бундай олдиндан ижара хакини тулаш бошиданок «Брак сифатида туланган ижара хаки» счётига олиб борилиши керак. Бундай активнинг кий мати «Ижара буй ича харажатлар» счётининг дебетига кучирилиши лозим.

Алмаштириб булмайдиган тенглаштириладиган номоддий активлар

Бухгалтерия балансидаги моддаларнинг куйидаги таснифи уз урнига эга. Номоддий активлар, кечиктирилган харажатлар ва бошка активлардир. Купчилик холларда бу кенг

камровли тасниф. Бу номодий активлардан айримлари иккита маҳсус характеристикага эга: улар узок муддатли бунак туловлари куринишида хисобланилади ва хужайнинг бошқа томонга сотиш буйича хеч кандай хукукларини бермайди. Бу номоддий активлар алохидан тенглаштирилиши мумкин, лекин апмаштирилиши мумкин эмас.

Кечикирилган харажатлар — бу хизмат курсатиши учун хозирги даврда сарфланган ва келажакдаги даромадларнинг пайдо булишига олиб келадиган сарфлардир, улар узок муддат-ли олдиндан туланган харажатлар сифатида балансда акс этилади. Кечикирилган харажатлар узок муддатли активлар сифатида таснифланади, чунки улар хозирги активларнинг функционал фойдаланиш муддатидан кейин даромадларга таъсир килади. Кечикирилган харажатлар жисмоний таъминотга эга эмас. Айрим кечикирилган харажатлар хозирги активлар сифатида (у каерда кулланиладиган булса) акс эттирилади. Масалан, кечикирилган соликнинг хозирги кисми ва кечикирилган харажатларга сугурта буйича узок муддатли олдиндан туланган бунак туловлари мисол булади. Илмий тадқикотлар ва ишловларга сарфлар, шунингдек, ташкилий харажатлар амалиётда камдан-кам капиталлаштирилади. Лекин улар капиталга айлантирилганда одатда кечикирилган харажатлар сифатида таснифланади.

Кечикирилган харажатлар келгуси фаолият даврларига эскириш килинади, чунки улар ушбу келгуси даврларда даромад олишга имкон яратади. Номоддий активлар эскиришсининг 40 йиллик максимал хизмат муддати кечикирилган харажатларга хам кулланилади. Лекин, амалиётда кечикирилган харажатлар камдан-кам холларда 40 йиллик хизмат муддатига эга булади.

Ташкилий харажатлар — бу ташкилотнинг фаолиятини ташкил килиш пайтида сарфланган харажатлардир. Ташкилий фаолиятга тегишли булган харажатлар, масалан, юридик, бухгалтерлик, канцелярияга оид ва имиджнинг кутарилишлари билан boglik харажатлар, ташкилий харажатлар сифатида капиталга айлантирилиши мумкин. Ташкилий харажатларнинг капиталга айлантирилишининг асоси булиб, бу харажатлар келажакдаги давр ичидаги даромад келтирилиши хисобланади. Фаолиятнинг биринчи йилига сарфланган хамма сумманинг харажатларга кушилиши харажат ва даромаднинг номутаносиблигига олиб келади.

Ишлаб чикариш фаолиятининг муддатини аниклаш имконияти булмаган холларда ушбу сарфлардан олинадиган даромадларнинг даврини хам одатда аниклаб олиш имкониятига эга булмайди.

Ташкиллаштириш харажатларининг активлар сифатида тан олиниши бизнеснинг аник шаклига boglik. Ташкиллаштириш харажатлари одатда ихтиёрий танланган киска давр ичидаги эскириш килинади.

Умуман олганда, ташкиллаштириш харажатлари уларнинг аникланмаган характеристикасига мувофик ва тегишли стандартда белгиланган максимал 40 йиллик хизмат муддати ичидаги эскириш килинмайди.

Номоддий активлар кийматининг камайиши. Номоддий активларни ёки кечикирилган харажатларни ишлатиш даврида бу актив билан boglik булган, фойданинг тартибли киймати, унинг хозирги баланс киймати субъект учун унинг иктиносидий фойдалилигидан, яъни ишлатиш кийматидан олаётган даромадининг ошаётганлигини курсатиши мумкин. Бундай холатларда эскириш булмаган кийматни хисобдан чикариш ва зарарни тан олиш керак, бу эса актив кийматининг камайтирилишини акс эттиради. Куриб чиқилган киймат башорат килинган, колган хизмат муддати ичидаги (лекин олиш муддатидан бошлаб 40 йилдан ошмаслиги керак) эскириш килиниши лозим. Номоддий активлар кийматининг камайтирилишини молиявий хисоботга слова килинган тушунтириш хатида ёритиш шарт.

## **5. Номоддий активларнинг киримини хисобга олиш.**

0410- "Патентлар, лицензия (рухсатнома) ва "ноу-хау"

- 0420- "Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари"
- 0430- "Дастурый таъминот"
- 0440- "Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш хукуклари"
- 0450- "Ташкилий харажатлар"
- 0460- "Франшизалар"
- 0470- "Муаллифлик хукуклари"
- 0480- "Гудвилл"
- 0490- "Бошка номоддий активлар"

Бошлангич хужжатлар асосида номоддий активлар холатининг ва харакатининг хисоби учун 0400 номоддий активларни хисобга олувчи счёtlар кулланилади. Ушбу счёtlар тизимида (0400) номоддий активларнинг аник, турларининг холати ва харакатини хисобга олиш ва назорат килиш максадида куйидаги счёtlар очилган:

Объектларнинг номоддий активлар каторига киритиш тартибини ва уларнинг таркиби тегишли конунчилик хужжатлари ва 7-БХМС "Номоддий активлар" га асосан тартибга солинади. Бу счёtlарнинг сальдоси (колдик) мазкур объектнинг бошлангич баҳосини акс эттиради, дебети буйича обороти бу активларнинг эгаллаш пайтида (келиши), таъсисчилар томонидан ажратиш пайтида бошлангич нархи буйича ёки келишилган нарх буйича кабул килиш пайтидаги киримидир. Ву суммалар 6010- "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туландиган счёtlар", 6110- "Мустакил балансга ажратилган булинмаларга туландиган счёtlар", 4710- "Таъсисчиларнинг бадаллари буйича карзлари", 5110- "Хисоблашиш" счёti, 5210 ва 5220- "Валюта счёti" лари ва хоказо счёtlарнинг кредити буйича акс эттирилади. 0400- "Номоддий активлар" счёtlарининг кредити буйича бу активларнинг хисобдан чикирилиши акс эттирилади, бунда ушбу суммалар бир вактнинг узида 9220- "Бошка активларни сотиш ва бошка хисобдан чикиришлар" счёtinинг дебети буйича ёзиб куйилади.

Номоддий активларнинг кабул килиниши пайтида аналитик хисобнинг карточкалари (6-А-В шакли) тулдирилади ва бу маълумотлар мос булган жамгарма кайдномаларга кучирилади.

Номоддий активларнинг кирими пайтида: — устав капиталига киритилган таъсисчиларнинг улуши сифатида: 0400- «Номоддий активлар» счёtlарининг дебети, 4710- "Таъсисчиларнинг бадаллари буйича карзлари" счёtinинг кредити;

— бошка шахслардан активларни сотиб олишда юк хати ва кабул килиш далолатномалари асосида: 0400- "Номоддий активлар" счёtlарининг дебети, 0830- "Номоддий активлар сотиб олиш" счёtinинг кредити;

— агар активлар бошка шахслардан текинга ёки давлат томонидан ёрдам сифатида олинса: 0400- "Номоддий активлар" счёtlарининг дебети, 8510- "Устав капитала (фонди)" (давлат корхоналари учун) ва 9910- "Якуний молиявий натижа" счёtinинг кредити (бошка субъектлар учун) ва бир вактда уларнинг эскиришларининг киймати тасдикланган меъёр асосида акс эттирилади. "Сарфлар (харажатлар)" счёtlарининг дебети- 2000,, 2300, 2500, 3100, 9410, 9420, 9430, 9450 ва шунта ухшашлар ва 0500- "Номоддий активларнинг эскириши" счёtlарининг кредитида кайд килинади.

Номоддий активларнинг баҳосига қушилган киймат солиги (ККС) нинг суммаси киради, шунинг учун бу активларга эга булиш пайтида соликнинг суммаси 6410- "Бюджетга туловлар юзасидан карзлар" счёtiда алоҳида хисобга олинади ва бу бюджетга ут казишга лойик булгар хисобланган соликнинг умумий хисобидан (суммасидан) чегириб колинади.

Номоддий активларнинг холати ва харакатини акс эттирадиган счёtlарнинг чизмаси

0400-Номоддий активлар счёtlарининг гурухи

Счетларнинг кредитидан

Дебет

Счетларнинг дебетидан

Кредит

НМАнинг бошлангич колдиги	Счетларнинг дебетидан Кредит
5010, 5020 – НМАнинг накд пулга олиниши.	9220 – Реализация, текинга бериш, бартер усулида ва эскиришлар окибатидп номоддий активларни хисобдан чикириш. Активларнинг акция хисобига берилиши.
5100, 7810, 7800 – Активларнинг пул утказиш йули билан олиниши.	Активларнинг авлод корхоналарига улуш сифатида берилиши.
5210, 5220 – Хориж валютасида НМАнинг олиниши.	Активларнинг кушма корхоналарига улуш сифатида берилиши.
4610 – Тасисчиларнинг улушлари сифатида активларни олиш.	Активларни кимматбахо когозларга алмаштириш.
8530 – Текинга олиган ва давлат субсидияси шаклида олиган номоддий активлар.	

## 6. Номоддий активлардан фойдаланиш ва эскиришини хисобга олиш.

Ишлатиш пайтида номоддий активлар аста-секин эскиради, узининг фойдали хусусиятларини йукотади ва эскириш суммасининг жамгарма хисоби учун 0500- "Номоддий активларнинг эскириши" счёtlари туркуми кулланилади. Ушбу счёtlар туркумида куйидаги счёtlар очилган:

- 0510- "Патент, лицензия ва ноу-хаунинг эскириши"
- 0520- "Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуна- ларининг эскириши"
- 0530- "Дастурий таъминотнинг эскириши"
- 0540- "Ердан ва табиий ресурслардан. фойдаланиш хукукларининг эскириши"
- 0550- "Ташкилий харажатларнинг эскириши"
- 0560- "Франшизаларнинг эскириши"
- 0570- "Муаллифлик хукуцларининг эскириши"
- 0580- "Гудвиллнинг эскириши"
- 0590- "Бошка номоддий активларнинг эскириши"

" Номоддий активлар" номли 7-сон БХМСга асосан номоддий активларга оид эскириш микдори уларнинг эскиришланадиган киймати ва фойдали хизмат муддатидан келиб чиккан холда белгиланган меъёрлар асосида хар ойда хисоблаб чикилади. Фойдали хизмат муддатини аникпаш имкони булмаган номоддий активлар буйича эскириш 5 йил муддат (субъект фаолиятидан ортикча муддатда булмаган голда) хисобида белгиланган.

Номоддий активларга эскиришни куй идаги усууллар буйича хисоблаш мумкин:

- тугри чизикли ёки teng равища;
- ишлаб чикириш бирликларининг микдори асосида;
- камайиб борувчи колдик усулида.

Хар бир хисобот даврининг охирида номоддий активларнинг фойдали хизмат даврини кайта куриб чикиш зарур. Агарда башорат (прогноз) дастлабки баҳолашдан фарқ килса жорой ва келгуси даврлар учун хисобланадиган эскириш суммасини ошириш ёки камайтириш зарур. Бу счёtlар тартибга солиб турувчи счёtlар деб хисобланади, унинг кредитида ишлатиш даврида харажатларнинг бадал суммаси акс этади, дебети буйича эса чикиб кетган активларнинг эскириш суммаси акс этади. Ушбу эскириш суммаси объектларнинг харажатларига кушилган булади: 2010- "Асосий ишлаб чикириш", 2310- "Ёрдамчи ишлаб чикириш", 2500- "Умум ишлаб чикириш харажатлари", 9410, 9420, 9430- "Давр сарфлари" ва 2710- "Хизмат килувчи хужаликлар", 3100- "Келгуси давр харажатлари" ва бошка счёtlарнинг дебетида кайд килинади.

Номоддий активларнинг эскиришини счёtlарда акс эттириш чизмаси

## 0500-Номоддий активларнинг эскириши счёtlарининг туркуми

9220 - Чикиб кетган номоддий активлар буйича эскиришининг камайиши:  
- сотиш натижасида  
- текинга бериш  
- бартер усулида бериш  
- табиий офтада бериш  
9390 – Жорий даврда меъёрдан ортикча хисобланган эскириш суммасини чегириш

С – хисобот даврининг бошига НМА эскириш суммаси  
Хисобот даврида фойдаланилган активларнинг эскириш суммаси:  
  
0800 – Капитал куйилма жараёнида фойдаланилаётган  
2010- асосий ишлаб чикаришда фойдаланилаётган  
2310 – ёрдамчи ишлаб чикаришда фойдаланилаётган  
2320 - бошка ишлаб чикаришда фойдаланилаётган  
2510 - умушишлаб чикаришда фойдаланилаётган  
9419 – сотиш жараёнида фойдаланилаётган (ёки савдода)  
9426 – маъмурият томонидан фойдаланилаётган  
9440 – янги маҳсулотларни ишлаб чикиш, технологияни узлаштириш, казиб олувчи тармокда тайёргарлик ишларида фойдаланилаётган  
2010, 2300, 2510, 9400 – Жорий даврда меъёрдан кам хисобланган – эскириш суммасини меъёрга мувофик объектларга кушимча хисоблаш

Эскириш суммасини хисоблаш усуллари активнинг ишлатилишини акс эттириши керак. Эскириш хисоблашда тугри чизикли усулдан фойдаланиш афзалрок. Ишлаб чикариш усули, тезлаштирилган эскириш усули ва бошка хил усуллар эса аник шароитлардан келиб чиккан холатларда ишлатилиши мумкин.

Номоддий активнинг эскиришси асосан йилнинг охирига корректировка (тузатиш) ёзуви билан боғлик. Эскиришга лойик деб топилган сумма эскириш буйича харажатларнинг дебетига (ушбу актив каерда ишлатилган булса) ва номоддий активларнинг эскириши счётининг бевосита кредитига ёзилади.

0400-"Номоддий активлар" ва 0500-"Номоддий активлар нинг эскириши" счёtlари туркуми буйича синтетик хисоб муомалалари №10 ва №13 журнал-ордерларида олиб борилади.

Гудвилнинг эскириши. Гудвил тан олингандан кейин унинг кийматини нима килиш керак? Амалиётда куйидаги Зта вариант кулланилади:

1. Гудвилни дархол узининг капиталига кушиб куйиш. Чунки компания ичida ташкил килинган гудвил дархол харажатга киритилган булади (яъни номоддий актив деб тан олинмайди), айrim бухгалтерлар, кетма-кетлик тамойилига асосан олинган гудвилни тезда харажатга чикаришни таклиф киладилар. Бундан ташкари гудвилнинг харакат даври ноаник, шунинг учун дархол хисобдан чикаришни один карор деб хисоблайдилар.

2. Агар кийматнинг камайиши юз бермаса, гудвилни аниксиз колдириш (эскириш хисобламаслик). Айрим бухгалтерлар гудвил фаолиятнинг муддатига эга ва унинг киймати пасаймагунича у актив сифатида колиши керак деб таъкидлайдилар.

3. Гудвилни унинг фаолият муддатига эскириш хисоблаш. Айрим бухгалтерлар гудвил аста-секин камаяди ва ишлатилади, бунинг оқибатида уни гудвилдан олинадиган иктисодий фойдани олиш давридаги харажатларга эскириш сифатида кушиш деб таъкидлайдилар.

Энг куп таркалган бухгалтерия сиёсати булиб гудвилни унинг фойдали фаолияти даври ичида кучириб куйиш (учинчи вариант). Лекин эскириш хисоблаш даври хеч качон 40 йилдан куп булмаслиги керак. Афсуски, гудвилнинг хизмат муддатини баҳолаш одатда кийин булади. Бундан ташкари, агар компания сотиб орган гудвилни субъект ичида ташкил килинган гудвилга ишлаб чиқариш харажатлари билан бирга эскиришга чиқарилса, сотиб олинган гудвили булмаган, эскиришни талаб килмаган ракобатчига нисбатан фойдани баҳолашда фарқ, пайдо булади.

Дастур таъминотига кетган капиталга айланган сарфларнинг эскириши. Стандарт тегишли БХМС компьютер дастурлари билан таъминлашга сарфланган ва капиталга айлантирилган харажатларнинг эскириш хисобини тулиқ, тасвирлаб беради.

Эскиришнинг йиллик суммаси чиқарилган дастур таъминоти асосида хисобланади ва куйидагилардан ташкил топади:

— дастурнинг фойдаланиш даври ичида кутилган ва олинган ялпи даромаднинг, уни сотишдан олинган янги даромадига нисбатан коэффициентидан;

— дастурдан фойдали фойдаланиш даврига эскиришни бир текисда таксимлаш усулини каллаш натижасида ушбу сумма аникланади.

Табиий ресурслар хам тугатилаётган актив категорига киради, чунки ушбу ресурсларнинг казиб олиниши натижасида улар аста-секин камая бошлади. Бунта яккол мисол тарикасида урмон майдонлари, нефть, табиий газ, маъдан бойликлари олтин, кумуш, тошкумир ва бошкаларни келтириш мумкин. Ушбу табиий бойликларнинг хисобини юритиш жуда кийин, чунки куйидаги муаммолар мавжуд:

— ушбу табиий ресурслардан фойдаланиши амалга ошириш жараёнида уларнинг кийматини аниклаш тартибини белгилаш;

— ушбу аникланган кийматни эскириш куринишида молиявий натижада тугрисида хисоботга кайд килиш.

Табиий ресурсларнинг кийматини аниклаш жараёни энг аввало унинг кийматини акс эттириш учун кайси сарфларни ва канча микдорда номоддий активларга капиталлаштириш лозимлигини аник белгилашни такозо килади. Кейинги муаммо эса ушбу кийматнинг хисобдан чиқарилиш тартибидир, яъни эскириш даражасини белгилашдир. Хисобот даврида сарфланган табиий ресурсларнинг киймати уларнинг камайишини билди ради.

Камайиш учун асос бу ушбу ресурсларни казиб олиш жараёнида эскириш куринишида кийматига кушиш учун олдиндан номоддий актив сифатида ушбу суммани капиталлаштиришдир. Ушбу сумма, яъни капиталлаштирилган киймат ушбу бойлиқдан фойдаланиш жараёни тугамагунча копланмайди. Колдик киймат эса активнинг камайиш асосини аниклашга таъсир килади. Кийматнинг ижобий колдиги (чунки у ижобий еки салбий колдик булиши мумкин) активнинг камайиш асосини хисоблаётганда капиталлаштирилган кийматдан чегирилади.

Тугатилаётган объектни тайёрлаш билан боялик хар кандай харажат ушбу камайишининг асосига кушилади.

Ушбу ер усти ва ер остидаги табиий бойликларни текшириш жараёнидаги сарфланган харажатлар — кидирув ва пармалаш ишлари, агарда улар актив куринишига эга деб хисобланса, номоддий активлар кийматига кушилади. Кунинг учун хам субъектлар ушбу кидирув ва пар малаш ишлари буйича сарфларни хисобга олишнинг

максус усулинин куллайдиларки, ушбу сарфлар тегишли табиий ресурсларнинг турларига тааллуклигининг мутаносиблигини таъминлаши лозим.

Ушбу булимни чукуррок урганиш максадида субъект фаолиятидан шартли мисол келтирамиз:

1-мисол. "Равшанбек ва К фирмаси" келишилган нарх буйича 150000 сум (ККСни хисобга олиб 22500) техник хужжатлар ва компьютерлар учун дастурларга эга булди:

0430-"Дастур таъминоти" счётининг дебети- 150000 сум

6410-"Бюджетга толовлар буйича карз" счётининг дебети 30000 сум

6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туландиган счёtlар" счётининг кредити- 180000 сум

Номоддий активларнинг кийматини тулашда:

6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга туландиган счёtlар" счётининг дебети-180000 сум

5110-"Хисоблашиш счёti" нинг кредити- 180000 сум

2-мисол. Таъсис хужжатлари асосида акцияларнинг баҳоси 1600000 сум хисобига акциядорлик жамияти бинодан фойдаланиш хукукини сотиб олди:

0410-"Патентлар, лицензия ва "ноу-хай"" счётининг дебети- 1600000 сум

4610-"Таъсисчиларнинг карзи" счётининг кредити- 1600000 сум.

3-мисол. Фирма бошка фирмадан ишлаб чикаришни ташкиллаштириш учун эхсон сифатида патент олди, патентнинг нархи 48000 сум:

0410-"Патентлар, лицензия ва "ноу-хай"" счётининг дебети- 48000 сум;

8530-"Текинга олинган мулк" счётининг кредити- 48000 сум

4-мисол. Олинган дастурний маҳсулот буйича хозирги ойга эскиришлар хисобланган-5000 сум::

2510- "Умумий ишлаб чикариш харажатлари" счётининг дебети- 5000 сум

0530-"Дастурний таъминотнинг эскириши" счётининг кредити- 5000 сум.

## 7. Номоддий активларнинг чикимиини хисобга олиш.

Номоддий активларнинг чикиб кетиши. Номоддий активларнинг сотиши, алмаштириш ёки бошка усувлар ёрдамида чикиб кетиши пайтида, унинг эскиришга чикарилмаган киймати номоддий активлар счётида чикиб кетишдан олинган фойда ёки курилган заарлар акс эттирилиши керак.

Номоддий активлар кўйидаги хужалик муомалаларининг таъсири натижасида субъектнинг мулкидан чикарилади:

— бошка субъектларга келишилган нарх асосида реализация килиш окибатида: 9220- "Бошка активларнинг реализацияси ва бошка чикимлар" счётининг дебети, 0400- "Номоддий активлар" счёtlарининг кредити;

— бошка юридик ва жисмоний шахсларга колдик нарх буйича текинга утказиш окибатида 9220- "Бошка активларнинг реализацияси ва бошка чикимлар" счётининг дебети, 0400- "Номоддий активлар" счёtlарининг кредити;

— бутунлай эскириши ёки даромад олиш хусусиятининг йуқолиши окибатида: 9220-

"Бошка активларнинг реализацияси ва бошка чикимлар" счётининг дебети, 0400-

"Номоддий активлар" счёtlарининг кредити;

— хисобланган эскиришлар хисобига: 0500- "Номоддий активларнинг эскириши" счёtlарининг дебети, 9220- "Бошка активларнинг реализацияси ва бошка чикимлар" счётининг кредити;

— бошка фирма, филиаллар ва кушма корхоналарнинг устав капиталига таъсис бадали сифатида утказиш окибатида: 9220- "Бошка активларни реализацияси ва бошка чикимлар" счётининг дебети, 0400- "Номоддий активлар" счёtlарининг кредитига кучирилади.

Номоддий активларнинг субъект мулкидан чикиб кетиши акциядорларнинг ёки таъсисчиларнинг йигилишидаги кучириш, ушбу активларни хисобдан чикариш хакидаги баённомалари, кабул килиш ёки утказиш даполатномалари асосида амапга оширилади.

Илмий текшириш ва ихтиrolар (ИТИ) учун сарфлар. Илмий текшириш ва ихтиrolар учун сарфлар куп ком панияларда муҳим харажатлардан бири хисобланади.

— ил мий текшириш ишлари ва ихтиrolарга куйидаги таърифлар ва аникпиклар берилган:

Илмий текшириш ишлари- бу янги илмий ёки техникавий билимларни олиш ниятида кабул килинган ва режалаштирилган изланиш ишлари. Бундай турдаги изланиш ишлари аник максад еки куллашга каратилган булиши мумкин.

— ихтиrolар - бу илмий текширишлар, изланишларнинг ёки бошка билимларнинг инги ёки мутлок такомиллаштирилган материаплар, ускуналар, маҳсулотлар, жараёнлар, тизим ёки хизматларни режалаштириш ёки ихтиrolар натижаларининг амалиетга утказилишидир. Ихтиrolар тушунчаларини таърифлаш, ихтиро маҳсулотлари ни текшириш ва синовдан утказишни, прототипларни куриш, шунингдек, синовчи корхоналарни ишлатишни уз ичига олади. Ривожланишга мавжуд маҳсулотга, ишлаб чикариш линияларга, кайта ишланган оддий еки даврий узгаришиларни киритиш билан бөглик сарфлар бунта кирмайди. У яна уз ичига бозорни урганишни ёки бозордаги товарларни урганиш сарфларини олиши мумкин.

ИТИ буйича ишларни бажариш учун курилган ёки олинган иншоот ва асбоб-ускуналар капиталга ёзилиши керак. Бундай олинган ёки курилган активларнинг эскиришси ушбу активларнинг ИТИ максадлари учун ишлатиши керак булган даврга илмий-текшириш ва ихтиро ишларининг харажатларини ташкил килади.

Фаолиятнинг куп турларига килинган сарфларнинг ИТИ сарфларига ухшаш томони шундаки, улар фирманинг келажакда даромад олишига имконият яратади. Мисоллар, иншоотларни утказиш (суриш)га, янги маҳсулотларни яратиш ёки хиз- матларни курсатиш, маҳсулотни ёки хизматларни узлаштириш буйича ходимларни укитиш ва реклама фаолиятига сарфларни уз ичига олади.

Илмий-текшириш ва ихтиrolарга киравчи фаолиятларнинг турлари куйидагилардан ташкил топган:

- а) янги билимларни олишга каратилган лаборатория текширувлари;
- в) янги текшириладиган нарса ёки бошка билимларнинг изланилиши;
- с) тушунчаларни рүбга келтириш ва келажак маҳсулотларини яратиш ёки ишлаб чикариш технологияси, усуллари ва вариантларини ихтиро килиш.

Одатдаги ихтиrolарга киритилган фаолият турлари куйидагича гурухланади:

- а) маҳсулот ишлаб чикаришнинг алтернатив усуллари ёки ихтиrolар учун йулларни кидириш максадида текширишларни утказиш;
- в) ишлаб чикарилмаган модель ва прототипларни текшириш, куриш, яратиш ва синаш;
- с) инструментларни, андозаларни, куюв шаклини ва янги технологияларни уз ичига олган матрицаларни ишлеш.

Илмий-текшириш ва ихтиrolарга кирмаган фаолиятларнинг турлари куйидагича:

- а) тижорат ишлаб чикаришнинг эрта боскичидаги инженер - техник курсаткичлари;
- в) ишлаб чикариш жараённан сифатнинг назорати, шу жумладан, маҳсулотнинг хар кунти текшируви;
- с) ишлаб чикариш пайтида бузилишларнинг, яроксиз маҳсулотларнинг сабабини аникпаш ва тугатилиши;
- а) мавжуд маҳсулотга, ишлаб чикаришни кайтадан ишловчи ишлаб чикарувчи тизимиға ва бошка жараёнларга, агарда бундай узгаришилар наф келтирса, хар кунги ва даврий узгаришиларни киритиш;
- в) давом этаётган ишлаб чикариш кисми сифатида мижозларнинг талаб ва таклифларини эътиборга олган холда мавжуд имкониятларни мослаштириш;

с) инструментларнинг, андозаларнинг, куюв шакллари ва матрицаларнинг хар кунги ишлов беришлари;

д) курилиш, кучиб кетиш, жойларни алмаштириш ёки ИТИнинг аник лойихаси учун тегишли булган иншоот ва ускуналардан ташкари, иншоот ва ускуналарнинг киритилиши билан болжик булган тадбирларни амалга ошириши.

Илмий текширув ва ихтиро буйича сарфларни харажатларга кушиш тартиблари куйидагича:

1. Текширув ва ишлов беришларга тааллукпи сарфлар улар сарфланган давр ичидағи харажатларда акс эттирилиши керак;

2. Агарда куйидаги шартлар бажарилса, ишлов беришга килинган сарфлар келажак даврларга колдирилиши керак:

а) махсулотнинг тури ва жараённинг даври тугри аникланган ва сарфларнинг улчаниши мумкин булса;

б) махсулот ва жараённинг техникавий асоси белгиланган булса;

с) субъектнинг маъмурияти махсулот ва жараёнларни ишлаб чикиш ва бозорда сотиши ёки узининг ишлаб чикаришида ва жараёнида фойдаланишини курсатса;

д) махсулот ёки жараён учун келажакда сотиши бозори равшан аникпанган ёки улар ички фойдаланиш учун мулжалланган булса;

е) лойихани битириш учун мос ресурслар мавжуд булса.

1. Молиявий хисоботлар бутун давр ичидағи харажатларга кучирилган илмий-текширув ва ихтиро сарфларнинг суммасини; бутун давр ичидағи харажатларга кучирилган ихтирога кетган кечикирилган сарфларнинг суммасини; давр ичида яратилган ихтиrolарга кетган сарфларни ва ихтирога кетган эскириш килинмаган кечикирилган сарфларни очиб бериши керак.

2. Юкорида келтирилган абзацлар ихтисослаштирилган фаолият доирасига, масалан, бошка мутахассислар томонидан килинган иш, ривожланиш боскичида турган, лекин саноатнинг казиб олуви субъектлари учун ноёб хисобланган асбоб - ускуналарга кирмайди.

Молиявий хисобот учун камайиш усулини куллаш тартиби. Ушбу камаяётган объектнинг эскиришси камайиш деб юритилади. Камайиш — бу казиб олинган ресурсларнинг кийматига камайишнинг асоси булган кийматни даврий хисобдан чикаришдир.

Камайиш кийматини аниклашнинг умумий услуби бу казиб олинган табиий ресурсларнинг мавжудлигидир. Камайиш асоси ва казиб олинадиган табиий ресурслар бирлигининг смета киймати аник, булган шароитда камайиш бирлигининг меъёри куйидагича аникланади.

Камайиш асоси = КБМХ х казиб олинган захираларнинг смета киймати

Хар бир даврга тегишли камайиш суммаси казиб олинган хом ашёнинг микдорини бирлик махсулотга тегишли смета кийматига купайтириш усули билан аникланади. Ушбу сумма тегишли сарфлар ёки табиий ресурсларнинг инвентар счётининг дебет томонида ва тегишли активларнинг камайишини билдирувчи счёtnинг кредит томонида кайд килинади. Агарда ушбу инвентар счёт кулланилса ушбу табиий ресурсларни сотиши жараёнига асосан ушбу камайиш асосининг киймати сотилган махсулотларнинг кий мати сифатида хисобдан чикарилади. Хисобот даврининг охирида казиб олинган, лекин сотилмаган махсулотларга тегишли камайиш киймати казиб олинган ТМЗ кийматига кушилади. Куп холларда камайиш суммаси камаяётган объектнинг кредитига ёзилади, лекин ушбу суммани жамгарилган камайиш счётини очиб унинг кредитига ёзилиб борилса, асосий воситаларнинг хисобини юритишга ухшайди, чунки камайиш казиб олинган хом ашё кийматининг бир кисмидир. Бундан ташкари, агарда ушбу хом ашё сотилса ушбу сотилган бойликларнинг бир кисмини ташкил килади. Агарда ушбу бойликлар хисобот даврида сотилмаса бошка ишлаб чикариш харажатлари катори камайиш суммаси чикарилган ёки казиб олинадиган хом-ашёга тегишли суммани аниклаш

анча кийинчиликларни тугдиради. Шунинг учун хам копланадиган кийматга тез-тез тузатиш киритилади. Шунинг учун смета буйича карта тузилаётган меъёри унинг колдик асоси ва казиб олиш хажмига таккослаган холда имконияти борича аник хисобланиши лозим.

Субъектнинг бошка узок ва киска муддатли активлари катори номоддий активлар хам физмат вактининг тугаши ёки бошка сабабларга асосан хисобдан чикирилиши, яъни субъектнинг тасарруфидан чикирилиши мумкин.

Ушбу жараённи кайд килиш ва бу маълумотларни умумлаштириш учун 9220-"Бошка активларни сотиш ва бошка хисобдан чикиришлар" счёти кулланилади. Ушбу счётнинг дебет томонида чикиб кетаётган активларнинг баланс киймати, ККС ва бошка сарфлар (комиссион мукофотлар ва хоказолар) акс эттирилади. Унинг кредит томонида эса бойикларни сотишдан олинган даромаднинг суммаси ва эскириш суммаси кайд килинади.

9220-"Бошка активларни сотиш ва бошка хисобдан чикиришлар" счётининг дебет колдиги (курилган зарап) 9432- "Бошка активларни сотишдан ва бошка хисобдан чикиришлар натижасида курилган заарлар" счётининг дебетига ва кредит колдиги эса 9320-"Бошка активларни сотиш ва бошка хисобдан чикиришлардан олинган фойда" счётнинг кредитига ёзилади.

Номоддий активларнинг субъект тасарруфидан чикиб кетиши счетларда куйидагича акс эттирилади.

9220 – "Бошка активларни сотиш ва бошка хисобдан чикиришлар" счетининг чизмаси.

Счетларнинг кредитидан	Счетларнинг дебетидан
Дебет	Кредит
0400 – Хисобдан чикирилаётган активларнинг бошлангич киймати	0500 – Хисобдан чикирилаётган активларнинг эскириш суммаси
6410 – Сотилган актив буйича хисобланган кушилган киймат солиги	4010, (5000, 5100, 5200) – Кирим килинган ва хисобланган суммалар
9320 – Сотилган ва бошка чикиб кетган активлар буйича олинган фойда	9432 – Бошка активларни сотишдан ва бошка хисобдан чикиришлар натижасида курилган заарлар

### Назорат саволлари:

- Хужалик юритувчи субъектнинг кандай узок муддатли активлари мавжуд?
- Гудвил, франшизалар нима дегани?
- Номоддий активларнинг кандай моҳиятлари бор?
- Номоддий активларни ахамияти кандай?
- Номоддий активларни таркибига нималар киради?
- Номоддий активларни баҳолаш тартибини кандай булади?
- Номоддий активларга кандай килиб эскириш хисобланади?
- Номоддий активларни хисобга олишда кулланиладиган дастлабки хужжатлар кандай тузилади?
- Номоддий активларни хисобга олишда кулланиладиган йигма хужжатлар кандай тузилади?
- Номоддий активларнинг кирими нимага асосан хисобга олинади?
- Номоддий активлардан фойдаланиш ва эскиришини кандай хисобга олинади?
- Номоддий активларнинг чикимини кандай хисобга олинади?

### Атамалар:

1. Актив.
2. Бартер.
3. Кафолат.
4. Пул.
5. Шартнома.
6. Буюртма.
7. Карзга олинган маблаглар.
8. Гаров.
9. Контракт.
10. Кредит.
11. Номинал киймати.
12. Юридик шахс.
13. Инвентаризация.
14. Хужжатлаштириш.
15. Икки ёклама ёзиш.
16. Хисобот.
17. Бухгалтерия.
18. Бухгалтер.
19. Лицензия.
20. Лизинг.
21. Хисобот.
22. Патент.
23. Савдо маркаси.
24. Франшиза.
25. Гудвил.
26. Эскириш.

## **9-мавзу. Махсулот, иш ва хизматларни сотиш ҳисоби режа**

1. Тайёр махсулот ва уларни сотишида қулланиладиган хужжатлар
2. Тайёр махсулот ва уларни сотишнинг ҳисоби
3. Махсулотларни сотиш натижасининг ҳисобда кўрсатилиши

### **1. Тайёр махсулот ва уларни сотишида қулланиладиган хужжатлар**

**Тайёр махсулот** деб барча ишлов операцияларидан ўтиб, тайёр ҳолга келтирилган, белгиланган давлат стандарти ёки техник талабларга жавоб берадиган, корхона техник назорати ходимлари томонидан қабул қилинган махсулотга айтилади. Унинг таркибига буюртмачи корхоналар учун бажарилган иш, хизматлар ҳамда ушбу корхонага қарашли ишлаб чиқаришдан ташқари хўжаликлар учун бажарилган и шва хизматлар киритилади.

Корхона махсулотни истеъмолчилар билан тузилган шартномалар, режа топшириклари асосида бозор талабларини ўрганиш каби масалаларга катта эътибор берган ҳолда ишлаб чиқаради. Ҳозирги шароитда самарадорлиги юқори бўлган корхоналарнинг хўжалик фаолияти максадга мувофиқ деб ҳисобланади. Уларда махсулот реализациси муҳим иқтисодий кўрсаткич саналади.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизимида тайёр махсулот, уни ортиб жўнатиш ва реализациясининг ҳисоби алоҳида ўрин тутиб, унинг вазифаларига қуидагилар киради:

1. Тайёр махсулот ҳаракати билан боғлиқ ҳамма хўжалик операцияларини ҳисобда ўз вақтида ва туғри акс этириш, омборларда махсулотнинг белгиланган захира меъёрларига риоя қилиш ҳамда сакланиши устидан назорат олиб бориши.
2. Омбордаги захираларнинг ҳолатини ва бутлигини сақлаш.
3. И шва хизматларнинг бажарилиш ҳажми, тайёр махсулот ишлаб чиқариш бўйича узлуксиз назорат ўрнатиш, ортиб жўнатилган ва юборилган махсулотлар (иш, хизмат) бўйича хужжатларни ўз вақтида ва туғри расмийлаштириш, харидорлар Билан ҳисобкитобларни аниқ ташкил этиши.
4. Реализация қилинган махсулотнинг ассортимент ва ҳажми бўйича шартнома- мол етказиб бериш режасининг бажарилишини назорат қилиши.
5. Реализация қилинган махсулот учун олинган тушумни, махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш Билан боғлиқ бўлган (давр харажатлари) ҳақиқий харажатларни ўз вақтида, аниқ ҳисоб-китоб қилиш, фойда суммасини аниқлаш.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши корхонанинг бир маромда ишлашга, омбор хўжалиги ва махсулот сотишни туғри ташкил қилишга, хўжалик операцияларининг хужжатларда ўз вақтида расмийлаштиришига бοгликдир.

Махсулотни сотиш саноат корхоналари маблағларининг айланишида охириги боскич ҳисобланади. Сотиш учун мўлжалланган махсулот товар махсулоти деб номланади. Корхона фаолиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири товар махсулотини сотишдир. Товар махсулотни таркибига сотиш учун мўлжалланган тайёр махсулотлар, ярим тайёр моллар, буюртмачи корхона ва муассасалар учун бажарилган саноат характеристига эга бўлган ишлар киради.

Баҳо қийматининг пулдаги ифодасидир. Унинг асосини у ёки бу махсулотни тайёрлаш Билан боғлиқ ижтимоий зарурӣ меҳнат ташкил этади. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишдан аввал саноат молларига белгиланадиган баҳонинг уч тури мавжуд эди:

1. Корхона улгуржи баҳоси.

2. Саноат улгуржи баҳоси.

3. Чакана нарх.

Бозор иқтисодиёти шароитида нарх турлари кўпайди: улгуржи, чакана нархлардан ташқари яна ички, халкар нархлар пайдо бўлди. Ички нарх деганда товарларга давлат ичкарисида белгиланган нарх, халкар нарх деганда эса товарларга халкар бозорда белгиланган нарх тушунилади.

Булардан ташқари, амалдаги бир неча хил нархлар ҳақидаги гапириш мумкин. Масалан, эркин нарх, давлат томонидан белгиланадиган нарх, шартнома нарх ва ҳакоза.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш жараёнида давлат томонидан белгиланадиган нарх кескин қисқариб боради, эркин нархнинг доираси кенгайиб боради. Ҳар томонлама мустақилликни кўлга киритган корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулотларни эркин анрҳда, истеъмолчилар билан келишилган нархда сотишга интиладилар. Камёб молларни мол товар биржалари орқали сотиш, кмошди савдоси кенг ривожланади.

Омборга қабул қилинган ва харидор корхоналарга жўнатилган маҳсулот бухгалтерия ҳисобида ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича акс эттирилади. Бироқ цехлардан маҳсулот омборга қабул қилинганда унинг ҳақиқий таннархи маълум бўлмагани учун маҳсулот хракатини ҳисобда қабул қилинган режа таннархи ёки улгуржи баҳода шартнома нархда ҳисобга олинади, яъни баҳоланади. Ҳисобот ойи давомида маҳсулот режа таннархи билан ҳақиқий таннархи ёки ҳақиқий таннарх билан улгуржи баҳо ўртасидаги фарқ алоҳида ҳисобга олинади.

Масалан, сентябр ойида режа таннархи бўйича 100000 сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилган Ушбу маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи бухгалтерия маълумотига кўра 98000 сўмни ташкил қиласи. Маҳсулот ҳақиқий таннархи Билан режа таннархи ўртасидаги фарқ (иқтисод) 2000 сўмни (100000-98000) ташкил қиласи. Ҳисобда бу қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузиш Билан акс эттирилади:

Д-т 2810-«Тайёр маҳсулот» счёти – маҳсулот режа таннархи (ҳисобот ойи давомида) – 100 000 сўм.

Д-т 2810-«Тайёр маҳсулот» счёти – маҳсулот ҳақиқий таннархи Билан режа таннархи ўртасидаги фарқ суммасига (ҳақиқий таннарх аниқлангандан сўнг) – 2000 сўм (иқтисод).

К-т 2010-«Асосий ишлаб чиқариш» счёти – маҳсулотнинг ишалб чиқариш ҳақиқий таннархига – 98 000 сўм.

Тайёр маҳсулот ҳисобида улгуржи, чакана нарх ва режа таннархидан фойдаланиладиган бўлса, у холда жўнатилган ҳамда сотилган маҳсулот ҳақиқий таннархи Билан ҳисобда қабул қилинган баҳо ўртасидаги фарқни аниқлаш зарурияти туғилади. Бу қуйидагича аниқланади:

### **Жўнатилган товарлар ва тайёр маҳсулот ҳақиқий таннархини ҳисоблаш**

T/p	Кўрсаткичлар	Ҳисобдаги баҳо (улгуржи нарх)	Ҳақиқий таннарх
1.	Ой бошига омборда маҳсулот қолдиги	1000	800
2.	Ишлаб чиқаришдан ҳисобот давомида қабул қилинди	10000	9000
Жами:		11000	9800

3.	Омборларда ой бошига қолган ва хисобот ойида омборга ишлаб чиқаришдан қабул қилинган маҳсулот ҳақиқий таннархининг хисобдаги нархига нисбатан	9800 x 100 = 89  11000	9800
4.	Жўнатилган маҳсулот	8000	7120
5.	Ой охирига омборда қолган маҳсулот	3000	2680

Тайёр маҳсулотнинг синтетик ҳисоби 2810-счётида юритилади. Бу счётнинг дебети «Асосий ишлаб чиқариш», «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» счётларининг кредити Билан, кредити эса «Сотилган тайёр маҳсулот таннархи» счётининг дебети Билан корреспонденцияланади. Жорий ҳисобда ишлаб чиқаришдан омбордаги қабул қилинган маҳсулот қўйидагича акс эттирилади. Ҳақиқий таннарх маълум бўлгандан кейин ўртадаги фарқ суммага қўйидаги бухгалтерия проводкаси тузилади:

Таблица

«Омбордаги тайёр маҳсулот» (2810) счёти бўйича аналитик ҳисоб тайёр маҳсулотни сақлаш юзасидан маълум бўлган моддий жавобгар шахслар бўйича юритилади. Моддий жавобгар шахслар ҳисоботи кирим ва чиқим накладнойи, счёт-фактуралар, калкуляция ва рақалари асосида тўлғазилади. «Кўргазмадаги тайёр маҳсулот» (2820) счётида кўргазма залларига, ярмаркаларга қўйиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулот ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича ҳисоб қилинади. Бунда қўйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Таблица

Кўргазма, ярмаркаларга қўйилган тайёр маҳсулот учун жавобгарлик бир моддий жавобгар шахсдан иккинчисига ўтади. Агар ярмаркага, кўргазмага қўйилган маҳсулот сотилса, у ҳолда одатдаги бухгалтерия ёзуви тузилади.

Агар корхона ташқи савдо фаолияти Билан шуғулланса, у ҳолда тайёр маҳсулот ҳаракати операциялари бўйича экспорт-импорт маҳсулоти ҳисоби учун учинчи тартибли субсчёт очиши мумкин.

Тайёр маҳсулот ҳаракати ҳисобини туғри ташкил килиш учун корхона томонидан ишлаб чиқиладиган буюм турлари номининг рўйхати – номенклатурасидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Уни тузиш асосида тайёр маҳсулотни туркумлаш, яъни Ушбу корхонада ишлаб чиқариладиган бир маҳсулот турини бошқа маҳсулотдан ажратиб турувчи маълум белгилари ётади. Номенклатура рўйхатини тузишда асос қилиб қўйидаги белгилар олинади: модел, фасон, артикул, марка, сорт ва ҳакоза. Ҳар бир маҳсулот турига номенклатура раками биринтирилади ва у ҳар хил сондан иборат бўлади. Маҳсулот номенклатурасидан (рўйхатдан) корхонанинг қўйидаги хизматларида фойдаланилади:

- диспетчерлик хизмат тури маҳсулот ишлаб чиқариш графигининг бажарилишини назорат килади;
- цехлар ишлаб чиқарилган маҳсулот ассортиментини назорат қилиб, омборга тайёр маҳсулотни топширишда накладной ёзиш учун фойдаланилади;
- маркетинг бўлими – жўнатиш бўйича шартномаларни бажариш имкониятини назорат қилиш учун;
- бухгалтерия – тайёр маҳсулотнинг аналитик хисобини юритиш, умумий аълумотлар ва ҳисботлар тузиш учун фойдаланилади.

Мисол. Тикувчилик фабрикаси номенклатурасига куйидаги кўрсаткичлар киритилган:

Маҳсулот тури	Маҳсулот турининг коди	Марка Моделининг коди	Номенкла-Тура раками	1 донаси-нинг (улгуржи) баҳоси	Жўнатилгандаги (шартнома) баҳоси, 1 донаси учун
Эркаклар костюми	01	10	03302	5000	5500
Кўйлак	02	11	02114	2000	2800
Шим	03	12	03541	1000	1500

## 2. Тайёр маҳсулот ва уларни сотишнинг ҳисоби

Техник назорат бўлими томонидан қабул қилинган, тайёр ҳолга келтирилган маҳсулотлар омборга топширилади. Бу жараён кўпчилик корхоналарда топшириш накладнойи ёки маҳсулот топшириш ведомостида расмийлаштирилади. Бу ҳужжатларда топширувчи цех, топширилиш муддати, маҳсулотнинг номенклатура раками, унинг номи, сони, ержа, таннархи ва тегишли моддий жавобгар шахсларнинг имзоси кўрсатиласди. Қабул ҳужжатларда асосида бухгалтерия маҳсулот топшириш ведомостини юритади. Бажарилган иш ёки хизматлар қабул-топшириш акти Билан расмийлаштирилади. Омборларда маҳсулот харакатининг миқдор кўрсаткичларидағи ҳисоб варакалари юритилдаи. Варакага ҳар бир кирим ва чиқим ҳужжатларда асосида маҳсулот харакати Билан боғлиқ операциялар ёзиг борилдаи.

Тайёр маҳсулотнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия усули бўйича ташкил қилинади, яъни ҳар бир буюм номенклатура ракамига омбор материаллари ҳисоби карточкаси очилади (№ М-17 шакли). Тайёр маҳсулот келиб тушиши ва берилиши биланоқ, омборчи ҳужжатлар асосида уларнинг сонини карточкаларга ёзиг қўяди (кирим, чиқим) ва ҳар бир ёзувдан кейин қолдиқ ҳисоблаб қўйилади. Бухгалтерия ҳар куни тугаган сутка учун омбордан ҳужжатларни қабул қилиб олиши керак (қабул қилиш-топшириш накладнойлари, буйрук-накладной, товар-транспорт накладнойлари). Омбор ҳисобининг туғри юритилганини омбор ҳисоби карточкасига бухгалтериянинг имзо кувиши Билан тасдиқланади. Моддий жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкалари асосида ҳар ойда тайёр маҳсулот номенклатураси, ўлчов бирлиги сонига таянган ҳолда тайёр маҳсулотнинг қолдиқ ҳисоби ведомостини тялдиради. Бу ерда ҳисоб баҳолари бўйича қолдиқлар таксировка қилинади ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари (16-ведомостининг 1-бўлими) Билан солиштирилдаи.

Маҳсулот кирими ва чиқим Билан боғлиқ операциялар расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар омбор варакаларига ёзилгандан сўнг бухгалтерияга топширилади.

Бу ерда ҳужжатлар теширилади, гурухланади ва улар асосида тегишли ҳисоб регистрлари тузилади. Тайёр маҳсулот ҳаракатининг пул шаклида ифодаланган ҳисоби бухгалтерияда юритилади. Бу ҳисоб омбор ҳисоби маълумотлари асосида юритилади.

Ҳисоб-китоб журнал-ордер шаклида тайёр маҳсулотнинг аналитик ҳисоби 16-ведомостда юритилдаи. Бу ведомост тўртта бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлим «Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳракати» деб, унда маҳсулотнинг ҳисобот ойи бошланишига қолдиғи, омборга қабул қилингани, харидорларга жўнатилган ва ҳисобот ойи охирига қолдиғи, ҳисобда қабул қилингани баҳо ҳамда ҳақиқий таннархда кўрсатилади. 2-бўлим «Жўнатилган ва сотилаги маҳсулотлар» деб номланиб, унда жўнатилган маҳсулотларнинг аналитик ҳисоби харидор корхоналар номига ёзилган ҳар бир тўлов талабномаси бўйича алоҳида юритилади. 3-бўлим «Тўланган ва тўланмаган счёtlар ҳақида умумий маълумотлар» деб номланиб, унда жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар тўғрисида умумий маълумотлар кўrсатилади. 4-бўлимда солиқ бўйича солиқ идоралари Билан ҳисоб-китоб маълумотлари келтирилади.

2003 йил декабр ойидаги 16-ведомостдан қўчирма

#### 1. «Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати»

Кўrсаткичлар	Баҳоси бўйича	Таннарх бўйича	Ёзув учун асос
Ой бошига бўлган қолдик	80000	76116	Аввалги ой учун 16-ведомост
Ишлаб чиқаришдан қабул қилиш	434200	430269	Ҳисобот ойи учун маҳсулот ишлаб чиқариш ведомости
Қолдик билан жами ҳақиқий таннархнинг ҳисоб баҳосига нисбатан,%	514200	506385 98,48	Ҳисоблаш йўли: Зсатр : 3 сатр x 100 = =506385x100= 514200 =98,48
Ҳисобот ойидаги ортиб жўнатилган маҳсулот	439480	432800	Ҳисобот ойи учун 16-ведомостнинг 2-бўлими
Ой охирига бўлган қолдик	74720	73585	Ҳисоблаш йўли орқали

16-ведомостнинг ойлик жами суммаси 11-журнал-ордерга қўчирилади. Бу журнал-ордер икки бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлимдан тайёр маҳсулот, давр харажатларининг реализация Билан боғлиқ харажатлар субсчёти, сотилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш таннархи, харидорлар ва буюртмачилар Билан ҳисоб-китоб счёtlарининг кредити бўйича ёзувлар келтирилади. Бу журнал-ордернинг иккинчи бўлимида маҳсулот сотиш бўйича аналитик ҳисоб маълумотлари келтирилади.

16-ведомост ва 11-журнал-ордер асосида тузиладиган товарни сотиш ҳақидаги ҳисоботда қўйидаги кўrсаткичлар кўrсатилади: сотилган маҳсулотнинг режа ишлаб чиқариш таннархи ўrtасидаги фарқ, давр харажатларининг реализация Билан боғлиқ харажатлар субсчёти, солиқ, сотишдан олинган маблағ ва охириги молиявий натижка, яъни фойда ёки зарар суммаси. Ушбу ҳисобот маълумотлари сотиш режасининг бажарилишини таҳлил ва назорат килиш, режага нисбатан давр харажатларининг ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар субсчёти таркиби, маҳсулот сотиш ассортиментининг ўзгаришини, молиявий натижага таъсир қилувчи далилларни (сотиш ҳажми ва боҳқ,) аниқлаш имкониятини беради.

Омбордан тайёр маҳсулот харидорларга корхонанинг сотиш бўлими буйруғига асосан жўнатилади. Маҳсулотни сотиш харидор корхоналар Билан тузилган шартнома ва жўнатиш графики мувофиқ амалга оширилади.

Корхонанинг молия бўлими ёки бухгалтерия (агар корхона штатида молия бўлими кўзда тутилмаган бўлса) харидор-корхона номига счёт-тўлов-талабнома ҳужжатини ёзиб, товар сотувчи корхонага хизмат кярсатадаиган банка топширади.

**Тўлов-талабнома** мол етказиб берувчининг счёт- фактурага мос равища ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати учун харидорнинг ҳисоб-китоб рақамидан пулни ўтказиб бериши туғрисида банка берган буйруғидир. Унда ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати ва сотиш баҳоси, сони, ассортименти қайд қилиндаи (бу ҳолатда счёт-фактура албатта тўлов-талабномага илова қилиниши лозим).

Счёт- фактура ёки тўлов-талабноманинг алоҳида бўлимида тара ва қолдиқлаш қиймати ҳамда харидор томонидан тўланадиган темирйул тарифи бўйича сумма кўрсатилади. Баъзида харидор томонидан тўланиши лозим бўлган темир йул тарифи бўйича суммага умумий маҳсулотнинг сотиш баҳоси қўшиб кўрсатилиши мумкин. Қушилган қийматдан солиқ суммаси алоҳида бўлимда кўрсатилади. Мол етказиб берувчи Билан харидор ўртасида тузилаётган шартнома вақтида франко-жой туғрисида тўхталиб ўтилади, бунда маҳсулотнинг ортиб жўнатиш Билан боғлиқ харажатларини мол етказиб берувчи ўз зиммасига олади. Франко- жойнинг куйидаги турлари мавжуд:

**Франко-омбор мол етказиб берувчи.** Бунда маҳсулот ортиб-жўнатиш Билан боғлиқ бўлган барча харажатларни мол етказиб берувчи корхона тўлов-талабномасига кўшади (омбордаги ортиб-туширишларнинг қиймати, темир йул тариф ива етказиб бериш харажатлари).

**Франко-станция жўнатиш** шундай нархки, умол етказиб берувчи тўлов-талабномасининг суммаси, темир йул тариф ива маҳсулотни валюта ортиш харажатлари йиғиндисидан иборат.

**Белгиланган станцияга франко-вагон** шундай нархки, бунда мол етказиб берувчи тўлов-талабномасига фақат темир йўл тарифи суммаси қўшилади.

**Белгиланган станциягача франко.** Бунда жўнатиш бяйича барча харажатлар темир йул тарифи қўшилган ҳолда мол етказиб берувчи томонидан тўланади.

Нархнинг **франко-омбор харидор турида** мол етказиб берувчи кўрсатилағ харажатлардан ташқари харидорнинг станциядаги ортиб-тушириш ишлари, унинг омбордаги ва омборига етказиб беришлари бўйича харажатларни тўлайди (қоплайди).

Бизнинг республикамида энг кенг тарқалган тялов тури франко-станция жўнатиш ҳисобланади.

**Хўжалик шартномаси** – бу корхоналарнинг хўжалик муносабатлари ўрнатиш ҳакидаги ўзаро келишувидир. Шартнома томонлар мажбурияти ва ҳуқуқлари белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Юз берган шароитни ҳисобга олиб, вақти-вақти Билан шартнома шартлари кўриб чиқилиши ва уларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Агар корхона белгиланган номенклатурадаги маҳсулот жўнатиш юзасидан шартнома шартларини жазо чоралари кўлланилади. Демак, шартнома Билан расмийлаштирилган ҳар бир режали буюртма корхона ходимлари учун бажарилиши шарт бўлган қонундир. Бундай тартиб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юқори иш унумдорлигига эришишни таъминлайди.

Белгиланган муддатда маҳсулот жўнатиш режасининг бажарилмаганлиги учун жарима тўлаш чораси кўлланилади. Жарима миқдори маҳсулот жўнатиш шартларига қараб аниқланади.

Маҳсулот омбордан харидор корхона вакили ишончномаси асосида жўнатилади ва бундай товар транспорт накладной ҳужжати Билан расмийлаштирилади. Баҳо преискурантида таралар қийматини тўлаш тартиби, молни ташиш Билан боғлиқ бўлган транспорт харажатларининг қанча суммаси молнинг улгуржи баҳосига қўшилганлиги кўрсатилади. Транспорт учун харажатларнинг мол сотувчи корхона ҳисобидан қанча

тұланиши кераклигини билиш учун «Франко» атамасидан фойдаланилади. Амалда «молни қабул қилиб олиш станция франко», «молни жүннатиш станция франко» баҳолари құлланилади. «Молни қабул қилиб олиш станция франко» баҳоси товарларни ташиш Билан боғлиқ транспорт харажатлари мол сотувчи корхона томонидан тяланиши билдиради, чунки бу харажатлар товарнинг улгуржи баҳосыда ҳисобга олинган. «Молни жүннатиш станция франко» баҳоси белгиланған станциягача тяланған темир йул харажатлари тұлов-талабномасыда күрсатылған бўлади ва у харидор корхоналардан ундириб олинади. Харидор корхоналарга жүннатилған товарлар Бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасидаги 9110-счёtdа ҳисобга олинади.

Омбордан харидорларга жүннатилған товар қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Д-т 9110-«Сотилған тайёр маҳсулот таннархи» счёти.

К-т 2810-«Тайёр маҳсулот» счёти.

Жүннатилған товарларнинг аналитик ҳисоби ўз вақтида банк инкассасига берилған ҳисоб-китоб хужжатлари бўйича, тўлаш муддати етган ва тялаш муддати етмаган ҳисоб-китоб хужжатлари бўйича алоҳида ҳамда тўлашга қабул килинмаган, маъсул сақлашда бўлған жүннатилған товарлар алоҳида ҳисобга олинади. Ушбу счёtnинг дебет томонида жүннатилған тайёр маҳсулотлар қийматидан ташқари, четга бажарилған ишва хизматлар қиймати, капитал қурилиш бўлими, ишлаб чиқаришга таалукли бялмаган ишлаб чиқариш ва хўжаликлар учун бажарилған иш ҳамда хизматлар қиймати, сотишига мўлжалланған ортиқча материаллар қиймати ва бошқалар ҳам акс эттирилади. Жўннатилған товарлар аналитик ҳисобида саноат ҳарактеридаги тайёр маҳсулот, бажарилған и шва хизматлар, ёрдамчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноатга таалукли бўлмаган бажарилған иш ва хизматлар, маъсул сақлашга қабул килинған маҳсулотлар алоҳида-алоҳида ҳисоб қилинади. Маҳсулот сотилғандан сўнг сотилған маҳсулот қиймати 9110-счёт кредитидан «Пул мабалғлари» счёти дебетига ёзилади. Жорий ҳисобда жўннатилған товарлар режа таннархи ёки улгуржи нархда баҳоланиши мумкин.

Жўннатилған ва сотилған маҳсулотларнинг ҳақиқий таннархи қуйидагича ҳисобланади:

T/p	Кўрсаткичлар	Ҳисоб баҳоси	Ҳақиқий таннархда
1.	Жўннатилған товарларнинг ой бошига қолдиги	2000	1800
2.	Ҳисобот ойида жўннатилған товарлар	12000	10200
	Жами:	14000	12000
3.	Жўннатилған товарлар ҳақиқий таннархининг унинг ҳисобилидаги қийматига нисбати	12000x100=90% 14000	
4.	Жўннатилған товарнинг ой охирига қолдиги	3000	2700
5.	Ҳисобот ойида сотилған маҳсулотлар	11000	9300

### 3. Маҳсулотларни сотиши натижасининг ҳисобда кўрсатилиши

бизга мҳар бир корхона ўзи ишлаб чикарган маҳсулотни реализация қиласида ваш у Билан хўжалик жараёнларининг якунловчи босқичи содир бялади. Маҳсулотни реализация қилиш учун эса катор харажатлар қилинадики, бозор иқтисодиёти шароитида улар корхонада содир бўладиган харажатларнинг асосий салмоғини ташкил этади. Шунинг учун ҳам Ушбу маҳсулот реализацияси Билан боғлиқ бўлған харажатларни туғри, аниқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш ҳар бир корхонанинг молиявий натижаларини аниқлашда мухим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқариш жараёни Билан туғридан-туғри боғлиқ бўлмаган, реализация бўйича харажатлар, бошқарув харажатлари, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатлари ва бошқа харажатлар ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш қуидаги счёtlарда амалга оширилади:

9410-«Сотиш бўйича харажатлар (савдо ташкилотлари учун «Муомала харажатлари»).

9420-«Маъмурий харажатлар»

9430-«Бошқа операцион харажатлар».

9440-«Келгусида солиқка тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари».

Давр харажатларининг таркиби «Маҳсулот (иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби туғрисида»ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори) ва мазкур қарорга киритилган ўзгаришлар «Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларни шакллантириш тартибини такомиллаштириш туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 октябрдаги 444-сонли қарори ҳамда «Товар моддий захиралар» номли 4-сонли Бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандарти Билан тартибга солинади.

9410-«Сотиш бўйича харажатлар» счётида маҳсулотни етказиб бериш бўйича харажатлар, яъни маҳсулотни харидорга етказиб бериш, транспорт воситаларига ортиш, маркетинг Билан шуғилланувчи ходимлар ва бўлимларнинг харажатлари ва бошқалар Билан боғлиқ чиқимлар ўз аксини топади.

9420-«Маъмурий харажатлар» счётида корхонани бошқариш бўйича харажатлар, умуммаъмурий аҳамиятидаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик аҳамиятидаги биноларнинг ижара ҳаки, ахборот, аудиторлик ва маслаҳат хизматлари учун тўловлар ва бошқа харажатлар ҳисобга олинади.

9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфланган харажатлар, бошқарув тизими ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш харажатлари, ходимларга моддий ёрдам ва бошқа харажатлар ҳисоб қилинади.

9440-«Келгусида солиқка тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари» счёти 9900-«Якуний молиявий натижা» счёти Билан ёпилади. Ҳисобот даври давомида бу счёт дебетида тўпланган маълумот 012-«Кейинги даврнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар» номли балансдан ташқари счёт дебетига ёзилади.

9410-«Сотиш бўйича харажатлар» счётига қуидаги счёtlар очилиши мумкин:

9411-«Сақлаш ва транспорт ташии бўйича харажатлар».

9412-«Реклама ва сотувга рағбатлантириш харажатлари».

9413-«Ўраш, сортларга ажратиш ва идиш харажатлари».

9414-«Мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари».

9415-«Мехнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратма».

9419-«Бошқа муомила харажатлари».

Маҳсулот реализацияси Билан боғлиқ харажатлар ҳисобот ойи давомида 9410-счёт дебетида йиғиб борилади ва ой охирида мазкур счёtda йиғилган барча харажат суммалари Ушбу счёт кредитидан 9910-«Якуний молиявий натижা» счётининг дебетига ўтказиш Билан ҳисобдан чиқарилади. Бу счёт транзит счёт ҳисобланади ва унда ой охирига қолдиқ қолмайди. Маҳсулот реализацияси Билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ва ҳисобдан чиқаришни синтетик счёtlарда қуидагича акс эттириш мумкин:

Таблица

Корхона маблағларининг айланиш жараёни маҳсулот сотилиши Билан тугалланади. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, корхона фаолиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири бу товар маҳсулотининг солишиш къарсаткичидир. Ҳисобот ойида маҳсулот сотилиши Билан боғлиқ операциялар бўйича сотилган маҳсулот турларининг сони, маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархи ва сотишдан олинган молиявий натижани аниқлаш бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистое Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солик қўмитасининг 2002 йил 14 январдаги 15-ва 2002-12-сон қарори Билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигига 13 март 2002 йилда 1109-сон Билан рўйхатдан ўтган (кейинги ўзгартиришлар киритиши билан) «Юридик шахсларнинг даромади (фойдаси)га солинган соликни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тарбиби туғрисидаги йуруқнома»га кўра, молия йилида солик солинадиган даромад (фойда га эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловлар ҳисобланади.

Даромад (фойда) солиғининг обьекти бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекс ива «Маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, жами даромад Билан харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланган, кўрсатилган Низомнинг иловаларига мувофиқ белгиланган харажатлар суммасига корректировка қилинган сумма ҳисобланади.

Мазкур йуриқномага кўра, корхоналар жўнатилган маҳсулот, бажарилган и шва хизматлар юзасидан, Ушбу маҳсулот, и шва хизматлар қийматини тўлаш вақти ҳамда ҳақиқатдан пул келиб тушишидан қатъи назар, жўнатилган маҳсулот, и шва хизматлар қийматидан давлат бюджетига солик ҳисоблашлари ва уни бухгалтерия ҳисобида ўша ҳисобот даврида акс эттиришлари лозим.

Демак, юқорида айтилган асосида шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳозирги хўжалик юритида корхоналар ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган и шва хизматлар пулнинг қачон келиб тушишидан қатъи назар, улар харидор корхоналарга жўнатилган вақтдан бошлаб реализация килинган деб ҳисобланади. Маҳсулот (иш, хизмат) реализация бухгалтерия счётиларида қуидагича акс эттирилади:

Таблица.

«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи» 9110-счётида жўнатилган тайёр маҳсулот таннархи ҳисоб қилинди. Хўжалик юритувчи субъектлар жўнатилган маҳсулот, бажарилган и шва хизматлар учун ҳисоб-китоб ҳужжатларини харидорга (буортмачига) тақдим этгандан сўнг, жўнатилган маҳсулот, и шва хизматлар таннархи суммасини тегишли счёtlар кредитидан (2810,2820) 9110-«Сотилган тайёр маҳсулот таннархи», 9130-«Бажарилган и шва кўрсатилаг хизматлар таннархи» счёtlарининг дебетига ёзади.

Ҳисобот даври охирида 9110, 9130-счёtlарда аниқланган дебет томони обороти жами 9910-«Якуний молиявий натижажа» счёtinинг дебетига ёзилади. Сотилган маҳсулот таннархини ҳисобга олувчи счёtlарнинг амалда қўлланилиши корхонада қўлланиладиган товар-моддий захираларни ҳисобга олиш усулига боғлиқ.

Агар товар-моддий захираларнинг тўхтовсиз ҳисоби қўлланилса, ҳар бир маҳсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнидаги харакати харажат счёtlарида тўпланиб борилади. Тайёр маҳсулот реализация қилинганда, сотилган маҳсулот таннархи 9110-счёт ва тешгишли (2810, 2820) счёtlарининг кредити Билан корреспонденцияланган ҳолда акс эттирилади. Бу усулга карама-карши товар-моддий захираларни даврий ҳисобга олиш усули мавжуд. Бу усусл қўлланилганда ҳар бир маҳсулот таннархи ҳисобот даври давомида 9140-«Такрорланиб турадиган ҳисоботда ТМБни олиш (харид қилиш)» счётида тўпланади, аммо сотилган маҳсулот таннархи инвентаризация ўтказилгандан кейин аниқланади. 9150-«Такрорланиб турадиган ҳисоботда ТМБ бўйича тузатишлар» вақтинчалик счётидан инвентаризация натижаларини акс эттириш учун ҳисобот даври

охирида фойдаланилади. 9150-счёт 9900-«Якуний молиявий натижә» счёти Билан ёпилади.

Сотилган маҳсулотнинг таннархи счёtlарнинг кредити бўйича оборотларни ва Ушбу счёtlарнинг (9110,9130) аналитик маълумотларни акс эттириш учун мўлжаллланган 11-журнал-ордернинг синтетик кўrsatкичлари асосида ортиб жўнатиш ва реализация ҳисоби ташкил қилинади. 11-журнал-ордер 15-16-ведомостларнинг аналитик маълумотлари асосида тўлдирилади. Шуни билиш муҳимки, 9110 ва 9130-счёtlарнинг аналитик маълумотлари 11-журнал-ордерда ҳақиқий таннарх, ҳисоб нархлари, тақдим этилган счёт суммалари бўйича ва қўшилган қиймат солиғини акс эттириш Билан оборотда нафақат ҳисбот ойи учун, балки йил бошидан бўлган ҳолда келтирилади.

Таблица.

#### **4-Экспорт операцияларини ҳисобга олиш**

Товарларни экспорт қилиш, товарларни жўнатиш шартномаси асосида амалга оширилади. Экспорт операцияларининг бухгалтерия ҳисоби синтетик счёtlарда юритилади:

Таблица.

#### **5-Импорт қилинган товар-моддий бойликлар ва бошқа активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш**

Чет эл валютасида операцияларининг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисботларда акс эттириш тартиби ҳақидаги Низомга мувофиқ, импорт қилинган товар-моддий бойликлар ва бошқа активларнинг сотиб олиниш қиймати қўйидагича формула бўйича аниқланади:

$$C = K_c + T + \Pi_p,$$

Бунда, С- импорт қилинган товар-моддий бойликлар ва ускуналар сотиб олиниш қиймати;

$K_c$ - буюк божхона декларацияси тўлғазилган муддатга Марказий банк курси асосида аниқланган импорт қилинган товар-моддий бойликлар ва ускуналар шартномавий қиймати;

T – божхона тўловлари;

$\Pi_p$  – бошқа харажатлар.

Қўшимча қиймат солиғи тўловчи корхоналар импорт қилинган товарлар сотиб олиниш қийматига қўшимча қиймат солиғини қўшмайдилар. Бу солиқ бюджетга умумбелгиланган тартибда тўланади.

Корхонанинг ўзининг мақсадлари учун фойдаланиладиган асосий воситалар ва номоддий активлар сотиб олиниш қийматига бухгалтерия ҳисобида қўшилган қиймат солиғи қўшилган ҳолда акс эттирилади.

Юк божхона декларацияси тўлғазилган муддатда Марказий банк курси бўйича кабул қилинган товар-моддий бойликлар ва ускуналар қиймати бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

Таблица.

Қарзга олинган маблагларнинг аналитик ҳисоби карз берувчилар ва кредитларни коплаш муддати бўйича тегишли ҳисоб регистрларида юритилади.

#### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Тайёр маҳсулот ва уларни сотишда қулланиладиган хужжатлар қандай

2. Тайёр махсулот ва уларни сотишнинг хисоби қайси счетларда хисобланади.
3. Махсулотларни сотиш натижасининг хисоби қайси счетларда кўрсатилади.

**Таянч сўз ва иборалар:**

1. Субъектнинг синиши
2. Хужалик суди
3. Баланс киймати
4. Субъектнинг ялли даромади
5. Кафолат
6. Дебитор
7. Кредитор
8. Контракт
9. Буюртма
10. Гаров
11. Күшилган киймат солиги
12. Акциз солиги
13. Божхона, божхона туловлари
14. Франко
15. Маркетинг
16. Бахо
17. Тулов талабномаси
18. Фойда
19. Инвентаризация
20. Хужжатлаштириш
21. Хисобот
22. Конун
23. Низом
24. Йурикнома
25. Бухгалтерия
26. Буйрук.

## **10-мавзу. Капиталлар, фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби**

режа

1. Жамиятлик мулк ҳисоби устав капиталини тузиш ва уни ҳисобга олиш
2. Устав фондининг узгариши
3. Мамлакатлик корхоналарнинг киссадорлик жамиятга утишида устав фондининг ҳисоби
4. Фойда ва зарарни ҳисобга олиш
5. Фойдани фойдаланишнинг ҳисоби
6. Таксимланмаган фойданинг (копланмаган зарарнинг) ҳисоби

### **1. Жамиятлик мулк ҳисоби устав капиталини тузиш ва уни ҳисобга олиш**

Бозор муносабатларининг ривожланиши корхона фаолиятини молиявий таъминлашда, маблағлар таркиби ва тузилишида қатор ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади.

Бундай шароитда корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун ўзининг маблағларига эга бўлиши лозим. Корхонанинг ўз мабалғлари турли молия ресурсларидан ташкил топиши мумкин. Масалан, устав фонди, тақсимланмаган фойда, маҳсус максадларга мўлжалланган фондлар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш билан, яъни кичик корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари, ҳамкорликдаги корхоналар ташкил бўлиши билан, таъсисчилар томонидан корхонага қўйилган улушлар корхона маблағи манбаларини ташкил топади.

Хозирги вақтда мулкчилик шаклларидан қатъи назар, корхоналарда устав фонди миқдори мазкур корхона ташкил бўлганда тасдиқланган таъсис хужжатларида кўрсатилган миқдор билан мувофиқ келиши лозим. Унинг миқдори йил давомида ўзининг мулкчилик шаклини ўзгартирмайдиган корхоналарда ўзгармайди. Давлат корхонаси хусусийлаштирилганда мазкур корхона мулкининг сотиб олиниш қийматини аниқлаш талаб қилинда, чунки таъсис хужжатида устав фонди миқдорини кўрсатиш лозим.

**Устав капитали** – бу таъсис хужжатида белгиланган корхона мулкини белгилашда, унинг фаолиятини бир маромда юргизиша таъсисчиларнинг пул ифодасида қуйган маблағларнинг йиғиндисидир.

Устав фондининг бухгалтерия ҳисоби 8300-«Устав капитали» счётида юритилдаи. Бу счётда корхона ўзига қарашли маблағлар манбалари ҳисобини қуидаги счёtlар юритади:

- 8310-«Оддий акциялар».
- 8320-«Имтиёзли акциялар».
- 8330-«Пай ва улушлар».

8300-«Устав капитали» счётида давлат корхоналари устав фонди, ҳиссадорлик ва ўртоқлик жамиятлари устав капиталини ҳисобга олишга мўлжалланган. Бу счётда рўйхатга олинган миқдор чегарасидаги ҳақиқий устав капитали ёки тўланган акцияларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Устав капиталининг миқдори рўйхатга олинган устав капитали ёки тўланган акцияларнинг миқдори рўйхатга олинган устав суммасидан ошиб кетмаслиги керак. Иштирокчиларга улар улуши (пай) бир қисмининг қайтарилиши устав капитали суммасини камайтирмаслиги лозим, балки ҳиссадорлик жамияти ўз акцияларини сотиб олиши, деб расмийлаштирилади. Бу субсчёт буйича аналитик ҳисоб чиқарилган ҳамда тўланган акциялар турлари, «таъсисчилар ва обуначилар» шахсий счёtlари бўйича маълумотлар билан таъминланиши лозим.

8310-«Оддий акциялар» счёти оддий акцияларни ўзида мужассам этган акционерлик капитали холати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акционерлик жамияти давлат рўйхатидан ўтганидан кейин, унинг устав капитали рўйхатидан ўтказилган суммада счёtlарда акс эттирилади. Бунда қуидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Д-т 4610-«Устав капиталига тўлов бўйича таъсисчилар қарзи».

К-т 8310-«Оддий акциялар».

Акционерлик жамияти ўзининг устав капиталини кўпайтириши мумкин. Бунинг учун янги акциялар чиқариши ёки акциялар номинал қийматини ошириши мумкин.

8320-«Имтиёзли акциялар» счёти имтиёзли акциялар кўринишида чиқарилган акционерлик капитали ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциялар 8310-«Оддий акциялар» ва 8320-«Имтиёзли акциялар» счёtlарида номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади.

8310-«Оддий акциялар» ва 8320-«Имтиёзли акциялар» счёtlари бўйича аналитик ҳисоб устав капиталининг таркиб топиш босқичлари ва таъсисчи корхона бўйича маълумотларни таъминлаши лозим.

8330-«Пай ва улушлар» счёти мулкдор капитали ёки унинг ташкилий-ҳукукий шаклига боғлик ҳолда иштирокчилар улуши кўринишидаги корхона устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Корхона рўйхатдан ўтказилгандан кейин унинг устав капитали, уставда акс эттирилган ва таъсисчилар пай ва улушлари суммаси счёtlарида куйидагича акс эттирилади:

Д-т 4610-«Устав капиталига тўлов бўйича таъсисчилар қарзи».

К-т 8330-«Пай ва улушлар».

Давлат корхоналари ўзларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бошлиши учун умум давлат фондидан маълум миқдорда асосий воситалар ва оборот маблағлари ажаратилади, улар корхоналарга доимий фойдаланиш учун биритирилади. Асосий воситалар корхоналарга ишлаб чиқариш режасини бажаришини таъминлайдиган миқдорда, оборот маблағлари эса ушбу маблағларнинг энг кам миқдорини таъминлайдиган норматив бўйича ажратилади. Уларнинг манбалари корхона устав фондини ташкил қиласи.

## 2- Ҳиссадорлик жамиятларининг турлари ва уларнинг бошқа корхоналардан фарқ қиласидан томонлари

Ҳиссадорлик жамияти ва жавобгарлиги чекланган жамият юридик шахслар ёки фуқоралар билан келишилган ҳолда тузилган бўлиб, уларнинг мулкини умумлаштиради. Мазкур мол мулк чегарасида мажбурият учун уларнинг ҳар бири маъсулият ҳис этади. Ҳиссадорлик жамиятнинг устав фонди акционерлар томонидан сотиб олинадиган акцияларга бўлинган, жавобгарлиги чекланган жамият устав фонди эса унинг аъзолари томонидан сотиб олинадиган бир неча улушларга бўлинади. Ҳиссадорлик жамияти инқизорзга учраганда, акционерлар ўзларига тегишли акция қиймати миқдорида зарар кўрадилар.

Ҳиссадорлик жамиятларининг бошқа корхоналардан фарқи шуки, уларнинг мол-мулки, юқорида таъкидланганидек, акционерлар мол-мулки ҳисобидан ташкил топади. Жамият ҳеч қандай юқори ташкилот кўрсатмасиз мустақил, эркин фаолият олиб бориб, акционерлар ҳиссадорлик жамиятини бошқаришда иштирок этади.

Бошқа турдаги корхоналардан ҳиссадорлик жамиятининг яна бир фарқи шундан иборатки, жамият даромади турли тўловлардан сўнг жамият аъзоларига уларнинг жамиятга қўшган мол-мулк улушкига мувофиқ дивидент кўринишида тақсимлаб берилади.

Демак, юқорида айтилганларидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ҳиссадорлик жамияти ўзининг фаолиятини давом эттира олиши учун у фақат даромад олиб ишлаши, унинг аъзолари эса ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятини бошқаришда, бошқарувини,

технологиясини такомиллаштиришда фаол иштирок этмоқлари лозим. Шундагина жамият аъзолари унинг фаолиятидан моддий манфаатдор бўладилар.

Хиссадорлик жамиятларида устав фонди миқдорининг кейинги ўзгариши ва 8300-счётга ёзув таъсис ҳужжатига, маълумотномаларга ўзгариш киритилганда белгиланган тартибда амалга оширилади. Масалан, устав фонди миқдорининг ўзгариши йил охирида жамият аъзолари ёки мулкдорлар йиғилишида корхона йиллик ҳўжалик фаолияти натижаларини кўриб чиқиши натижасида юз бериши мумкин. Йиғилиш иштирокчилари устав фонди миқдорини ўзгартириш ҳақидаги қарор чиқаришлари мумкин, устав фонди миқдори таксимланмаган фойда, маҳсус максадларга мўлжалланган фондларнинг ишлатилмай қолган маблаги ёки муомила акциялар чиқариш ва бошқалар ҳисобига ошиши мумкин. Таъсис ҳужжати ва давлат рўйхати реестрига ўзгартириш киритилгандан сўнг 8300-«Устав капитали» счётига ёзув ёзилади.

Акция кимматли қоғознинг бир тури ҳисобланади. Умуман, қимматли қоғозларга акциялар, облигациялар, омонат касса сертификатлари киради.

**Акция** хиссадорлик жамиятлари, корхона, ташкилотлар, тижорат банклари томонидан муомилага чиқарилади. Бу қимматли қоғоз тури ўз эгасига корхона оладиган фойдасининг бир қисмини дивидент кўринишида олиш ҳуқукини беради. **Дивидент** – бу акциядорлик жамиятининг ҳисобот даврида олинган ва акцияларга қараб акционерлар ўртасида тақсимланадиган фойдаси.

Қуйидаги турдаги акциялар фарқланади:

- 1) меҳнат жамоалари;
- 2) корхона;
- 3) хиссадорлик жамиятлари акциялари.

Меҳнат жамоалари акциялари корхона, бирлашма ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар томонидан чиқарилиб, факат шу меҳнат жамоаларининг аъзоларигина сотилади. Корхона акциялар корхона, ташкилотларидан ташқари яна тижорат банклари, ҳўжалик жамиятлари томонидан чиқарилади. Улар бошқа корхона ва ташкилотлар, ихтиёрий тарзда тузилган жамиятлар ҳамда банкларга тарқатилади. Хиссадорлик жамиятлари акциялари эса жамият аъзолари ўртасида тарқатилади. Бу акция эгаларининг бошқа акция эгаларидан фарқи шундаки, агар хиссадорлик жамияти тарқатилиб юбориладиган бўлса, у ҳолда жамият мол-мулки жамият аъзолари ўртасида тақсимланади.

Акция қуйидаги маълумотларни ўзида акс эттириши лозим: акцияни чиқарган корхона ёки ташкилот номи, унинг жойлашган жойи, қимматли қоғоз номи, унинг тартиб рақами, чиқарилган муддати, чиқарилган акциялар сони, дивидент тўлаш муддати, корхона ёки ташкилот раҳбари имзоси, дахлдор шахс имзоси. Хиссадорлик жамиятида акцияларни чиқариш унинг устав фонди миқдорида амалга оширилади. Агар давлат корхонаси хиссадорлик жамиятига айлантирилган бўлса, унинг бутун мол-мулки миқдорида акция чиқарилади. Меҳнат жамоалари ҳамда корхона акциялари жамоа ва корхона аниқлаган миқдорда акциялар чиқаради. Меҳнат жамоалари акциялари ва хиссадорлик жамияти акциялари жамият ҳамда жамоа аъзолари томонидан шахсий мулк сифатида сотиб олинади.

Акция учун дивидент меҳнат жамоалари, хиссадорлик жамияти фойдаси ҳисобидан тўланади. Хиссадорлик жамияти акциясининг эгалари мазкур жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Меҳнат жамоалари ва корхона акциялари эгалари бундай ҳуқуқга эга эмаслар.

Меҳнат жамоалари ва корхона акцияларини муомилага чиқаришдан асосий мақсад кўшимча молия маблағларини амалда фойдаланишга жалб қилишдир. Бу акция турлари акция чиқарувчи корхона ҳамда ташкилотларда мулкчилик шаклини ва ҳуқуқий ҳолатини ўзгаришига имкон бермайди. Қимматли қоғозлар туғридан-туғри унинг эгалари ёки банк орқали сотилади.

**Фонд биржаси** – бу қимматли қоғозлар олиб сотиладиган савдо жойи. Ҳиссадорлик жамиятлари пайдо бўлиши билан мамлакатда қимматли қоғозларнинг дастлабки бозор элементлари ҳам пайдо бўла бошлади. Бир вақтнинг ўзида корхоналарни узоқ муддатли молия маблағлари билан таъминлашда қимматли қоғозларнинг роли ошади. Уларни сотиш ва сотиб олиш фақатгина фонд биржаларида амалга оширилади. Фонд биржалари қимматли қоғозларнинг иккинчи бозори, яъни қимматли қоғозларни сотувчи ва сотиб олувчининг учрашадиган жойи ҳисобланади.

Хусусий капитал хўжалик юритувчи субъектнинг актив ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқни ўзида мужассамлаштиради.

Ўз навбатида, хусусий капитал икки гурухга бўлинади:

Куйилган капитал (инвестиция ва тақсимланмаган фойда).

Мамлакатимиз худудида ва хорижда тузилган бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларига, авлод, қўшма корхоналарнинг устав капиталлари (фондларига узоқ муддатли кўйилмалар (инвестицияларнинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш куйидаги счёtlарда оширилади:

0610-«Қимматбаҳо қоғозлар».

0620-«Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар.

0630-«Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар.

0640-«Бошқа узоқ муддатли инвестициялар».

Активларни инвестицияларга киритиш тартиби ва уларнинг турлари 12-сон «Молиявий инвестициялар ҳисоби», 8-сон «Консолидациялаштирилган молиявий ҳисботлар ва авлод хўжалик жамиятларида инвестициялар ҳисоби», 14-сон «Молиявий ҳисботда қўшма фаолиятда қатнашиш улушкини акс эттириш» номли Бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари билан тартибга солинади.

**Молиявий инвестициялар** – бу фоизлар, дивидентлар, роялти ёки ижара ҳаки, инвестициялашган капитал қийматининг ошиши қўринишида даромад олиш ёки инвестицияланган томондан бошқа тушумларни олиш максадида хўжалик юритувчи субъект ихтиёридаги активлардир.

**Узоқ муддатли инвестициялар** – бу муддати 12 ойдан ортиқ бўлган инвестициялардир.

0610-«Қимматли қоғозлар счётида давлатнинг фоизли заемларига, акционерлик жамиятлари акцияларига ва бошқа қимматбаҳо қоғозларга узоқ муддатли молиявий кўйилма (инвестицияларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0620-«Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар».

0630-«Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар».

0640-«Хорижий сармоя қатнашган корхоналарга инвестициялар» счёtlарида авлод, қўшма, қарам, уюшган корхоналарда узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Акциялар, обилигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар бу кўйилмалар ҳисобига берилган бойликларни ҳисобга олувчи счёtlарнинг кредитидан 0610-счётининг дебетига харид қилиш қийматида ҳисобга олинади.

Таблица

0610-0690-счёtlари бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли молиявий кўйилмаларнинг турлари ва обьектлари бўйича юритилади.

таблица

## 2. Устав фондининг узгариши

Мулкчиликнинг тегишли шаклларига таалуқли корхоналарда устав фондини ташкил қилиш тартиби таъсис хужжатларида ва ҳукуматнинг тегишли қонунлари асосида тартибга солиб турилади. Устав фонди ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби 8300-«Устав

капитали» счётида, 13-журнал-ордерда юритилади. Ҳиссадорлик жамияти давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин, иштирокчилар улуши умумий суммаси, акциялар суммаси счёtlарида қуидагича акс эттирилади:

Талица.

Иштирокчилар улушининг ҳақикатда (нақд пул билан, материал, асосий восита, номатериал актив кўринишида ҳисоб-китоб ёки валюта счётига нақд пўлсиз ўтказилиши) келиб тушиши счёtlарда қуидагича акс эттирилади:

Таблица.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, устав фондининг аналитик ҳисоби иштирокчилар (таъсисчилар) бўйича карточкалар ёки ведомостларда юритилади. Ҳиссадорлик жамияти шаклида ташкил қилинган корхоналарда 8300-«Устав капитали» счётида қуидагича субсчёtlар очилади:

8310-«Оддий акциялар».

8320-«Имтиёзли акциялар».

8330-«Улушлар ва тўловлар».

Ҳиссадорлик жамиятининг ўз акцияларини акционерлардан сотиб олиши, сотиши ёки бекор счёtlарда қуидагича акс эттирилади:

Таблица

Бу акцияларни кейинчалик қайта сотиш счёtlарида қуидагича акс эттирилади:

Таблица

Юқорида келтирилган ёзувлар натижасида 4610-счёtninig дебет томонидан ҳосил бўлган қолдиқ акционерларининг қарзини, яъни олинган акциялар учун тўланмаган маблағ ёки таъсис хужжатида эълон қилинган устав фондига қўшилиши лозим бўлган улуш миқдорини кўрсатади. Бу тўловлар ёки акция қиймати тўланганда келиб тушган маблағ суммасига 4610-счёt кредитланиб, устав фонди миқдори ўзгаришсиз қолдирилади.

Акционерлар сотиб олинган акциялар учун ҳиссадорлик жамияти фойдаси ҳисобидан дивидент оладилар. Унинг миқдори корхона хўжалик фаолияти натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Фойдадан бюджетга, солиқ, резерв фондига, корхона умумий мақсадлар учун дивидент тўланади.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар тегишли ҳисбот йилида олинган фойдадан қатъи назар акция қийматига нисбатан аввалдан белгиланган фоиз миқдорида корхона фаолияти натижалари муҳокама қилинганидан кейин жамоа умумий йифинида аниқланади.

Ҳиссадорлик жамиятлари фаолияти устав билан тартибга солиб турилади. Акционерлар ҳиссадорлик жамиятига қарашли мулк учун тўлиқ масъул эмаслар, уларнинг жавобгарликлари корхона устав фондига қўшиладиган улушлари (яъни улушларни ўз вақтида тўлаш ёки ўтказиш, акцияларга обуна бўлиш) билан чегараланади.

I. Устав фонди маблағининг харакат ҳисоби бўйича операциялар қуидагича акс эттирилади: 8300-«Устав фонди (капитали)».

4610-«Акционерлар жамиятдан чиққанда устав фондининг камайиши»  
Ҳиссадорлик жамиятининг зарари устав фонди ҳисобидан қопланганда камаяди.

C. Устав фондининг рўйхати олинган суммаси:  
а) рўйхатга олинган вақтда устав фондининг ташкил қилиниш суммаси.  
б) фойда ҳисобидан устав фондининг кўпайиши.  
в) тақсимланмаган фойда ҳисобидан устав фондининг кўпайиши.

II. Таъсисчилар билан ҳисоб-китоб бўйича операциялар қуидагича акс эттирилади:

4610-«Устав фондига тўловлар бўйича таъсисчилар қарзи»

С.-Ҳисбот ойи бошқа таъсисчилар қарз | Қарз кайтарилганда:

суммаси-устав фондига улуш юзасидан.	а) 0100-«Асосий воситалар». б) 0400-«Номоддий активлар». в) 5010, 5110, 5210-пул маблағлари. г) 1010-1090-бошқа активлар қўшилганда.
--------------------------------------	---

Муомилада қатнашаётган чиқарилган, яъни акционерлар аъзо бўлган ёки эълон қилинган (чиқаришга рухсат берилган) оддий акцияларнинг ҳар кайси чиқарилиши бўйича алоҳида аналитик ҳисоб юритилади ва ҳали чиқарилиши тутатилмаган, аммо рўйхатдан ўтказилган миқдорда шундай акциядорлик капитали сифатида акс эттирилди. Акциядорлик жамияти капиталининг хуқуқийлиги даражаси унинг номинал қийматини аниқлаб, акцияларни чиқаришга рухсат берилганлиги рўйхатдан ўтказишда белгиланади. Қимматли қоғозларни чиқаришни рўйхатдан ўтказиш тартиби, оддий ва имтиёзли акцияларни чиқариш шарти ва уларни банк томонидан сотиб олиш 26.04.1996 йил, 223-1-сонли «Акционерлик жамиятлари ва акционерлар хуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида»ги қонун ва 10.08.1998 йил, 423-сонли «Ўзбекистон Республикаси худудида қимматли қоғозларни руйхатдан ўтказиш ва чиқариш тартиби тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади.

Оддий акциялар 8310-счётда номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади, уларни сотишдан олинган номинал қийматдан ортиқ ёки кам суммаларнинг барчаси 8410-«Эмиссион даромад» счётида акс эттирилдаи.

Акционерлик жамоалари ўз устав капиталини янги акциялар чиқариш ва уларнинг номинал қийматларини ошириш йули билан купайтириши мумкин. Акционерлик жамиятлари устав капитали миқдорининг камайиши акциялар номинал қийматининг пасайиши ҳисобига ёки капиталга обуна тўғрисидаги хабарда обуна суммаси миқдорини қопламаган тақдирда корхоналар томонидан сотиб олиш ҳисобига рўй бериши мумкин.

8310-«Оддий акциялар» ҳисоби бўйича аналитик ҳисоб хўжалик юритувчи субъектлар бўйича ва капиталнинг шаклланиш босқичи бўйича ахборотларнинг шаклланишини таъминлаши шарт.

8320-«Имтиёзли акциялар» счёти имтиёзли акция кўринишида чиқарилган, овоз бериш хуқуқига эга бўлмаган, лекин акция эгасига дивидент кафолатини берадиган, яъни олинган фойдани тақсимлаш жараёнида оддий акция эгаларига нисбатан имтиёзга эга бўлган акциядорлар ҳақидаги маълумот олиш имконини беради. Имтиёзли акциялар ҳисоби акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади. Ушбу акцияларни номинал қийматидан 8410-«Эмиссион даромад» счётида ҳисоб қилинади.

8330-«Улушлар ва тўловлар» счёти хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий-хуқукий шаклларига асосан давлат ёки хусусий, қўшма корхоналарда қатнашувчиларнинг бадаллари ҳисобига ташкил қилинган капиталлар ҳракати билан операцияларни ҳисобга олишга мўлжалланган.

Уставда кайд қилинган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган таъсисчиларнинг улушки ва омонатларидан ташкил топган корхонанинг устав капиталини рўйхатдан ўтказилгандан кейин таъсисчилар улуш ва бадалларининг суммаси 8330-«Улуш ва бадаллар (тўловлар)» счётининг кредити ва 4610- «Устав капиталига тўловлар бўйича таъсисчиларнинг қарзи» счётининг дебетида ҳисоб қилинади.

Устав капитали счёти бўйича ҳисоб хўжалик юритувчи субъектнинг ҳар бир таъсисчиси айрим олган ҳолда юритилади.

8400-«Кўшилган қиймат капиталини ҳисобга оловчи счёtlар» асосан олинган оддий ва имтиёзли акциялар номинал қиймати суммасининг ошиши ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Кўшимча капитал номинал қийматидан юқори баҳо бўйича биринчи бор сотилган акциялардан олинган эмиссия даромадини акс эттиради. Бу счётда яна устав капиталига тўлов тўлашда вужудга келадиган курс фарқлари суммалари ҳам ҳисоб қилинади.

Кўшимча капитал ҳолати ва ҳаракати қўйидаги счёtlарда ҳисоб қилинади:

8410-«Эмиссион даромад».

8420-«Устав капитали таркиб топишидаги курс фарқлари».

8410-«Эмиссион даромад» счёти акция номинал қийматидан ошиқча олинган маблағлар ҳакида маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Маблағнинг келиб тушиши бу счётнинг кредит томонида, маблағнинг сарфланиши бу счётнинг дебетида ҳисоб қилинади.

Кўшимча тўланган капитал аналитик ҳисоби оддий ва имтиёзли акциялар бўйича алоҳида юритилади.

8420-«Устав капитали таркиб топишидаги курс фарқлари» счёти устав капитали таркиб топиши жараённида вужудга келадиган курс фарқларини ҳисобга олишга мўлжалланган.

Устав капитали таркиб топишида валюта ва валюта қийматликлари устав капиталига тўлов тўлаш моментида ҳаракатда бўлган республика Марказий банки курси бўйича баҳоланади. Валюта ва валюта қийматликларини, бошқа мулкни баҳолаш таъсис хужжатларини рўйхатга олиш вақтида уларни баҳолашдан фарқ қилиши мумкин. Ушбу фарқ 8420-счётда қилинади, бу счётларда қуидагича акс эттирилади:

#### Таблица

Резерв капиталини ҳисобга олувчи счёtlар корхона таъсис хужжатларига мувофиқ фойда ҳисобидан ташкил қилинадиган резервларни ҳисобга олишга мўлжалланган.

Резерв капиталининг ҳолати ва ҳаракати қуидаги счёtlарда ҳисоб қилинади:

8510-«Мол- мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар».

8520-«Резерв капитали».

8530-«Беғараз ёрдам тарзида олинган мол-мулк».

Резерв капиталини ҳисобга олувчи счёtlар бўйича аналитик ҳисоб шундай ташкил қилиниши керакки, маблағлардан фойдаланишини йуналтириш бўйича маълумотларнинг таркиб топишини таъминлаши лозим.

8510-«Мол-мулкни қайta баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида активларни қайta баҳолаш натижаси бўйича аниқланадиган улар қийматининг ошиши ҳисоб қилинади. Агар қайta баҳолаш натижасида актив қийматида камайиш содир бўлса, у ҳолда бу камайиш аввалги худи шу актив тури бўйича ошиши ҳисобига қопланади ва 8510-счёт дебетида акс эттирилади. Ушбу активлар бўйича қийматининг камайиш суммаси аввалга ошишдан ошибб кетса, у ҳолда ошган сумма чиқим деб ҳисобланади ва у 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади.

8510—счёт бўйича қолдиқ балансда «Резерв капитали» моддасида акс эттирилади.

8520-«Резерв капитали» счёти акционерлик жамиятлари, хамкорликдаги корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда резерв капитали ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Қачонки бу корхоналарда таъсис хужжатларига мувофиқ ва Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қонуниятларида резерв капиталининг таркиб топиши кўзда тутилган бўлса.

Резерв капиталининг маблағи умумий баланс заарларини қоплаш, қарзларни қоплаш ва қоплашнинг бошқа имкониятлари бўлмаган тақдирда бошқа мақсадлар учун резерв сифатида фойдаланилади.

#### Таблица

8530-«Беғараз ёрдам тарзида олинган мол-мулк» счёти бепул олинган мулкни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Бу операциялар счёtlарда қуидагича акс эттирилади:

таблица

5-Грантлар ва субсидияларни мақсадли молиялаштириш ва тушумларни ҳисобга олиш

а) грантлар ва субсидияларни ҳисобга олиш.

«Субсидия» сўзининг маъноси корхонага давлат томонидан пул ёки натура кўринишида кўрсатиладиган ёрдамни англатади. Давлат томонидан ёрдам уларга маълум шартларни бажаришлари учун, иқтисодиётни ривожлантиришда уларни рафбатлантириш мақсадида берилади. Давлат (хукумат) ёрдами ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин, дотация, субсидия ва ҳаказо.

Давлат субсидияларини ҳисобга олиш тартиби «Давлат субсидияларини ҳисобга олиш» -10-сонли Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартига мувофиқ амалга оширилади.

Грант ва субсидияларни ҳисобга оловчи счёtlар ва субсидиялар ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Грант ва субсидиялар корхона (компания) фаолиятини молиялаштириш манбай деб қаралади у хусусий капиталга қўшилади.

Грант ва субсидиялар ҳолати ва ҳаракати ҳисоби 8810-«Грантлар», 8820-«Субсидиялар» счётида юритилади.

Грант ва субсидиялар ҳар хил нодавлат ва халқаро ташкилотлар ва фонdlар маълум дастурларни амалга оширишлари учун ҳам берилиши мумкин.

Субсидия гарнtlарини хусусий капитал сифатида акс эттириш шарти бўлиб, улар маълум шартлар бажарилганда қайтарили маслиги лозим.

Таблица.

б) мақсадли молиялаштириш ва тушумларни ҳисобга олиш тартиби.

Мақсадли молиялаштириш ва тушумларнинг бухгалтерия ҳисоби шу номдаги 8800-счёtdа юритилади. Бу счёtdа асосан мақсадли йуналишдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун мўлжалланган маблағлар, бошқа корхоналардан кирим қилинган маблағлар, давлат органларининг субсидиялари (маблағ, пул, бериладиган ёрдам) ва бошқа маблағларнинг ҳаракати туғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. У ёки бу тадбирларни молиялаш сифатида олинган мақсадли маблағлар 8810-счётининг кредитида акс эттирилади.

8800-«Мақсадли киримларни ҳисобга олишга мўлжалланган счёт» қўйидаги счёtlардан ташкил топган:

8810-«Грантлар».

8820-«Субсидиялар».

8830-«Аъзолик бадаллари».

8840-«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёzlари».

8890-«Бошқа мақсадли киримлар».

Таблица

Мақсадли молиялаштириш ва тушумлар бўйича аналитик ҳисоб мабалғарини мақсадли тайинлаш ва мақсадли кирим маблағлари нуқтаи назарига қараб юритилади.

### **Қарзга олинган маблағларни ҳисобга олиш**

Қарзга олинган маблағлар икки турга бўлинади: қиска муддатли ва узок муддатли банк қарзлари. Қисқа муддатли қарзлар бир йилдан ошиқ бўлмаган муддатга, узок муддатли қарзлар бир йилдан ошиқ муддатга берилади. Бу қарз турларини ҳисобга олиш учун 6800-«Қисқа муддатли кредит ва қарзлар» ва 7800-«Узок муддатли кредит ва қарзлар» синтетик счёtlардан фойдаланилади. 6810-счёт бир йилдан ошиқ бўлмаган муддат учун давлат пулида ёки чет Эл валютасида олинган кредит ва бошқа маблағлар бўйича қарз берувчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Таблица.

7810-«Банкнинг узок муддатли кредитлари» счёti бир йилдан ошиқ бўлган муддатга давлат пулида ёки чет эл валютасида олинган кредит ва бошқа маблағлар бўйича қарз берувчилар билан ҳисоб-китобларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Таблица.

#### 4. Фойда ва зарарни ҳисобга олиш

Молиявий натижада дейилганда, корхона, бирлашма, ҳиссадорлик жамияти ва ҳоказоларнинг маълум ҳисобот даврида, унинг тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши (ёки камайиши) тушунилади. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги ҳамма фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш ҳамда баланс қилиш йўли билан аникланади. Фойда ва зарарларни ҳисобга олиш учун шу номдаги счётдан фойдаланилади. Бу счёт актив-пассив счёт бўлиб, қолдиқ унинг дебет ва кредит томонидан бўлиши мумкин. Дебет томонидаги қолдиқ зарарни, кредит томонидаги қолдиқ эса фойдана ифодалайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш-тижорат фаолиятидан кўпроқ даромад олишдан манфаатдор. Аммо нафакат фойда, балки юқорида таъкидланганидек, зарар ҳам корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолат корхона самара бермайдиган ишлаб чиқариш усуllibаридан фойдаланса ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар талабини қондирмаси рўй бериши мумкин.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги тизими шариотида фойда кўрсаткичи корхонанинг асосий ва оборот маблағларидан самарали фойдаланишни талаб ҳамда эҳтиёжга қараб ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган бўлиши, ишлаб чиқариш харидор учун хизамт қилиши лозим. Тўла хўжалик ҳисобининг муҳим тамойилии корхонанинг тўла мустақилликка эришуви ва харажатларни ўз маблағи ҳисобидан тўлиқ қопланишидир. Бу дегани, корхона маҳсулот сотишдан олган маблағидан ўзининг ҳамма харажатларини қоплайди ва ундан ташқари фойда ҳам олади. Фойданинг бир қисми бюджетга солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш учун сарфланади, қолгани эса корхона ихтиёрида қолади ва фаолиятни илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбай бўлиб ҳисобланади. Корхона ихтиёрида қолган маблағни қандай мақсадларга сарфлашни унинг ўзи мустақил равишда ҳал қиласди.

Фойда, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи соф даромаднинг шакллари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ташкил топиш механизми ва улардан фойдаланиш ўйналишлари бўйича бир-биридан фарқ қиласди. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи давлат бюджетига маҳсулот сотилганидан кейин ўтказилади, бу маблағ умумдавлат ҳамда умумхалқ мақсадлари учун сарфланади.

Фойда корхонанинг охирги молиявий натижаси ҳисобланади. У меҳнатга ҳақ тўлаш фонди билан бирга (фойданинг корхона ихтиёрида қолган қисми) корхона даромадини ташкил қиласди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фойда кўрсаткичини тўғри аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисобидан мазкур мақсадларга мўлжалланган фондлар, резерв фонди ташкил бўлади, капитал қўйилмалар молиялаштирилади ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Молия натижалари миқдорига жуда кўп омиллар таъсир этади. Масалан, инфляция, валютанинг ўзгариб туриши, кредит сиёсати ва бошқалар. Ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги юқорида санаб ўтилган омиллар таъсири ҳисобга олинган ҳолда молия натижалари ани қланиши, аникланаган молия натижаси ҳақиқатни аниқ ва тўғри акс эттириши лозим. Шунинг учун ҳам корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш ва олинган фойда миқдорини тўғри аниқлаш лозим. Фойда миқдорининг камайиши давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағ миқдорининг камайишига ва бу, ўз навбатида, бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар миқдорининг камайишига олиб келади. Зарарга ишлайдиган корхоналар эса охир-оқибатда «синади», яъни инқирозга юз

тутади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида амалдаги қонунларга кўра яхши ишлайдиган корхоналар фойдасини қайта тақсимлаш кўзда тутилмаган. Шунинг учун ҳам зарарга ишлайдиган корхоналар ўз харажталрини ўzlари қоплашлари, бунинг учун уни қоплаш йўлларини излаб топишлари керак.

Бозор иқтисодиёти шароитида молия натижаларини ҳисобга олиш корхона фаолиятида марказий ўринни эгаллайди ва қуйидагилар уни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- 1) олинган фойда миқдорини ҳар ойда ҳамда йил бошидан ўз вақтида ва тўғри ҳисобкитоб қилиш;
- 2) молия натижалари билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби счёtlарида ва тегишли регистрларда тўғри акс эттириш.

## **5. Фойдани фойдаланишнинг ҳисоби**

Якуний молиявий натижажа ҳисобот даврида корхона бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олинган ҳамма операциялар асосида аникланади. Корхона балансида кўрсатиладиган молиявий натижажа, яъни соф фойда уч қисмдан иборат бўлади:

- 1) асосий маҳсулот, иш ва хизматлар реализациясидан олинадиган молиявий натижажа (9010- «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинадиган даромад» счёти маълумотлари асосида аникланади);
- 2) асосий воситалар ва бошқа активлар (материал бойликлар, қимматли қоғозлар, номатериал активлар ва бошқа молия қуийлмалари) реализациясидан олинадиган натижажа (9310- «Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқа кўринишдаги ҳисобдан чиқаришлар» ва 9320- «Бошқа активлар реализациясидан ва бошқа ҳисобдан чиқаришлардан олинган фойда» счёtlари маълумотлари асосида аникланади);
- 3) реализация билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган молиявий натижажа (реализация билан боғлиқ бўлмаган даромад ва нобудгарчиликлар тўғридан-тўғри «Молиявий натижалар» счётида аникланади).

Ишлаб чиқариш корхоналари ялпи (баланс) фойдаси таркибида асосий ўринни маҳсулот, иш ва хизматлар реализациясидан олинадиган фойда ташкил қиласди. Бу фойда уч гурӯҳ омиллар таъсирида таркиб топади:

- 1) сотилган маҳсулотнинг ҳажми ва тури (ассортименти);
- 2) маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ харажатлар даражаси;
- 3) сотилган маҳсулотнинг баҳо даражаси.

Реализация билан боғлиқ бўлмаган даромад, харажат ва нобудгарчиликларга қуйидагилар киради:

- 1) Ҳамкорликдаги корхоналарда даромаддан олинадиган улуш, мулкни ижарага берганлиги учун олинадиган даромад.
- 2) Корхонага қарашли акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозлар учун олинадиган дивиденд.
- 3) Валюта курсининг ижобий ёки салбий фарқлари (валюта счёtlари ва чет эл валюта операциялари бўйича).
- 4) Корхона балансида ҳисобда бўлган уй-жой коммунал хўжалигидан фойдаланишдан олинадиган даромад (4110- «Алоҳида бўлинмалардан олинадиган счёtlар» счёти маълумотлари асосида аникланади).
- 5) Иқтисодий санкциялар кўринишида олинадиган ва тўланадиган суммалар (шартнома шартларини бажармаганлиги учун жарима, пенялар).
- 6) Тугатилган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича харажатлар.

«Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ, ҳозирги хўжалик юритиш тизими шароитида корхона фаолияти молиявий натижаси қўйидаги фойда кўрсаткичлари билан тавсифланади:

1) Махсулот сотишдан олинган фойда маҳсулот реализациясидан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулот таннархи ўртасидаги фарқ асосида аниқланади:

$$\text{Ялпи фойда} = \text{Реал олинган соф} - \text{Сотилган маҳсулот}$$

тушум

таннархи

2) Асосий фаолиятдан олинган фойда маҳсулот реализациясидан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги фарққа асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадни қўшиш ёхуд айриш йўли билан аниқланади:

$$\text{Асосий} = \text{Маҳсулот} + \text{Давр} + \text{Бошқа}$$

фаолиятдан

олинган ялпи

фойда

реализациясидан

олинган ялпи

харожатлари

- + даромадлар

Бошқа

заарлар

заарлар

3) Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки заар) қўйидаги алгебралик йўл билан аниқланади, асосий фаолиятдан фойдага дивиденdlар бўйича дараомад қўшилади, чет эл валютаси операциялари билан боғлиқ даромад ёки заарлар қўшиб ёхуд айрилади ва фоизлар бўйича харажатлар олиб ташланади.

$$\text{Умумхўжал} = \text{Асосий} + \text{Дивиденд} + \text{Фоизлар} + \text{Инвестицияни кимматли} - \text{Фоизлар}$$

ик фаолияти

фойдаси

фаолият

фойдаси

даромади

даромади

+ даромади

- қоғозга қайта баҳолашдан

даромад ёки заар

бўйича

харажаталар

$$\text{Солик тўлангунга қадар} = \text{Умумхўжалик фаолиятидан} + \text{Тасодифий фойда ва}$$

фойда

олинган фойда

- заарлар

4) Йилнинг соф фойдаси соликлар тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган кўрсаткич. Соликлар тўлангунгача фойдадан (даромаддан) соликлар ва бошқа бирор ерда ҳисобга олинмаган солик ҳамда тўловлар чиқариб ташланади:

$$\text{Йилнинг соф фойдаси} = \text{Солик тўлангунга қадар} - \text{Фойдадан солик, бошқа}$$

фойда

соликлар.

Молиявий натижаларнинг таркиб топиши ва улардан фойдаланиш «Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва реализация бўйича харажатлар таркиби ҳақида» ги Низом ва «Молиявий натижаларнинг таркиб топиши тартиби ҳақида» ги Низом (5 январ 1999 йил 54-сон) ҳамда Бухгалтерия ҳисоби

Миллий Стандартининг 2-3-4-сонлари билан тартибга солинади. Бунинг учун қуидаги счёtlар мўлжалланган:

- 9000- «Асосий фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга оладиган счёtlар».
- 9100- «Сотилган маҳсулот таннархини ҳисобга оладиган счёtlар».
- 9200- «Асосий воситалар ва бошқа активларнинг ҳисобдан чиқиб кетишини ҳисобга олувчи счёtlар».
- 9300- «Асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадларни ҳисобга оладиган счёtlар».
- 9400- «Давр харажатларини ҳисобга оладиган счёtlар».
- 9500- «Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларни ҳисобга оладиган счёtlар».
- 9600- «Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга оладиган счёtlар».
- 9700- «Фавқулодда фойда (зарар)ларни ҳисобга оладиган счёtlар».
- 9800- «Солик ва тўловларни тўлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобга оладиган счёtlар».
- 9900- «Якуний молиявий натижани ҳисобга оладиган счёtlар».

Сотилган тайёр маҳсулот, моллар, бажарилган иш ва хизматлар таннархи ҳақидаги маълумотлар қуидаги счёtlардан олинади:

- 9110- «Сотилган тайёр маҳсулот таннархи».
- 9120- «Сотилган товарлар таннархи».
- 9130- «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннархи».
- 9140- «Такрорланиб турадиган ҳисоботда ТМБ ни олиш (харид қилиш)».

Жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар учун харидорларга тақдим этилган ҳисоб-китоб хужжатлари суммасига қуидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Ҳисобот даври охирида 9110, 9120, 9130 – счёtlарнинг дебет обороти жами 9900 – «Якуний молиявий натижа» счёtinинг дебетига ёзилади.

Корхонага қарашли асосий воситалар ва бошқа активлар реализацияси ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар ҳақидаги маълумотлар қуидаги счёtlардан олинади:

- 9210- «Асосий воситаларнинг реализацияси ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар».
- 9220- «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқа ҳисобдан чиқаришлар».

Асосий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар ҳақидаги маълумотлар қуидаги счёtlар ёрдамида олинади:

9310- «Асосий воситалар реализациясидан ва бошқа ҳисобдан чиқаришдан олиндаг фойда».

9320- «Бошқа активлар реализациясидан ва бошқа ҳисобдан чиқаришдан олинадиган фойда».

9330- «Пеня, жарима ва бошқа тўловларни ундириш».

9340- «Ўтган йил фойдаси».

9350- «Қисқа муддатли ижарадан олинадиган даромадлар».

9360- «Кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар».

9370- «Хизмат күрсатувчи хўжаликлар даромадлари».

9380- «Беғараз молиявий ёрдам».

9390- «Бошқа операцион даромадлар».

ё

Асосий фаолиятдан олинадиган бошқа дараомадларнинг таркиб топиши Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартининг «Асосий фаолиятдан олинадиган даромадлар» 2-сони билан тартибга солинади.

Махсулот ишлаб чиқариш технологик жараёни билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган реализация бўйича харажаталар, бошқарув харажатлари, хизмат кўрсатувчи хўжаликлар харажатлари, бошқа операцион харажатлар ҳакидаги маълумотлар қўйидаги счёtlар ёрдамида олинади:

9410- «Сотиш бўйича харажатлар».

9420- «Маъмурий харажатлар».

9430- «Бошқа операцион харажатлар».

9440- «Келгусида соликқа тортилувчи базадан чиқариб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари».

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар қўйидаги счёtlарда ҳисоб қилинади:

9510- «Роятли кўринишдаги даромад».

9520- «Дивиденdlар кўринишидаги даромад».

9530- «Фоиз кўринишидаги даромад».

9540- «Валюта курсидаги фарқдан олинадиган даромадлар».

9550- «Узоқ муддатли ижарадан олинадиган даромадлар».

9560- «Қимматли қоғозларни қайта баҳолаш бўйича даромадлар».

9590- «Молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар».

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларнинг таркиб топиши Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартининг 2-сонли «Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар», 6-сонли «Лизинг ҳисоби», 12-сонли «Молиявий инвестициялар ҳисоби» билан тартибга солинади.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳакидаги маълумотларни қўйидаги счёtlардан олишимиз мумкин:

9610- «Фоиз кўринишидаги харажатлар».

9620- «Валюта курсларидағи фарқлардан кўриладиган заарлар».

9630- «Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар».

9690- «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар».

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар ва фаолият билан боғлиқ харажатларнинг таркиб топиши Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартининг 2-сонли «Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар», 6-сонли «Лизинг ҳисоби», 12-сонли «Молиявий инвестициялар ҳисоби» билан тартибга солинади.

Молиявий фаолият бўйича харажатларнинг счёtlарда акс эттирилишини қуида келтиришимиз мумкин:

Фавқулодда фойда ва заарлар 9710- «Фавқулода фойдалар» ва 9720- «Фавқулода заарлар» счёtlарида ҳисоб қилинади.

Бу счёtlар билан боғлиқ операцияларни счёtlарда акс эттирилиш тартибини қуида кўришимиз мумкин:

#### Таблица

Бозор муносабатлари шароитида реализация билан боғлиқ бўлмаган операциялардан келадиган даромадлар тартибида асосий ўринни дивидендлар ва қимматли қофозлар учун олинадиган фоизлар ташкил этади. Бундан ташқари, ҳамкорликдаги корхоналарда корхонанинг қўшган маблағи улусидан келадиган даромад ташкил қиласди. Реализация билан боғлиқ бўлмаган даромадлар таркибида юқорида санаб ўтилган даромад турлари молия натижалари ҳақидаги бухгалтерия ҳисботида алоҳида ҳисбот шаклида берилади, чунки бу даромад турларидан бюджетга солик алоҳида ставка бўйича тўланади.

#### 6. Тақсимланмаган фойданинг (қопланмаган заарнинг) ҳисоби

Корхона фойдаси унинг ишлаб чиқариши ва ижтимоий ривожланишини асосий манбаи бўлиши билан бирга, республика ва маҳалий бюджетлар даромад қисмининг таркиб топишида ҳам муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Фойданинг маълум қисми ушбу корхона таъсисчилари ўртасида тақсимланади. Бу дегани, корхона даромади нафақат унинг молиявий эҳтиёжини қондириши лозим, балки давлатнинг фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларининг харажатларини молиялаштириш мақсадларини ҳам қондириши лозим. Фойданинг тақсимланиши аввалдан белгиланган нормативлар асосида амалга оширилади ва шунинг учун ҳам фойданинг тақсимлаш жараёнида корхонанинг бюджет, таъсисчилар ва бошқалар билан молиявий муносабатлари вужудга келади.

Корхона фойдаси қуидаги тақсимланади:

- 1) бюджетга солик тўловлари ва бошқа тўловлар (фойдадан солик, рента тўловлари ва бошқа);
- 2) даромаднинг бир қисмидан дивиденд тўловлари кўринишида таъсисчилар ва акционерлер билан ҳисоб-китоб олиб бориш;
- 3) фойданинг бошқа мақсадларга сарфланиши.

Корхона фойдасидан бюджетга йил давомида аванс тўловлари ҳисобланади ва тўлаб борилади. Бу тўловлар белгиланган қонун ва қоидалар асосида амалга оширилади. Фойдадан (даромаддан) бюджетга тўланадиган солиқлар, тўловлар ва бошқа мажбурий ажратмаларни ҳисобга олиш учун қуидаги счёtlар мўлжалланган:

9810- «Даромадлар (фойда) га солинадиган солик бўйича харажатлар».

9820- «Фойдадан тўландиган бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар».

Бу счёtlарнинг дебет томонидан ҳисобланган даромаддан (фойдадан) солиқлар, тўловлар ва мажбурий ажратмалар акс эттирилади. Фойданинг саряланишини ҳисобга

олишга мүлжалланган бу счёлар ҳисобот даври охирида 9900- «Якуний молиявий натижа» счёти билан ёпилади.

Фойданинг сарфланишини ҳисобга олувчи тегишли счёлдари бўйича аналитик ҳисоб солиқлар, тўловлар ва ажратмалар турлари бўйича юритилади.

Фойданинг сарфланишии билан боғлиқ операциялар счёлларда қўйидагича акс эттирилади:

«Якуний молиявий натижа» 990 – счёти ҳисобот йилида корхонанинг молиявий фаолияти натижалари таркиб топиши ҳақида маълумотларни олиш ва умумлаштириш учун мўлжалланган.

Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) қўйидагилардан ташкил топади:

1. асосий фаолият бўйича молиявий натижа даромадларидан;
  2. молиявий фаолият бўйича даромадлардан ва тасодифий даромадлардан.
- Бу фаолиятлар турлари бўйича харажатлар суммасига даромадлар камаяди.

9900- счётнинг дебет томонидан заарлар (харажатлар), кредит томонидан эса фойда суммаси акс эттирилади. Ҳисобот даврига счётининг дебет ва кредит оборотларини таққослаш билан ҳисобот даври молиявий натижаси аниқланади.

Ҳисобот даври охирига 9900- счёт дебети ва кредити томонларига ёзилган суммалар йиғиндиси ҳисобланади ва бу счёт бўйича охирги қолдик топилади. Бу қолдик солиққа тортилгунга қадар бўлган баланс фойдаси (ёки зарар) суммасини кўрсатади.

Ҳисобот йили охирида йиллик бухгалтерия ҳисботини тузишда 9900- «Якуний молиявий натижа» счёти ёпилади. Соф фойда (зарар) 9900- счётдан 8710- «Ҳисобот йили тақсимланмаган фойдаси (зарари)» счётига ёзилади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Жамиятлик мулк ҳисоби устав капиталини тузиш ва уни ҳисобга олиш
2. Устав фондининг узгариши қандай
3. Мамлакатлик корхоналарнинг киссадарлик жамиятга утишида устав фондининг ҳисоби
4. Фойда ва заарни ҳисобга олиш қайси счетда амалга ошади
5. Фойдани фойдаланишни ҳисобга олиш қайси счетда амалга ошади
6. Таксимланмаган фойданинг (копланмаган заарнинг) ҳисоби қайси счетда амалга ошади

# **11-МАВЗУ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ҲИСОБОТИ**

режа

1. Ҳисоботнинг моҳияти, аҳамияти ва турлари
2. Бухгалтерия ҳисоботи ва балансини тузиш, топшириш муддати ва уни кўриб чиқиши  
хамда тасдиқлаш тартиби
3. Даврий (оийлик, чораклик, ярим йиллик) ҳисобот, унинг таркиби хамда мазмуни
4. Йиллик ҳисобот, унинг таркиби ва мазмуни

## **1. Ҳисоботнинг моҳияти, аҳамияти ва турлари**

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоботи умумлашган кўрсаткичлар тизимидан иборат бўлиб, унда корхона молия-хўжалик фаолиятининг натижаси ва маълум бир даврга режа кўрсаткичларининг бажарилиши бухгалтерия, статистика ва оператив-техника ҳисоби маълумотларига асосланиб тавсифланади. Ҳисобот кундалик ҳисобот маълумотларини ҳисоблаш, гурухлаш йўли билан тузилади. У бир нечта шаклда бўлади. Ҳисобот маълумотларини таҳлил қилиш асосида фақатгина у ёки бу корхонанинг хўжалик фаолияти натижаси баҳоланиб қолмасдан, балки халқ хўжалиги айrim тармоқларининг иш натижаси ҳам баҳоланиши мумкин.

Ҳисобот маълумотларини ўрганиш корхоналардаги ички резервларни аниқлаш ва уларни ишга солиши имконини беради. Маълумотларнинг аниқлигини таъминлаш мақсадида муҳим режа кўрсаткичларининг бажарилиши ҳақидаги ҳисобот корхона раҳбарлари билан бир қаторда бош бухгалтер томонидан ҳам имзоланади. Ҳамма корхоналар кўрсатилган муддатда ва тасдиқ қилинган ҳажмда юқори ташкилот ва бошқа бошқарув органларига ҳисобот топширадилар. Бухгалтерия ҳисоботи шакллари ва тузилиш даврини республика Молия вазирлиги тасдиқлайди. Хўжаликка раҳбарлик ва режа топшириқларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш учун ҳисоботга қуйидаги талаюлар қўйилади:

1. Оддийлик ва аниқлик. Ҳисобот шакллари шундай тузилиши керакки, токи унда ҳамма режа кўрсаткичлари, машина-ускуналардан, моддий, меҳнат ва молия маблағларидан фойдаланиш даражаси аниқ акс эттирилган бўсин. Ҳисобот маълумотларига асосланиб, корхона иши устидан назорат ишлари амалга оширилади. Назорат ишларининг олиб борилиши корхона фаолиятини яхшилашда, ички ишлаб чиқариш резервларини ишга солища катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда бу ишларни амалга ошириш мақсадида корхоналарда халқ назорати постлари ҳамда ижтимоий бюро ва иқтисодий таҳлил гурухлари ишлаб турибди.

2. Ҳисоб маълумотларини режа кўрсаткичлари билан таққосаш мумкинлиги. Режа ва ҳисоб маълумотлари ўз иқтисодий мазмуни ва ҳажмига кўра бир хил бўлиши керак. Таққослашни таъминлаш учун қуйидаги шароитлар зарур:

Хронологик даврнинг мос келиши. Ҳисоботда режа ва ҳисоб маълумотлари маълум бир даврни ёки маълум бир вақтни акс эттириши керак.

Реже ҳамда ҳисоб обьектларининг гурухланиши ва уларнинг бир хил усулда аниқланиши. Бундай бир хилликни таъминлаш учун маҳсус йўриқномалар ишлаб чиқилган.

Баҳонинг бир хиллиги. Реже ҳамда ҳисоб бир хил нарҳда баҳоланади. Масалан, ҳисобда ва режада маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши бир хил баҳода кўрсатилади.

Тасдиқланган режа кўрсаткичларини зарур бўлиб қолган тақдирда қайта ҳисоблаш. Қатор режа кўрсаткичларининг бажарилишига тўғри баҳо бериш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот тузилиши ва ҳажмининг ўзгариш таъсирини йўқотиш зарур бўлиб қолади.

Ҳисобот давридаги режа кўрсаткичларининг бажарилиш даражасини ўтган даврлар кўрсаткичлари билан таққослаш. Ҳисоб ва ҳисобот маълумотларининг ҳақиқатга тўғри келиши инвентаризация йўли билан текшириб турилади. Бу маълумотларнинг тўғри, аниқ

ва объектив бўлишини таъминлайди. Корхоналар хисоботи режалаштириш, молиялаштириш, кредитлаш, назорат ва уларнинг молия=хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш талабларига жавоб беради. Саноат корхоналари хисоботи қатор белгиларига кўра гурухланади. Аввало, хисобот маълумотларни олиш манбаи бўйича қуйидаги турларга бўлинади: бухгалтерия, статистика ва оператив хисоботлари.

Бухгалтерия хисоботи деб хисобот кўрсаткичлари учун маълумотлар синтетик ва аналитик счетардан олинадиган ҳамда ўша маълумотлар бошланғич хисоб ҳужжатлари билан тасдиқланадиган ҳисбботга айтилади. Бухгалтерия хисоботи шакллари хисоб регистрлари, машинограммаларда битта ёки бир неча синтетик счёт маълумотлари асосида ёхуд субсчёtlар ва аналитик ёзувлар асосида тўлғазилади. Масалан, бухгалтерия баланси ҳамда унга илова қилинадиган ҳисббот шакллари, асосий воситалар ҳаракати ҳақидаги ва бошқа ҳисббот шаклларини олайлик. Уларда корхона молия-хўжалик фаолиятининг ҳамма томонлари ўз аксини топади. Шунинг учун бу ҳисббот маълумотлари режа кўрсаткичларининг бажарилиши, моддий, меҳнат ва молия ресурсларининг оқилона сарфланиши бўйича белгиланган норматив ва лимитрларга риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш имконини беради. Бухгалтерия хисбботи маълумотлари фаолият турлари, тармоқлар ва бугун ҳалқ хўжалиги бўйича умумлаштирилади. Демак, улар фақат корхоналар фаолиятини назорат қилиб қолмай, балки айrim тармоқлар ва бугун ҳалқ хўжалиги бўйича режа топшириқларининг бажарилишини ҳам назорат қилиш имкониятини беради. Режа кўрсаткичларининг бажарилиши нуктаи назаридан бухгалтерия хисбботи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш, фойда, меҳнат ва иш ҳақи, капитал курилиш, таъминот ҳамда сотиш режаларининг бажарилиши ҳақидаги ҳисбботдир.

Хўжалик юритувчи субъект хисбботи ҳалқ хўжалигида уларнинг роли нуктаи назаридан умумдавлат ҳамда корхона аҳамиятига эга бўлган ҳисбботларга бўлинади. Умумдавлат аҳамиятига эга бўлган ҳисббот кўрсаткичлари ҳалқ хўжалиги режасининг бажарилиши устидан назорат қилиш учун зарурдир. Корхона аҳамиятига эга бўлган ҳисббот шакллари эса корхона режасининг бажарилиши ҳақидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бунга асосий цехлар ва корхона бошқа бўлимларининг ҳисбботлари киритилади. Корхона аҳамиятига эга бўлган ҳисббот корхонадаги цехлар, бригадалар ва участкаларнинг иши устидан назорат қилиш учун зарурдир.

Тузилиш даври нуктаи назаридан йил давомида тузиладиган ва йиллик ҳисбботлар бўлади. Йил давомида тузиладиган ҳисбботга бир кунлик, беш кунлик, ўн кунлик, ойлик, чорак ёки ярим йиллик ҳисбботлар киради. Йиллик ҳисббот йилнинг охирида тузилади ва унинг кўрсаткичлари ҳисббот йилидаги корхона фаолиятини тавсифлайди.

Хўжаликларни ўз ичига олиш нуктаи назаридан бошланғич ва умумий ҳисбботлар бўлади.

Статистика ҳисбботи эса фақат бухгалтерия ҳисби маълумотлари асосидагина эмас, балки статистика ва оператив-техника ҳисби маълумотлари асосида ҳам тузилади. Бу ҳисбботни икки тоифага бўлиш мумкин. Корхона хўжалик фаолиятини ҳар томонлама тавсифлаш учун 1-тоифа бухгалтерия ҳисбботи маълумотлари етарли бўлмай, статистик маълумотлар ҳам заурур.

Масалан, корхона асосий фондлари ҳақида фақат асосий воситалар ҳисбога олинадиган счёtlардаги бухгалтерия маълумотларидан ташқари, яна ишлаб чиқариш кувватларининг ишга туширилиши, машина ва ускуналарнинг холати, янги кувватларни ўзлаштириш ҳақидаги ва бошқа маълумотлар ҳам керак. 2-тоифа статистика ҳисбботларида кўрсаткичлар бухгалтерия ҳисбботлари кўрсаткичларига ухшаб кетади. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш, молия натижалари режасининг бажарилиши, товар маҳсулотининг таннархи, ходимлар иш ҳақи ва унинг таркиби ҳақидаги ва бошқа. Бу ҳисббот шакллари статистик ҳисббот ҳисбланди, уни тузиш учун маълумотлар бухгалтерия ҳужжатларидан, регистрлардан, машинограммалардан олинади.

Ҳалқ хўжалиги ҳисбенинг ягоналиги ҳисбботда ҳам ўз ифодасини топади. Ҳар бир корхона, бирлашма, вазирлик ҳисббот шаклларини тўлғазишда ягона қоидага амл

қилади. Масалан, маҳсулот таркибини аниқлаш ва баҳолашда, меҳнат унумдорлигини, саноат ишлаб чиқариши ҳамда саноатга тааллукли бўлмаган ходимлар ҳаракати ва сонини, асосий фондлар, уларнинг тузилиши ҳамда ҳаракатини аниқлашда ва ҳоказо. Бухгалтерия балансида хўжалик маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ягона қоидага асосланган ҳолда гурухланади ва баҳоланади. Шундай қилиб, бунда тегишли давлат органлари томонидан тасдиқланиш жараёнида ҳисобот шаклларининг ягоналиги, зарур иқтисодий маълумотларни олиш учун уларни умулаштириш мумкин бўлиши, кўрсаткичларнинг такрорланмаслиги назарда тутилади.

Оператив ҳисобот асосан корхона ишлаб чиқари ш-хўжалик фаолиятини кундалик назорат қилиш вўа бошқариш учун зарурдир. Бу маълумотлар ёрдамида маҳсулотнинг муҳим турлари бўйича ишлаб чиқариш режасини бажариш, материал жўннатишнинг бориши, мол етказиб берувчилар томонидан шартнома шартларига риоя қилиниши хусусидаги ва бошқа маълумотларни олиши мумкин.

### **3. Бухгалтерия ҳисоботи ва балансини тузиш, топшириш муддати ва уни кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тартиби**

Бухгалтерия ҳисоботи ва баланси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли бўйириғига кўра тасдиқланган «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар»га асосан тузилади. Ушбу буйруқда тақидланишича, мулкчилик шаклидан қатъи назар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи, Ўзбекитсон Республикаси қонунчилигига кўра юридик шахс ҳисобланган корхоналар ҳамда юридик шахс ҳисобланган, мустакил балансга ва банкда ҳисоб-китоб счётига эга бўлган корхона, бирлашма, ташкилотларнинг филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа бўлимлари ҳам чорақ, йиллик молиявий ҳисобот топширадилар. Чет эл инвестициялари иштирокида ташкил топган корхоналар фақат йиллик ҳисобот топширадилар.

Буйруқда чорақ ва йиллик молиявий ҳисобот шаклларининг таркиби ҳамда молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича кўрсатмалар баён этилган.

Мазкур буйруқнинг амал қилиши, мулкчилик шаклдан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларга, бундан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, аудиторлик ташкилотлари, суғурта ташкилотлари ва банклар мустасно, татбиқ этилсин дейилади.

Яна унда таъкидлаб ўтиладики, юридик шахс мақомига эга барча бюджет ташкилотлари фақат «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» 2-сон шакли ҳисоботини молия органларига йилда бир маротаба, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартаға қадар тақдим этишлари керак.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган «Чорақлик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги Низом»га биноан белгиланади (рўйхат рақами 942, 2000 йил 3 июл, «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси», 2000 йил, 13-сон).

Тугатилган ёки қайта ташкил қилинган, мулкчиликнинг давлат шаклини жамоа шаклига ўзгартирган корхона ҳисобот даврида йил бошидан то корхонанинг қайта ташкил қилинган давригача ҳисобот беришнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот топширади. Янгидан ташкил этилган корхоналар ўз маблағлари ва уларнинг манбаларини (сотиб олиш (кабул қилиш) қийматида) ҳисоботда уларни белгиланган тартибда рўйхатга олинган ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрига, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин ташкил қилинган корхоналар эса давлат томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 31 декабрига кўрсатади.

Шунингдек, юқорида эслатилган меъёрий ҳужжатда таъкидланадики, ҳисобот ва бухгалтерия балансидаги рақамларни ўчириш ёки қайта тўғрилашга йўл қўйилмайди. Агар бундай холлар юз берса, хато тузатилган сана кўрсатилган ҳолда ҳисобот ва балансга

имзо чекиб тасдиқланган шахснинг тегишли изохи бўлиши шарт. Ўтган йил ҳисоботи (у тасдиқлангандан сўнг) маълумотларининг ҳам, жорий ҳисобот маълумотларининг ҳам нотўғрилиги эътироф этилса, бу нарса жорий ҳисоботда (хатога қайси даврда ўйлган бўлса, ўша давр ҳисоботига, чорак, йил бошидан) тўғриланади. Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш мобайнида ташлаб чиқариш харажатларига унга боғлиқ бўлмаган харажатларни қўшиш натижасида даромаднинг оширилганлиги ёки молиявий натижанинг камайтирилганлиги аниқланган ҳолларда, ўтган йилги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига ўзгартириш киритилмасдан, балки ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси қўринишида жорий ҳисоботда акс эттирилади.

Молиявий ҳисобот шаклларида кўзда тутилган ҳамма кўрсаткичлар келтирилади. У ёки бу модда (сатр, устун) тўлдирилмаган ҳолларда, яъни корхонанинг керакли активлари, пассивлари, жараёнлари бўлмаганда, ўша моддалар (сатрлар, усутунлар) чизиб қўйилади.

### **3. Даврий (ойлик, чораклик, ярим йиллик) ҳисобот, унинг таркиби ҳамда мазмуни**

Аввалги бандда таъкидлаб ўтилганидек, йил давомида тузиладиган молиявий ҳисобот шаклларининг таркиби ҳам Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

«Бухгалтерия баланси – 1-шакл» даврий, яъни ойлик ҳисобот ҳисобланади. Корхона йил давомида ўз ихтиёридаги маблағлар таркиби, улардан фойдаланиш, уларнинг ташкил топиш манбалари ҳақида тегишли маълумотларга эга бўлиш, хўжалик фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш учун бухгалтерия балансини тузади.

Ҳозирги вақтда корхоналарда «Бухгалтерия баланси - шакл» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 декабр 140-сонли буйруғига мувофиқ тасдиқланган шаклда тузилади.

Юқорида эслатилган буйруқقا биноан ярим йиллик молиявий ҳисобот қўйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) бухгалтерия баланси – 1-сон шакл;
- б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл;
- в) дебиторлик ва кредиторлик қарзи тўғрисида маълумотнома – 2-а сон шакл.

Чораклик молиявий ҳисобот қўйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) бухгалтерия баланси – 1-сон шакл;
- б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл;
- в) дебиторлик ва кредиторлик қарзи тўғрисида маълумотнома – 2-а сон шакл.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фақат Бухгалтерия баланси – 1-сон шакл ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шаклдан иборат бўлган чораклик ва молиявий ҳисоботларни тақдим этадилар.

Молиявий ҳисобот шаклларида барча назарда тутилган кўрсаткичлар келтирилади. Корхонада тегишли активлар, пассивлар, операциялар йўқлиги сабабли у ёки бу модда (сатр, устун) тўлдирилмаган тақдирда ушбу модда (сатр, устун) чизиб қўйилади.

### **4. Йиллик ҳисобот, унинг таркиби ва мазмуни**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли буйруғига биноан йиллик молиявий ҳисобот қўйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

- а) бухгалтерия баланси – 1-сон шакл;
- б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл;
- в) асосий воситалар харакати тўғрисида ҳисобот – 3-сон шакл;
- г) пул оқимлари тўғрисида ҳисобот – 4-сон шакл;
- д) хусусий капитал тўғрисида ҳисобот – 5-сон шакл;
- е) дебиторлик ва кредиторлик қарзи тўғрисида маълумотнома – 2-а сон шакл;

Йиллик молиявий ҳисоботга қўйидагилар илова қилинади:

- а) ҳисобот йилида корхона фаолиятининг якуний натижаларига, корхонада йиллик

молиявий ҳисоботни кўриб чиқиш ва соф фойдани тақсимлаш якунлари бўйича қарорларга таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати;

б) молиявий ҳисоботнинг тўғрисида аудиторлик хулосаси (Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» Қонуни 10-моддасида кўрсатилган корхона ва ташкилотлар учун, «Ўзбекитсон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси» тўплами, 2000 йил, 5-сон).

Молиявий ҳисобот шаклларининг манзил қисми юқорида эслатилган буйруқка асосан қўйидаги тартибда тўлдирилади:

а) «Корхона, ташкилот» реквизити – корхонанинг тўлиқ номи билан (белгиланган тартибда рўйхатга олинган таъсис ҳужжатларига мувофиқ) ва КТУТГа биноан унинг коди кўрсатилади;

б) «Соҳа (фаолият тури)» реквизити – корхонанинг соҳаси (фаолият тури) ва ХХТУТГа биноан соҳа (фаолият тури)нинг коди кўрсатилади;

в) «Давлат мол-мулкини бошқариш органи» реквизити-ихтиёрида корхона турган (агар шундай бўлса) ва унга молиявий ҳисобот юбориладиган органнинг номи кўрсатилади;

г) «Манзил» реквизити – корхонанинг тўлиқ юридик манзили кўрсатилади;

д) «Назорат суммаси» реквизити – корхоналар томонидан тўлдирилмайди.

Юқорида эслатилган буйруқда молиявий ҳисоботни тузиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш масалалари бўйича бошқа амалдаги меъёрий ҳужжатларга амал қилиш лозимлиги таъкидлаб ўтилади.

Корхона ва ташкилот барча алоҳида бўлинмалари фаолиятининг кўрсаткичлари молиявий ҳисобот шакллари кўрсаткичларининг маълумотларига киритилиши керак.

## 5. Бухгалтерия баланси, унинг бўлимлари ва моддалари тавсифи

ҳисоботнинг асосий шаклини баланс ташкил қиласи. Ҳамма хўжалик юритувчи субъектлар учун уларнинг қайси бошқарма ёки вазирликка қараашлилигидан қатни назар, баланс бир хил шаклда (1-шакл) тузилади. Ушбу шакл Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 31-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Бухгалтерия балансида корхона (бирлашма) маблағлари таркиби, микдори ва уларнинг ташкил топиш манбалари маълум ҳисобот даврига пул шаклида акс эттирилади. Ҳисобот даври бошланиши ва охирига баланс кўрсаткичларини солишириш маблағлар таркиби ҳамда уларнинг ташкил топиш манбаларида юз берган ўзгаришларни аниқлаш имконини беради. Баланс тузилаётган вақтда унинг моддаларини баҳолашда ягона, илмий жиҳатдан асосланган қоидага риоя қилиш зарур. Унинг асосини корхонанинг ҳамма хўжалик маблағларини уларни сотиб олиш ёки тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар асосидаги баҳолаш талаби ташкил этади.

Юқорида келтирилган буйруқ асосида тасдиқланган «Корхоналарнингчораклик ва йиллик молиявий ҳисобот шаклларини тўлғазиш бўйича кўрсатма»да «Бухгалтерия баланси – 1-шакл»нинг актив ва пассив томонларидаги моддаларни баҳолаш тартиби, моддаларни тўлғазиши тартиби, ҳар бир моддада нималар акс эттирилиши кераклиги, яъни қандай маълумотлар асосида тўлғазилиши лозимлиги батафсил баён қилинган. Корхона ва бирлашмалар даврий ва йиллик бухгалтерия балансларини тузабётган вақтда ушбу кўрсатмада белгилаб ўтилган қонун-қоида ватартибларга тўла риоя қилган ҳолда баланс моддаларини тўлғазишлари лозим. (Корхона, бирлашма ва ташкилотларда тузиладиган «Бухгалтерия баланси – 1-шакл» қўйида келтирилган). Тўлғазилган баланс маълумотлари асосида қўйидагилар ва бошқалар аниқланади:

1. Бирлашма ёки корхона ўз айланма маблағлари билан қай даражада таъминланганлиги.

2. Давлат бюджети билан ҳисоб-китобнинг холати.

3. Олинган кредитнинг белгиланган мақсадлар бўйича сарфланиши ва унинг тегишли маблағ билан таъминланганлиги.
4. Маълум мақсадлар учун молиялаштирилган маблағларнинг қолдиғи.
5. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати ва бошқ.

## **6. Инвентаризация, уни ўтказиш тартиби ва ахамияти**

Инвентаризация – корхона мол-мулкини рўйхат килиш ва маълумотларни бухгалтерия ҳисоби билан солиширишдир. Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби усулларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида хўжалик маблағлари, корхонанинг бошқа ташкилотлар билан олиб борадиган ҳисоб-китоб муносабатларининг ҳақиқий миқдори ва суммаси ҳисоб маълумотларига солиширилади ҳамда улар ўртасидаги фарқ топилади. Баланс ва ҳисобот акс эттириладиган кўрсаткичларнинг аниқлигини таъминлаш, ўғирлик, нобудгарчиликларга қарши кураш олиб бориш учун материал, пул маблағларининг ҳаммаси ҳамда ҳисоб-китоблар йилда камидан бир марта инвентаризация қилинади. Унинг тўла ва қисман турлари мавжуд. Корхонага тегишли мол-мулкнинг ҳаммасини инвентаризация қилиш тўла инвентаризация, мол-мулкнинг бир қисмини инвентаризация қилиш эса қисман инвентаризация дейилади.

Инвентаризация яна режали ва тўсатдан қилинадиган инвентаризация турларига ҳам бўлинади.

Режали инвентаризация – бу йиллик ҳисобот тузишдан аввал ўтказиладиган, ойлик ва чораклик тугалланмаган ишлаб чиқариш вабошқа инвентаризациялардир.

Тўсатдан қилинадиган инвентаризациялар тегишли обьектдаги жавобгар шахснинг ножӯя харакатлари аниқланганда, корхона фаолияти тафтиш қилиниши даврида, ўт олиш, сув тошиши ва бошқа сабабларга кўра амалга оширилади.

Инвентаризация ўтказиш корхона раҳбарининг буйруғи билан амалга оширилиб, ўтказиш бўйича жавобгарлик корхона раҳбари ва бош бухгалтери зиммасига юклатилади. Буйрукда текширишга дахлдор комиссия аъзолари рўйхати, уни ўтказиш муддати, нималарни инвентаризация қилиш кўрсатилади. Инвентаризация ўтказиш комиссиясига корхона раҳбари ёки унинг ўринбосари раислик қиласи. Комиссия аъзолари рўйхатидан корхона бош бухгалтери бўлиши шарт. Инвентаризация холосаси комиссия аъзолари ҳамда моддий жавобгар шахс “Ушбу инвентаризация рўйхатида кўрсатилган моддий бойликларни қабул қилдим ҳамда инвентаризация комиссиясига ҳеч қандай даъвоим йўқ”, мазмунида тилхат ёзил беради.

Инвентаризация ведомостининг шакли инвентаризация қилинаётган маблағлар хусусиятларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ведомостда маблағнинг номи, ўлчов бирлиги, баҳоси, ҳисоб ва инвентаризация натижаси-камомад ва ортиқчалик сон ҳамда пул кўринишида акс эттирилиши лозим. Кўпинча инвентаризация рўйхатига фарқи аниқланган маблағлар номигина киритилади. Бу эса ишни бирмуняя қисқартиради. Аниқланган жами камомад ва ортиқчалик юзасидан моддий жавобгар шахс ёзил тушунириш беради. Шундан кейин комиссия инвентаризация натижалари бўйича тегишли қарор қабул қиласи ва у корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Қарорга мувофиқ, ортиқча моддий бойликлар қабул қилинади. Камомадлар эса 5910- “Камомад ва моддий бойликларнинг бузилишидан кўрилган харажатлар” счётида ҳисобга олинади. Сўнгра бу счётдан меъёрдан ортиқча камомад айбор шахс ҳисобига ёзилади.

## **7. Йиллик ҳисоботнинг бошқа шакллари**

Йиллик ҳисобот таркибида “Бухгалтерия баланси – 1-шакл” дан ташқари, юқорида таъкидланганидек, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – 2-шакл, асосий воситаларнинг харакати тўғрисида ҳисобот- 3-шакл, пул оқимлари тўғрисида ҳисобот – 4-шакл, хусусий капитал тўғрисида ҳисобот – 5-шакл ҳэмда балансга илова – дебиторлик ва кредиторлик қарзлари хусусидаги маълумотнома (2-а шакл) тўлғазилади ҳэмда тегишли ташкилотларга тасдиқлаш учун топширилади.

Ҳисобот шакллари, авваламбор, корхона юқори ташкилотига, хизмат кўрсатувчи банк муассасасига, солиқ идорасига, статистика органига ва бошқа манзилларга белгиланган муддатда топширилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган йиллик ҳисобот таркибига кирувчи ҳисобот шаклларининг ҳар бирини тузиш тартиби, ҳисобот кўрсаткичлари, сатрлари, моддаларини тўлғазиши қонун-қоидалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига асосан тасдиқланган “Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича кўрсатмаси”да батафсил баён қилинган. Корхоналар ҳисобот шаклларини ушбу кўрсатмага асосланган ҳолда тўлғазишлари лозим. Мазкур кўрсатмада тасдиқланган ҳисобот шакллари қуида келтирилади.

Өзбекстан Республикасў Финанс  
Министриниң 12 март 2003 жўлғу №  
45 санлў буйрўғу менен  
тастўйўқланган

## БУХГАЛТЕРИЯЛЎҚ БАЛАНС (№ 1- форма)

_____ 2005 ж. жағдайўна	Кодлар 0710001
<b>Форма № 1</b>	
<b>ОКУД бойўниша</b>	
<b>Кәрхана, шөлкем</b>	ОКПО бойўниша
<b>Тараў</b>	ОКОНХ бойўниша
<b>Шөлкемлесиў-хуқўқўй формасў</b>	КОПФ бойўниша
<b>Меншик түри</b>	КФС бойўниша
<b>Министрлик, ведомство ҳ. т. б. Салўқ төлеўшиниң идентификациялўқ номери</b>	СООГУ бойўниша ИНН
<b>Жайласқан орнў</b>	СОАТО
<b>Мәнзили</b>	<b>Жибериў ўақтў</b>
<b>Өлшем бирлиги, мўн сум</b>	<b>Алўў ўақтў</b>
	<b>Тапсурўў ўақтў</b>

<b>Көрсеткишлер атү</b>	Қатар кодү	Есабат дәүири басуна	Есабат дәүири ақүрүна
1	2	3	4
<b>АКТИВ</b>			
<b>I. Узақ мұддетли активлер</b>			
<b>Тийкарғұ қураллар:</b>	010		
Басланғыш (қайта тиклеў) кунү (0100, 0300)	011	22474	22229
Тозүү суммасү (0200)	012	10295	11666
Қалдүк (баланс) кунү (010 қатар-011 қатар)		12179	10563
<b>Материаллұқ емес активлер:</b>	020		
Басланғыш кунү (0400)	021		
Амортизация суммасү (0500)	022		
Қалдүк (баланс) кунү (020 қатар-021 қатар)	030		
Узақ мұддетли инвестициялар, барлұғы (040+050+060+070+080 қатарлар) сонүң ишинде:	040		
Баҳалұ қағазлар (0610)	050		1101
Сүнар хожалўқларға инвестициялар (0620)	060	820	
Қараўұндағұ хожалўқларға инвестициялар (0630)	070		42
Сұрт ел капиталұна ийе кәрханаларға инвестициялар (0640)	080		
Басқа да узақ мұддетли инвестициялар (0690)	090	685	12008
Орнатү́га үскенелер (0700)	100		
Капитал қойўлмалар (0800)	110		
Узақ мұддетли дебиторлұқ қарўздарлұқ (0910, 0920, 0930, 0940)	111	3000	42
Оннан: мұддети өткен	120		
Мұддети узайттүрўлған узақ мұддетли қәрежетлер (0950, 0960, 0990)	130		
<b>I бөлім боййұнша жәми</b> <b>(012+022+030+090+100+110+120 қатарлар)</b>		16684	23714
<b>II. Ағымдағұ активлер</b>			
Товар-материаллұқ запаслар, барлұғы (150+160+170+180 қатарлар), сонүң ишинде:	150		
Өндірис запаслары (1000, 1100, 1500, 1600)	160	13181	13115
Тамамланбаған өндірис (2000, 2100, 2300, 2700)	170		
Таяр өним (2800)	180	870	965
Товарлар (2980дў алўп таслағанда 2900)	190	123	163
Келеси дәүир қәрежетлери (3100)	200	3529	3317
Мұддети узайттүрўлған қәрежетлер (3200)	210		
Дебиторлар, барлұғы (220+230+240+250+260+ +270+280+290+300+310 қатарлар)	211		
<b>Оннан: мұддети өткен</b>	220		
Қарўидар ҳәм буййұртпашұлардұң қарўзлары (4900 алўп таслағанда 4000)	230	4220	235
Бөлимдердин қарўзлары (4110)	240		
Сүнар ҳәм қараўұндағұ хожалўқлардұң қарўзлары (4120)	250	917	1121

Хўзметкерлерге берилген аванслар (4200)	260		
Жеткерип бериўши ҳәм кесип алўп ислеўшилерге берилген аванслар (4300)	270	170	6
Салўқ ҳәм жўйўмлар бойўнша аванс төлем-лери (4400)	280	275	3243
Мәмлекетлик арнаўлў фонdlар ҳәм қамсўз-ландўрўй бойўнша аванс төлемлери (4500)	290		
Шөлкемлестириўшилердин устав капиталўна болған қарўзларў (4600)	300		
Басқа да операциялар бойўнша хўзметкер-лердин қарўзларў (4700)	310		
Басқа да дебиторлўқ қарўзлар (4800)	320	51	399
Пул қаржўларў, барлўғў (340+350+360+370 қатарлар), сонўн ишинде:	330		
Кассадағў пул қаржўларў (5000)	340		
Есап бетиндеги пул қаржўларў (5100)	350	11525	6562
Сўрт ел валютасўндағў пул қаржўларў (5200)	360		
Басқа да пул қаржўларў ҳәм эквивалентлери (5500+5600+5700)	370		
Қўсқа муддетли инвестициялар (5800)	380	85782	63273
Басқа да ағўмдағў активлер (5900)	390		
<b>II бөлим бойўнша жәми (140+190+200+210+320+370+380 қатарлар)</b>	400	120643	92399
<b>Баланс активи бойўнша барлўгў (130 қатар+390 қатар)</b>		137327	116113

## ПАССИВ

<b>I. Өз қаржўларўнүң дереклери</b>			
Устав капиталў (8300)	410	12000	12000
Қосўлған капитал (8400)	420	256	256
Резерв капиталў (8500)	430	14408	14602
Сатўп алўнған өз акцияларў (8600)	440		
Бөлистирилмеген пайда (қапланбаған зўян) (8700)	450	31511	40218
Мақсетли тусимлар (8800)	460		
Келеси дәёур қережетлери ҳәм төлемлери бойўнша резервлер (8900)	470		
<b>I бөлим бойўнша жәми (410+420+430-450+ +460+470 қатарлар)</b>	480	58175	67076
<b>II. Миннетлемелер</b>			
<b>Узак муддетли миннетлемелер (500+510+ +520+530+540+550+560+570+580+590 қатарлар)</b>	490		
Сонўн ишинде узак муддетли кредиторлўқ қарўзлар (500+520+540+560+590 қатарлар)	491	24168	20943

Оннан: мұддети өткен узақ мұддетли кредиторлұқ қарўзлар	492		
Жеткериип бериүши ҳәм кесип алўп ислеўши-лерге узақ мұддетли қарўзлар (7000)	500	5934	9412
Бөлимлерге болған узақ мұддетли қарўздарлұқ (7110)	510		
Сұңар ҳәм қараўйндағү хожалўқларға узақ мұддетли қарўздарлұқ (7120)	520		
Мұддети узайттүрлігтан узақ мұддетли дарамат (7210, 7220, 7230)	530		
Салўқ ҳәм төлемлер бойёнша мұддети узайттүрлігтан узақ мұддетли миннетлемелер (7240)	540		
Басқа да мұддети узайттүрлігтан узақ мұддетли миннетлемелер (7250, 7290)	550		
Қарўидар ҳәм буййұртпашұлардан алўнған аванслар (7300)	560		
Узақ мұддетли банк кредитлери (7810)	570		
Узақ мұддетли қарўзлар (7820, 7830, 7840)	580		
Басқа да узақ мұддетли кредиторлұқ қарўзлар (7900)	590		
Ағымдағү миннетлемелер, барлұғы (610+620+630+640+650+660+670+680+690+ +700+710+720+730+740+750+760 қатарлар)	600		
Сонүн ишинде: Ағымдағү кредиторлұқ қарўзлар (610+630+650+670+680+690+700+ +710+720+760 қатарлар)	601		
Сонүн ишинде: мұддети өткен ағымдағү кредиторлұқ қарўздарлұқ	602		
Жеткериип бериүши ҳәм кесип алўп ислеўши-лерге қарўздарлұқ (6000)	610		11
Бөлимлерге болған қарўздарлұқ (6110)	620		
Сұңар ҳәм қараўйндағү хожалўқларға қарўздарлұқ (6120)	630	3171	3218
Мұддети узайт-ған дәрамат (6210, 6220, 6230)	640		
Салўқ ҳәм төлемлер бойёнша мұддети узайттүрлігтан миннетлемелер (6240)	650		
Басқа да мұддети узайттүрлігтан миннетлемелер (6250, 6290)	660		
Алўнған аванслар (6300)	670		
Бюджетке төлемлер бойёнша қарўзлар (6400)	680	878	1690
Қамсұзландүрүй бойёнша қарўзлар (6510)	690	286	766
Мәмлекетлик арнаулұқ фонdlарға төлемлер бойёнша қарўздарлұқ (6520)	700	1194	
Шөлкемлестириүшилерге қарўзлар (6600)	710		
Мийнет ҳақү бойёнша қарўзлар (6700)	720	1390	1293
Құсқа мұддетли банк кредитлери (6810)	730	40000	10000
Құсқа мұддетли қарўзлар (6820, 6830, 6840)	740		
Узақ мұддетли миннетлемелердин ағымдағү бөлеги (6950)	750		
Басқа да кредиторлұқ қарўзлар (6950 алўп таслағанда 6900)	760	2131	1704
<b>II бөлім бойёнша жәми</b>	770	79152	49037

<b>(490+600 қатарлар)</b>			
<b>Баланстүң пассиви бойёнша барлўғы (480+770 қатарлар)</b>	780	137327	116113

Көрхана баслўғы \_\_\_\_\_  
**Бас бухгалтер** \_\_\_\_\_

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ҳисоботнинг моҳияти, аҳамияти ва турлари қандай
2. Бухгалтерия ҳисоботи ва балансини тузиш, топшириш муддати ва уни кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш тартиби қандай
3. Даврий (оилик, чораклик, ярим йиллик) ҳисобот, унинг таркиби ҳамда мазмуни қандай
4. Йиллик ҳисобот, унинг таркиби ва мазмуни қандай

## **Фойдаланган адабиётлар**

1. И. А. Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлиди» - Т. : Ўзбекистон», 1995 йил.
2. Ўзбекистон респубкасининг «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чукурлаштиришга оид қонун, хукумат қарорлари ва меъерий хужжатлар туплами. Т.: Ўқитувчи 1998. й
3. Ўзбекистон респубкасининг «Фермер хўжалиги туғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чукурлаштиришга оид қонун, хукумат қарорлари ва меъерий хужжатлар туплами. Т.: Ўқитувчи 1998. й
4. Ўзбекистон респубкасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чукурлаштиришга оид қонун, хукумат қарорлари ва меъерий хужжатлар туплами. Т.: Ўқитувчи 1998.
5. Хожалўқ жўргизиўши субъектлердин финанс хожалўқ хўзмети бухгалтерия есабў счетларёнўн режеси ҳэм онў қолланўў бойёнша инструкция. Т. - 2004 ж  
Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни 26 май
6. Ўзбекистон респубкасининг «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш туғрисада»ги Қонуни. Қишлоқ хўжалигига ислоҳотларни чукурлаштиришга доир қонун ва меъерий хужжатлар туплами. Т.: Шарқ 2-қисм, 1998.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Ижара тўғрисида»ги Қонун. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.-Т.: Адолат 1993 3-сон
8. «Номоддий активларни балансдан чиқариш тарби тугрисидаги низомини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2005 йил 14-декабрдаги 105 сон буйриги
9. «Ўзбекистон Республикаси» бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (7-сон БХМС) «Номоддий активлар» ни тасдиқлаш тугрисида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 12 апрелдаги 37 сонли буйриги
10. Өзбекстан Республикасў Бухгалтерия есабўнўн Миллий стандартларў. Ташкент-2000 ж.
11. Хожалўқ жўргизиўши субъектлердин финанс хожалўқ хўзмети бухгалтерия есабў счетларёнўн режеси ҳэм онў қолланўў бойёнша көрсетпе. Т. - 2004 ж.

12. Өнимлерди сатўў ҳәм ислеп шўғарўў бойёнша шўғүнлардўн қурамў ҳәм финанс нәтийжесин дүзиў ҳаққўндағұР Реже. Ташкент - 2000 ж
13. Ю.Иткин ҳ.т.б. Өзбекстан базар экономикасў шәриятўнда бухгалтерия есабў 1-2 том. Ташкент - 2000 ж.
14. А.С.Сотиволдиев, Ю.М.Иткин. Замонавий бухгалтерия хисоби. 1 -2 том. Ташкент - 2002 ж.
15. Қадиров А. Бозор иқтисодиетига ўтиш шароитида ижара ва ижара муносабатлари асосида хужалик юритишнинг самарадорлигини ошириш йўллари. - Т.: 1999 йил
16. Рзаев К. Рўночнўе проблемў сельской экономики Каракалпакстана - Нукус: Каракалпакстан, 1993 г.
18. Тулаходжаева М. М. и. др. Финансовўй учет. Т.-2001
19. Б. Нидлз., Р. Энтони, Дж. Рис., Принципў бухгалтерского учета. М. -2003
21. К. Юсупбоев. Қорақалпоғистоннинг аграр секторида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш хусусиятлари. Тошкент- «Ўзбекистон» 2001
- 22.К. Исмайллов, Т. Ситмуратов, С. Байжанов. Жаңа счетлар жобасўнда бухгалтериялўқ есаптў жўргизиў. Нөкис «Билим» 2004
24. О. Бобожонов. Молиявий ҳисоб. Т.-2003
25. А. Абдуллаев ҳ.т.б. Бухгалтерия ҳисоби. Т.- «Минҳож»-2002
26. Р. Раджапов., Р. Дустмуратов. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. Нукус «Билим»- 1996
29. И. А. Завалишина. Бухгалтерский учет по новому. Т.-2003
31. Аграр соҳада ислоҳотларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. Т. «Мехнат» -2002
32. Бухгалтерия ҳисоби А.Каримов, Ф.Исломов Т-2004
33. Бухгалтерия ҳисоби М.Умарова Т.: «УАЖБНТ» 2004
35. Миллий ҳисоб ва иқтисодий баланс М. Шарифхуджаев Т-2003
38. Хошимов Б.А «Бухгалтерия ҳисоби назарияси» Т-2005
39. Гулямова Ф.Г «Самоучитель по бухгалтерскому учету» Т-2004